

НОТИҚЛИК САНЪАТИ

(Ўқув-услугий қўлланма)

ХУЛКАР ҲАМРОЕВА

НОТИҚЛИК САНЪАТИ

(Ўқув-услубий қўлланма)

- 69438 -



Әл-Фараби атындағы университет
Алматы ақпараттық білім беру орталығы
КІТАПХАНА

ЭОЖ 793
КБЖ 85. 31
X 18

Ҳамроева Ҳ. Нотиқлик санъати. Олий ўқув юртлари филология йўналишидаги талабалар ҳамда санъатишунослик йўналиши магистрлари учун танлов фанлари курсидан ўқув-услубий қўлланма.

Масъул муҳаррир:

Раъно Сайфуллаева, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ляйло Раупова, филология фанлари доктори, профессор

Нозимжон Қосимов, филология фанлари номзоди, профессор

X 18 Хулқар Ҳамроева

НОТИҚЛИК САНЪАТИ: (Ўқув-услубий қўлланма). – Алматы: Эпиграф, 2022.- 180 бет.

ISBN 978-601-352-714-2

Мазкур ўқув-услубий қўлланма И-2021161 –рақамли “Муסיқа ва санъат ҳамда филологик йўналишдаги ўқув муассасалари учун “Болалар рақслари” фанидан 3Д тизимли интeрактив ўқув-методик қўлланмалар яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрланди. Алматы, 2021. 206 бет.

Учебно-методическое пособие подготовлен в рамках практического проекта И-2021161 - «Создание трехмерных систематических интерактивных учебных пособий по предмету «Детские танцы» для музыкально-художественных и филологических учебных заведений». Алматы, 2021. 206 с.

ISBN 978-601-352-714-2

ЭОЖ 793
КБЖ 85. 31

© Ҳамроева Ҳ., 2022
© Эпиграф, 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ	15
НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ ФАЛСАФА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ЭСТЕТИКА ФАНЛАРИ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ	21
ҚАДИМГИ ЮНОН НОТИҚЛИК САНЪАТИ. АРАСТУ ВА АФЛОТУННИНГ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ	27
НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ	34
НУТҚ ҚОНУНЛАРИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ҚОИДАЛАРИ	40
АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	49
ЗАМОНАВИЙ НОТИҚЛИК САНЪАТИ: АРГУМЕНТ, ТИНГЛОВЧИ ВА ФАН	56
ЗАМОНАВИЙ НОТИҚЛИК САНЪАТИ: ВАЗИЯТ, ДРАМА ВА ҲИКОЯДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ	64
ЗАМОНАВИЙ НОТИҚЛИК САНЪАТИ: ДИСКУРС, ҲОКИМИЯТ ВА ИЖТИМОЙ ТАНҚИДЧИЛИК	72
НОТИҚЛИК САНЪАТИ АСОСЛАРИ	81
НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ БЕЛГИЛАРИ	88

МОНОЛОГ ВА ДИАЛОГНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	94
САНЪАТШУНОСЛИҚДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ.....	111
НОТИҚЛИК САНЪАТИНИ ЭГАЛЛАШ ОМИЛЛАРИ.....	122
НОТИҚЛИК САНЪАТИДА МАТН БИЛАН ИШЛАШ. ЎҚИШ ВА УҚИШ САНЪАТИ	132
НОТИҚЛИК САНЪАТИДА ЭТИКЕТНИНГ АҲАМИЯТИ	139
МУОМАЛА ВА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ	152
НУТҚ ҚОБИЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ.....	157
НОТИҚЛИК САНЪАТИ ФАНИДАН ТЕСТЛАР	166
Фойдаланилган адабиётлар	175

КИРИШ

Нотиклик санъати ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият, фан ва техника, маданий ва адабий ҳаёт ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этади. Жамият аъзоларининг маданий савияси ортгани сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, нутқ маданияти қондалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда такомиллашиб боради. Нотиклик санъатининг шаклланиши ва ривожланишида адабиёт, санъат, радио, телевидение ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор.

Ўзбек адабий тили нутқ маданиятининг ўзига хос меъёрлари шаклланишида улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодиётининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Сўз мулкининг султони ўзининг бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти билан ўз даври нутқ маданияти ва нотиклик санъати тараққиётига мислсиз ҳисса қўшди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ўзбек тилининг нуфузи ва мавқеини оширишда соҳалар терминологиясини тадқиқ этиш ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидланганидек: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир!”¹. Ватаний ишга масъулият билан ёндашишда она тилига муносабат муҳим аҳамият касб этади. Сўз танлаш, адабий тилда маҳорат билан таъсирчан сўзлаш ва чиройли талаффуз нотиклик санъатининг асосини ташкил қилади.

Қадим Шарқда азалдан тил одоби ва нутқ маданиятига жиддий эътибор берилган. Нотиқ нимани гапиришигина эмас, балки қандай гапиришни ҳам билиши керак. Моҳир нотиқ нутқ маданиятини тарғиб этувчи, бунга қизиқувчиларга мураббийлик, устозлик қилувчи киши ҳамдир. Нутқ маданияти назариётчиларидан бири айтганидек, ўз она тилини ўрганиш, ундан моҳирона фойдаланиш – улуғ иш; агар киши тилни аниқ-равшан билиб олмаса, инсоният тафаккурининг энг буюк ютуқлари, энг

¹ <https://uza.uz> Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// “Ўзбекистон овози” газетаси. 21.10.2019.

чукур билимлар ва ғоят оташин ҳис-туйғулар унга номаълум бўлиб қолаверади. Бинобарин, сўз фикрни ифодалаш куралидир. Шу тарзда юнон маърифий-маданий ютуқлари асрлар давомида ўзига хос тарзда ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон давлат хореография академияси санъатшунослик йўналиши талабалари учун дастурга танлов фан сифатида “Нотиклик санъати” киритилган. Унинг вазифаси бўлажак санъатшуносларнинг нутқини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат. Адабий тилнинг лисоний меъёрлари ҳақида тушунча бериш баробарида унинг тилшуносликнинг барча соҳаларидан ташқари, адабиётшунослик, психология, санъатшунослик, педагогика, фалсафа, мантик, этика, тарих, социология сингари фанлар билан узвий боғлиқлиги тўғрисида маълумот берилади. Нотиклик санъатига доир билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган таҳлил жараёнида бадий адабиётлардан олинган матнлар, матн парчалари ва матбуот материаллари, санъат мавзусидаги аудио ёзувлар ҳамда талабалар томонидан тўпланган оғзаки сўзлашув намуналарининг таҳлил қилиниши алоҳида аҳамият касб этади.

Машғулотларда талабаларни қизиқтириш мақсадида миллий рақс санъати тарихи, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Исахор Оқилов, Мукаррамахоним, Гавҳар Раҳимова, Қундуз Миркаримова, Гулнора Маваева, Бернора Қориева, Гавҳар Матёкубова каби атоқли санъаткорларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид матнлар, Ҳазрат Навоийдан бошлаб, Ўзбекистон халқ шоирлари Миртемир, Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом, Эркин Воҳидов, Анвар Обиджонларнинг рақс ҳақидаги шеърлари танланиб, мулоқот жараёнида нутқини тўғри ифодалаш ва такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқилади ҳамда тавсия этилади.

Талабаларнинг энг керакли сўз ва иборалардан тўғри матн тузиши, матнни алоҳида тиниқ ифода билан ишонарли тарзда, табиий самимийлик, кўтаринкилик руҳида, тўғри талаффуз билан ўқиши назорат қилинади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада нотиклик санъати, унинг илдишлари, келиб чиқиш тарихи, бугунги кунимиздаги муҳим аҳамияти, кўшлаб фанлар билан бевосита боғлиқлиги ва истикболи, нотиклик санъатини эгаллаш сирлари ҳақида фикр юритилади.

КИРИШ

Режа:

1. Нотиклик санъати фанининг мақсади, предмети ва вазифалари.
2. Нотиклик санъати фани доирасида ўрганиладиган асосий масалалар.

Таянч сўзлар: *нотиклик санъати, фан, мақсад, вазифа, муносабат, алоқадорлик.*

Глобаллашувнинг янги боскичида дунё мамлакатлари ўртасидаги маданий-адабий алоқаларнинг янада чуқурлашиши миллий тилларни бойитишга ёрдам беради. Ўзбек тилининг меъёрлари мукамал равишда ишлаб чиқилган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилаётган бўлса-да, тил имкониятларидан фойдаланиш тараққиётнинг бугунги кундаги талабларига тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди. Зеро, бу борада жиддий муаммолар юзага келаётганлиги ҳақиқат. Жамият аъзоларининг тилдан фойдаланиш савияси ўзбек миллиятининг бой ва тарихий маданияти даражасида бўлмас экан, ижтимоий-маданий нутқ тўла қарор топганлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Нутқ маданияти инсондаги ижобий сифатларни тарбиялаш, такомиллаштириш натижасида вужудга келади.

Адабий тил – мазмунли нутқнинг асосидир. Қадриятларнинг глобаллашуви шиддат билан тараққий этаётган жараёнда *маданиятчилик* тушунчаси турлича талкин қилинади. Уларни маълум даражада умумлаштириб, маданиятли шахс эгаллаши зарур бўлган уч хусусиятни айтиш мумкин:

- 1) кўп китоб мутолаа қилиш;
- 2) билимга интилиш;
- 3) оддийлик ва камтаринлик.

Мазкур хислатлар эгаси қаерда ва қандай шароитда одамлар билан муносабатда бўлмасин, ҳаммада маданиятли шахс сифатида таассурот қолдиради. Жамият аъзолари мулоқот орқали бир-бирини таниб боради. Кўп китоб ўқийдиган кишилар суҳбат жараёнида мулзам бўлиб қолмайди – мулоқот қоидаларини бузмайди. Масалан, маданиятли киши ўзи билмаган, етарли маълумотга эга бўлмаган

нарса ҳақида фикр билдирмайди. Суҳбат мавзуси унга таниш ва кизиқарли бўлсагина мулоқотга киришади. Инсонлараро муносабатда фаросат муҳим роль ўйнайди. У маданийлик унсурларининг таркибий қисми сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мулоқотнинг илк дақиқаларидаёқ маданиятли киши ҳамсуҳбатининг феъл-атворини англаб этади ва суҳбатнинг самарали бўлишини истаса, гап ўзанини шу асосда қуришга ҳаракат қилади. Баъзи одамлар ўзи етарли билимга эга бўлмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида соатлаб гапирди. Аксинча бирон нарсани тавсифлаш, тушунтиришда қийналади. Демак, унинг сўз бойлиги кам, нутқий кўникма ҳам ривожланмаган.

Маданиятли инсон суҳбатдошини ноқулай вазиятга солмасликка ҳаракат қилади, уни қўллашга уринади. Нутқнинг мароми мулоқотда муҳим аҳамият касб этади. Талаффузнинг тезлиги фикрни англаб олишни қийинлаштиради, ҳамсуҳбат шошиб қолади. Суҳбатдош билан оралик масофани сақлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, гапга чечанлик тилни яхши билишни англамайди. Керакли сўзларни танлаб, ўз ўрнида қўллаш, сўз воситасида атрофидагиларнинг эътиборини тортиш осон эмас. Ўзига бино кўйиб, мулоқотда ажнабий сўзларни қўллаш маданиятсизлик белгиси ҳисобланади. Демак, маданий нутқ инсоннинг ички гўзаллиги ва заковати уйғунлигининг белгисидир. Нутқ маданияти фани ҳар бир шахсда мазкур сифатларни шакллантириш зарурати туфайли ўз зиммасига янги-янги вазибаларни олади.

Шуни таъкидлаш керакки, фаннинг асосий мақсади талабаларнинг мулоқот имкониятларини маданият даражасига кўтаришдан иборат. Бунинг учун нутқ маданиятининг назарий ва амалий муаммолари ҳақида тушунча бериш ҳамда керакли шароитларда улардан фойдаланишни ўргатиш, нафақат ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилган ҳолда ёзма ва оғзаки нутқ тузиш кўникмасини шакллантириш, балки умуман нутқ тузиш, уни баён қилишнинг, яъни нутқнинг нутқий бўлмаган ҳодисаларга муносабатидан келиб чиқадиган ҳолатларга (вазиятга) эътиборли бўлиш кераклигини ҳам шакллантиришдан иборат. Шу маънода шахснинг нутқий малакаси ва мулоқот акти "Нотқлик санъати" фанининг таҳлил ва тавсиф предмети ҳисобланади.

Куйидаги вазифаларни амалга ошириш натижасида белгиланган мақсадга эришилади: 1) талабаларнинг жамиятга ва одамларга муносабатини шакллантириш; 2) талабаларнинг мулоқот маданиятига доир билим савиясини такомиллаштиришга доир йўл-йўриқлар кўрсатиш; 3) талабаларнинг ўзларида тил ҳодисаларини ҳис қилиш сезимини тарбиялашларига ва тил бўйича зарур билимларини бойитишларига доир тавсияларни бериш; 4) талабаларда нутқ меъёрлари назарияси терминларининг ишлатилиш кўлами, уларни амалда ҳам ўқув, ҳам илмий изланишлар жараёнида қўллаш масаласини шакллантириш; 5) нутқ меъёрларига оид маълумотларни ишончли тарзда, изчил тўплаш, саралаш; 6) талабаларнинг нутқнинг адабий тил меъёрлари (умумий, хусусий меъёрлар) билан муносабати ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш; 7) нутқ тузиш ва баён қилишнинг меъёрларини тўғри белгилаш ва унга амал қилишни шакллантириш; 8) талабаларда ҳар қандай нутқни таҳлил эта олиш, шу асосда уни баҳолаш, тузата олиш қобилиятини ривожлантириш; 9) нутқнинг нутқий бўлмаган ҳодисалар билан муносабатини (онг, борлиқ, тил, вазият кабилар) ҳисобга олган ҳолда нутқ тузиш ва баён қилиш кўникмасини шакллантириш; 10) талабаларни эркин фикрлашга ўргатиш;

Белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, **нотиклик санъати фани** қатор масалалар бўйича баҳс юритади. Улар нутқ ва мулоқот маданияти билан бевосита ёки билвосита боғланган назарий ҳамда амалий муаммолардир. Хусусан, нутқ ва унинг шакллари доирасида:

- нутқ мулоқотнинг бир кўриниши эканлиги;
- *нутқ маданияти* тушунчаси;
- нутқнинг оғзаки ва ёзма, расмий ва норасмий турларининг ўзига хос жиҳатлари;
- нутқ маданияти ва услубият билан ўзаро алоқадорлиги ва муносабати, ўзбек адабий тилининг вазифавий услублари;
- нутқ ва мантқ муносабати;
- *нутқ*, *нотиклик* ва *воизлик* тушунчалари ҳақида сўз юритилади.

Мулоқот маданиятини юксалтиришда нотиклик ва нутқ маданияти тарихидан лавҳалар бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан бу масала доирасида:

- антик даврда нотиклик ва нутқ маданияти;

Шарқда нотиклик ва нутқ маданияти масалалари;
замонавий нотиклик сирлари, мулоқот маданиятига дахлдор ижобий қарашлар, амалий йўналишлар билан таништирилади. Бу масалалар талабалар учун намуна вазифасини ўтаб, улардан ибрат олишга ундайди.

Маданий нутқ ўзига хос меъёр ва қоидаларга эга. Шунинг учун ушбу масала доирасида:

- маданий нутқнинг талаффуз меъёрлари;
- маданий нутқнинг имловий меъёрлари;
- маданий нутқнинг пунктуацион меъёрлари;
- маданий нутқнинг лексик ва грамматик меъёрлари;
- маданий нутқнинг услубий меъёрлари;
- маданий нутқнинг прагматик меъёрлари билан таништириш талабаларнинг мулоқот компетенциялари ривожланишида катта роль ўйнайди.

Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари ҳақидаги билим ва малакаларни ривожлантириш маданий нутқнинг асосларидан.

Маълумки, маданий нутқда тилнинг ўзига хос унсурлари иштирок этиб, нутқнинг кўрки ва сифатини таъминлайди. Шу боисдан нутқда тилнинг тасвирий воситалари, кўчимлар (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, ирония, сарказм) услубий фигуралар (такрор, инверсия, эллипсис, градация, антитеза, риторик сўрок) ҳақида енгил назарий билимлар берилиб, уларнинг қўлланишини автоматлаштириш даражаси мукамаллашишига кўмаклашилади.

Маданий нутқ кўникмасига эришиш ва таълимда уни таъминлашга кўмаклашиш бошқа фанлар билан алоқадор иш кўришни такозо этади. Зеро, нотиклик санъати ихоталанган ҳодиса эмаслиги тайин. Нотиклик санъати ўз тараққиётида бир қатор фанлар, фан тармоқларининг материаллари ва ютуқларига суянади. Ўзбек халқи тарихан илмнинг барча соҳаларида ўзига хос дорилфунун яратган. Нотиклик санъати таълимида фалсафа, педагогика, методика, психология, ахборот технологиялари, тилшунослик, адабиётшунослик, мантиқ, этика, эстетика, санъатшунослик фанлари ютуқларига таянилса, нутқ маданиятини эгаллашда улардан фалсафа, педагогика, методика, психология, ахборот технологиялари биринчи даражали фанлар доирасида турмайди.

Соҳанинг бошқа фанлар билан алоқаси икки йўналишда қарор топади:

- нотиклик санъати таълими йўналиши;
- нотиклик санъатини эгаллаш йўналиши.

Нотиклик санъати биринчи навбатда тилшуносликнинг фонетика, морфология, лексикология, синтаксис, услубшунослик соҳалари, адабиётшунослик фани билан, иккинчидан, эса мантиқшунослик, психология, фалсафа, эстетика ва этика каби ижтимоий фанлар билан узвий алоқада ривожланади.

Нутқ жараёни, яъни гапириш, эшитиш ва тинглаш, тилни билиш ҳолатлари, нутқни қабул қилиш, тушуниш шароитлари, нутқдаги айрим ўзига хос кўринишлар, ички нутқ кишининг шахсий тараққиётида, айниқса, унинг ёшлигида нутқнинг шакллана бориши каби масалалар психология фани томонидан ўрганилади. Демак, тилшунослик тил қонуниятлари, тилнинг қурилиши хусусиятларини ўрганса, психология нутқнинг инсон руҳияти билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ қилади. Нутқнинг психик фаолият билан алоқадор томонларини ўрганишда тилшунослик психология фани тажрибаларига суянади.

Нотиклик санъати мантиқ – тафаккур қонунлари ва фикрлаш шаклларига оид таълимотга ҳам боғлиқ. Масалан, ҳар доим тўғри, ўринли ва таъсирчан сўзлаш бевосита мантиқий тафаккур билан белгиланади. Мантиқий тафаккурнинг даражаси нутқнинг мантиқийлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, *нутқ* ва *мантиқ* сўзларининг ўзақдошлиги ҳам буни асослайди.

Нутқнинг маданийлиги шахснинг дунёқараши, маънавий – эстетик савиясига жуда ҳам боғлиқ. Бу эса нутқ маданияти соҳасининг юқорида зикр этилган ҳар икки йўналишида ҳам этика ва эстетика фанлари билан алоқадорлигини кўрсатади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Нотиклик санъати фанининг мақсади ҳақида гапиринг.
2. Нотиклик санъати фанини ўқитиш вазифалари нималардан иборат?

Топпирик. Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг “Она тилим” шеърини ифодали ўқинг. Шеър ҳақидаги фикрларингизни мавзу билан боғлаб ёзма ва оғзаки ифодаланг.

ОНА ТИЛИМ

Она тилим – онажоним тили бу,
Бешикданоқ сингган жону кулоққа.
Элу юртим, хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.
Боболардан бизга мерос эзгу тил,
Авлодларга хазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бағишламиш не даҳо...
Ёбонларнинг чексизлиги,
Ҳам самуми, ҳам ҳовури,
Онажонлар алласидан,
Кўз ёшидан, оқ сутидан,
Тўқайларнинг тенгсизлиги,
Жилгаларнинг шўх зовури,
Йигитларнинг яласидан,
Сулувларнинг сукутидан –
Йўзрилган тил –
Она тилим.

Дарёларнинг тошиқин пайти,
Арслон янглиз ариллаши
Довонларнинг кўк қиёси,
Қорли тоғлар жилосидан,
Чўпонларнинг қамиш байти,
Чилдирманинг дариллаши,
Гўрўглининг аял сиймоси,
Алпомишнинг даъвосидан –
Тузилган тил –
Она тилим.

Тулпорларнинг асовлиги,
Тош чақиши, оловлиги,
Боболарнинг олтин сўзи,
Бўёқчининг ўланидан,
Тўқувчининг алговлиги,
Чилангарнинг далговлиги,
Бу тупроқнинг қўш ҳўкизи,

Кўшчиси ҳам қўланидан —
 Яралган тил —
 Она тилим.
 Шу тупроқнинг эсон аямас
 Тарлонлари, бургутлари,
 Келинларнинг дилдошлиги,
 Ёр-ёрларнинг жсарангидан,
 Босқинларнинг бедодлиги,
 Бувиларнинг ўғитлари,
 Дўмбиранинг мунгдошлиги,
 Дуторнинг ҳам тарангидан,
 Таралган тил —
 Она тилим.
 Талонларда таланмиш, ёнгинларда қоврилмиш,
 Эртаклигу, чўпчаклик, одими тил бу,
 Бўронларда сомондек талай-талай соврилмиш,
 Бу дунёнинг ўзидай қадимий тил бу.
 Шу тилда кўшиқ айтмиш Тўмарис хотун.
 Бу тилга таъзимкормиш мавлоно Жомий,
 Шу тилда ўз жсарангин топмиш Афлотун,
 Бу тилдан хабардормиш буюк Низомий.
 Бу тилга олис эмас Манасдек шоввоз,
 Тошларга нақш бўлиб, ўйилмиш тил бу.
 Бу тилда куйлаб ўлди ҳиротлик устоз,
 Қора кўргошиндан куюлмиш тил бу.
 Бу тил безонамас Муса Жалилга,
 Истиқлол ёллуғида ярқироқ тил бу.
 Наҳот ҳожат бўлса ортиқ далилга?
 Тогдан оққан сойдек шарқироқ тил бу.
 Офелия тақдирига куйдик,
 Шу тил туфайли,
 Шу тилда жсарангдорроқ таранг Пушкин тори ҳам.
 Шотани ҳам нечоқлик суйдик,
 Шу тил туфайли.
 Ҳайём кўшиқлари ҳам, Робиндранат зори ҳам.
 Ватан фалсафаси ҳам, шу тилда магзин чақдик,
 Юракка жсойлай олдик,

*Шу она тилимизда.
Замон оқинларида шу тилда равон оқдик.
Чўққиларга йўл олдик,
Шу она тилимизда.
Боболардан бизга мерос, эзгу тил,
Авлодларга хазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, жонимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бергай ҳали кўп даҳо...*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1- қисм. – Тошкент: “Наврўз”, 1997.
2. Кайковус. Қобуснома. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2006.
3. Миртемир. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., Т.1981.
4. Маҳмудов Н. Ўқитувчининг нутқ маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
4. Карнеги Д. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
5. Расулов Р. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009.
6. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992.

Интернет сайтлари:

1. www.ziyo.net
2. www.thinsan.com
3. www.uforum.uz
4. www.literature.uz

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Режа:

1. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати.
2. Нутқ маданиятининг амалий аҳамияти.
3. Алломалар нотиқлик ҳақида.
4. Санъатшунослик ва нотиқлик санъати.

Таянч сўзлар: *нутқ маданияти, нотиқлик санъати, ҳадис илми, “Авесто”, “Девони луготит турк”, Алишер Навоий.*

Ҳамма замонларда ҳам тил ва жамият ўртасидаги муносабат, тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда амалда қўлланилиши, тилнинг ижтимоий вазифалари, унинг тараққиёти ва кенгайиши, нутқ маданияти ҳамда нотиқлик санъати жаҳон тилшунослигининг долзарб масалалари ҳисобланади. Кейинги йилларда миллий тилимизни чуқур ўрганиш, уни хорижий тиллар билан қиёсан таҳлил қилиш натижасида уларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини очиш, тадқиқ этиш имконияти вужудга келди, бу эса, ўз навбатида, ўзбек тилини, нутқ маданиятини мукамал ўрганишга оид масалаларни ижобий ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирда жаҳон тилшунослик фанининг ривожланиши инсон ва тилнинг ўзаро узвий алоқадорлигини тадқиқ қилиш йўлидан бормокда. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.²

Ёшларнинг ўз она тилига садоқати ва эҳтироми уларнинг нутқ маданиятида яққол намоён бўлади. Нутқ маданияти муаммоларини тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигида ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлангани маълум. Ўтган давр мобайнида бу соҳанинг назарий ва амалий масалаларига маълум аниқликлар киритилди. Эндиликда у

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>

республика олий ўқув юртларида алоҳида курс сифатида ўқитилмоқда.

Нотик ҳисобга олиши керак бўлган тингловчи(лар) ҳолатининг икки асосий томони мавжуд бўлиб, улар руҳий-психологик ва физиологик жиҳатлардан иборатдир. Дастлаб нутқий мулоқотнинг руҳий-психологик жиҳати билан боғлиқ жараёнларни кўриб чиқайлик. Психологларнинг фикрича, мулоқот нотик ва тингловчи(лар) ўртасидаги умумий руҳий ҳолатдир. Сўзловчи ва тингловчи(лар) ўртасида салбий муносабат – тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун, аввало, тингловчи(лар) билан руҳий-ҳиссий мулоқот ўрнатишга ҳаракат қилиш керак. Бунда нотик тингловчи(лар)га етказмоқчи бўлган фикр (ахборот), яъни нутқ мазмуни бирламчи аҳамият касб этади. Нотик муваффақиятининг бош мезони тингловчилар олдида сўзлаш эмас, балки улар билан гаплашиш, уларнинг тилида сўзлашишдир, чунки одамлар билан фақат уларни қизиқтирган, уларнинг дардига айланган масалалар доирасида гаплашиш мумкин.

Қадим Шарқда азалдан тил ва нутққа муносабат, уларни одоб ва ахлоқ талаблари жиҳатдан баҳолаш тамойили мавжуд. Милоддан аввал 1-минг йилликнинг 1-ярмида Хоразм ўлкасида яратилган қомусий асар “Авесто”да ўтмиш аждодларимизнинг тарихи ва миллий қадриятларига оид жуда кўп қимматли маълумотлар ўз аксини топган. Унинг ахлоқий-фалсафий моҳияти “эзгу фикр”, “эзгу сўз”, “эзгу амал” каби муқаддас учликда ифодаланган: “Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишларни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар(айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман”³.

Дарҳақиқат, буюк “Авесто” асарида нутқ одоби ва нутқ маданиятига оид муҳим фикрлар айtilган. Бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган мазкур қарашлар қадимда ўтган аждодларимизнинг тил ва нутққа қанчалик масъулият билан ёндашгани, тилни, унинг қадри, қиммати ва нафосатини қай даражада улуғлаганлигини билдиради. Зардуштийлар яхши ният билан айtilган сўзни, имон билан ирод қилинган нутқни, ўйлаб, ақл билан изҳор қилинган гапни, гап билан амал бирлигини,

³ Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. Т. “Шарқ” матбаа-нашриёт концерни. 1998. 56-б.

инсонга бахт келтирувчи тўғри ва рост фикрни кадрлаганлар, уларнинг таълимотига кўра, нутқ самимий ва ошкора бўлмоғи керак. Энг асосийси, “Авесто”да нутқ одоби ва нутқ маданияти каби тушунчаларга инсонни тарбияловчи муҳим восита сифатида қаралган.

Ислом фалсафасида нутқ маданияти ва ваъз айтиш санъати жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маърифий нуфузга эга теран илдизлари билан ажралиб туради. Хусусан, воизлик нотиклик санъатининг энг оммавий турларидан биридир. Туркийшунослик илми ривожига катта ҳисса қўшган буюк тилшунос ва мутафаккир Маҳмуд Қошғарий машҳур “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарида “Билагон одамларнинг сўз, насиҳатларидан фойдалан. Чунки яхши сўз таъсир қилгач, дилга жойлашади”⁴, дейди. Бу ҳикмат XI асрда қайд этилган бўлса-да, унинг энг қадим замонлардан бери мавжуд эканлиги аниқ.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Мир Алишер Навоий ҳазратлари қўллаган сўзлар ҳар ўринда бетакрор маъно касб этади. Буюк мутафаккир ижодиётида Сўз мавзуси юксак эътибор ва эҳтиром, шарқона назокат ва эъзоз билан қаламга олинган. Мир Алишер Навоийнинг сўз санъаткори сифатидаги юксак истеъдоди ва салоҳияти унинг мангуликка дахлдор ўлмас асарларидаги туркий тилга ва нутқ маданиятига оид қарашларида яққол намоён бўлди ҳамда кейинги давр ижодкорлари учун бетакрор мактаб вазифасини ўтади. Бу асарлар, энг аввало, сўзга, туркий тил ва нутқ маданиятига ҳурмат ва меҳр-муҳаббатнинг, чин инсоний эътиқоднинг ҳаққоний акс этиши билан ибратлидир. “Фарҳод ва Ширин” достонида улут шоиримиз шундай дейдилар:

Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,

Тили поку, сўзи поку, ўзи пок.


Деди: Ҳар ишқи қилмиш одамизод,

Тафаккур бирла билмиш одамизод.⁵

Тарихнинг турли давларида бундай муносабатлар жамият эҳтиёжига кўра умумий ва жузъий мезонларга бўлинади. Зеро, ҳар

⁴ М.Қошғарий. “Девону луғатит турк”даги туркийшунослик асарлари. Ўзбек педагогикаси антологияси. “Ўқитувчи”, Т. 1995. 31-6

⁵ А.Навоий. Фарҳод ва Ширин. “Фан”, Т. 1994. 11



доим инсоннинг тили, яъни нутқи, унинг одоби, ички маданиятини намоён қилувчи восита деб қаралган. Аждодларимиз ҳар бир шахснинг тилига, унинг тилга муносабатига, нутқининг қай тарзда намоён бўлишига алоҳида эътибор беришган. Шундай қарашлар туфайли замонлар ўтиши билан нутқ одобини, мулоқот маданиятини белгиловчи маълум мезонлар вужудга келган.

Бугунги кунда нутқ маданияти, нотиклик санъати деб юритилаётган тушунчанинг пайдо бўлиши мутафаккир боболаримиз томонидан инсоннинг хулқи ва одобига боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Тарихий ва дидактик асарлар, диний манбалар, фольклор ва бадиий адабиёт намуналари орқали бизгача етиб келган.

Азал-азалдан нутқ одобини тарбиялашга муҳим вазифа сифатида қаралган. Айниқса, халқимизнинг тилни эъзозлаш, нутқ маданияти ва нотиклик санъатига оид қарашлари, унинг этник - эстетик, маънавий ва маданий тамойиллари жуда қадим даврлардаёқ юксак дид ҳамда фаросат руҳи билан суғорилган. Демак, барча маданий - маърифий соҳа вакиллари каби санъатшуноснинг нутқи жонли, гўзал, таъсирчан, сермазмун ва жозибадор, нотикликнинг барча унсурларини тўғри воқелантириш кўникмаси ва малакаларига эга бўлиши шарт. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш кўшилмаларини ёқимли ҳамда тўғри талаффуз қилиш, аниқ дикция каби бир қатор ҳодисалар назарда тутилади.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Жаҳон тилшунослигида нутқ маданияти ва нотиклик санъатининг ўрганилишини мисоллар билан тушунтиринг.
2. Инсон маънавиятининг шаклланишида нутқ маданиятининг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб беринг.
3. Нуткий мулоқот асосларини шарҳланг.
4. “Авесто” асарида тил одоби ва нутқ маданияти ҳақида нима дейилган?

Топшириқ. “Авесто” асарида олинган афоризмларни ўқинг ҳамда улар ҳақида ўз фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

...Эзгу андиша, эзгу калом, эзгу амал билан бош уриб келган хонадонда яхшиликлар билан кутиб олингиз. Мен мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу амал ила эзгу калом, эзгу амални.

Эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амалким, бу ерда ва ҳар ерда улугланади ва улуглангуси, мадҳ этаман. Ўзим ҳам жону дилим билан яхшиликка интиламан.

Мен эзгу сўз сўзлаганга ишонаман. Мен эзгу амалнинг амалига инонаман. Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал ҳақидаги сўзларни олқишламоқ истайман.

Эзгу каломга боғланганман. Ёвуз каломдан чекинганман. Мен бу уч нарсадан – қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалдан пушаймонман ва ундан воз кечаман.

Барча рост айтилган сўзларни мадҳ этаман. Дуруж – ёлгонга қулоқ солганлар ва унинг таълимини олганларнинг оқибати гоят хунук. Бу ёлгон ва мунофиқона амалларингиз билан етти иқлимга ном таратдингиз ва охир – оқибат шарманда бўлдингиз. Зеро, тўғри сўз охиратда энг саодатли сўздир.

Энди мен сизга нопаїваста сўзлар билан эмас, балки пайїваста сўзлар билан мурोजаат қиламан. Икки оламда энг гўзал бўлган фикр, калом ва амални танлаймиз. Забардаст Андарватни мукамал нутқ билан олқишлаймиз.

Яхши фикр илоҳий қонун руҳидаги, яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилишда руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши даргазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди, чунки бундай ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзларга, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгирман.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>

2. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т., “Ўқитувчи”, 1995.

3. Авесто. Аскар Маҳкам таржимаси. Т. “Шарқ” матбаа-нашриёт концерни, 1998.

4. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Т. “Фан”, 1992.

НОТИҚЛИК САЊАТИНИНГ ФАЛСАФА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ЭСТЕТИКА ФАНЛАРИ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ

Режа:

1. Нотиқлик санъати ва бошқа фанлар.
2. Нотиқлик санъати ва тилшунослик.
3. Нотиқлик санъатининг фалсафа билан алоқаси.
4. Нотиқлик санъатининг психология билан алоқаси.
5. Нотиқлик санъатининг этика-эстетика билан алоқаси.

Таянч сўзлар: нотиқлик санъати, фалсафа, психология, этика, эстетика, тилшунослик, адабиётшунослик, матн, нутқ.

Ҳеч бир фан якка ҳолда ривожлана олмагани каби “Нотиқлик санъати” фани ҳам қатор фанлар билан узвий боғлиқликдагина ўз кўзлаган мақсадига эришади. Айниқса, “Ахборот асри” дея ном олган бугунги кунда нотиқлик санъатини пухта эгаллаш учун унга яқин бўлган бир қатор фанларни мукаммал билишга тўғри келади.

Бу мавзуда гап кетар экан, нотиқлик санъати энг биринчи навбатда тилшунослик билан бевосита боғлиқ фан эканлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки ҳар қандай нутқда тилнинг ҳамма қисм (ярус)лари фаол ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, нутқни тил воситаларисиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, ҳар қандай нутқда товуш ҳам, сўз ва гаплар, матн ҳам иштирок этади. Тил – моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг самараси; узлуксиз саъй-ҳаракат, имо-ишора, баҳслашув ва мулоқот оқибатида вужудга келган маънавий бойликнинг биллур қотишмасидир. Тил – ҳар қандай миллатнинг қалби.

Нотиқнинг сўз бойлиги мукаммал бўлса, унинг нутқи алоҳида жозиба касб этади. Бунинг учун ўз мутахассислиги соҳасидаги барча асосий тушунча, атама ва категорияларни пухта билиши, уларни ўз ўрнида, яъни сўзларни аралаштирмасдан, алмаштирмасдан қўллай олиши керак. Шу билан бирга, Муҳтарам Президентимизнинг асарлари ва нутқларини, бадийий ва сиёсий адабиётни, соҳага оид илмий адабиётни диққат билан, синчиклаб, муттасил ўқиб бормоғи зарур.

Нотикнинг луғат бойлиги унинг эл орасида эътибори, нуфузи ошишини таъминлайди. Чиройли тузилган нутқ тингловчиларнинг онгига кучли таъсир қилади. Нотикнинг асосий қуроли – сўз. У чарқланган, бинобарин, ўткир, кўп қиррали бўлиши, вақт ўтиши билан ўтмаслашиб қолмаслиги керак. Бунинг учун нотик бадиий адабиётни, изоҳли луғатларни, қомусларни мунтазам ўқиши, кўп шеър ёдлаши, нотаниш сўзларни ён дафтарига изоҳлаб ёзиб олиши, вақти-вақти билан такрорлаб туриши тавсия этилади.

Албатта, нотик сўз, атама (термин), ҳикматли сўз, мисол, идеоматик (аниқ таржима қилиб бўлмайдиган) ибораларни нафақат билиши, балки уларни моҳирлик билан ўз ўрнида ишлата олиши, жонли, кизиқарли, равон, тушунарли, зериктирмайдиган қилиб сўзлай олиши ҳам зарур. Шундагина унинг ваъзи, маърузаси тингловчини бефарқ қолдирмайди, талабаларни ўзига ром қилиб олади, сўзнинг таъсирида улар вақт ўтганини ҳам, чарчаганларини ҳам унутадилар.

Нотик нимани гапиришигина эмас, балки қандай гапиришни ҳам билиши керак. Моҳир нотик нутқ маданиятини тарғиб этувчи, бунга қизиқувчиларга мураббийлик, устозлик қилувчи киши ҳамдир. Нутқ маданияти назариётчиларидан бири айтганидек, ўз она тилини ўрганиш, унда моҳирона фойдаланиш - улуг иш; агар киши тилни аниқ-равшан билиб олмаса, инсоният тафаккурининг энг буюк ютуқлари, энг чуқур билимлар ва ғоят оташин ҳис-туйғулар унга номаълум бўлиб қолаверади; бинобарин, сўз фикрни ифодалаш қуролидир.

Нотиклик санъати ўз хусусиятларига кўра тилшуносликнинг алоҳида соҳаси – услубшунослик (стилистика) билан ҳам чамбарчас боғлиқ фандир. Чунки услубшунослик тил услубларини ўрганса, нотиклик санъати тил меъёрларига алоқадор ҳамма соҳалар билан боғланади. Нотик ўз чиқишларида халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикматли сўзлар, рубойи, тўртлик, қизиқ-қизиқ иборалардан ўринли фойдаланиши талаб этилади. Мавзуга оид шеър, бадиий тасвир, қиёслаш, енгил юмор кабилар маърузани қизиқарли ва таъсирчан қилади.

Нотиклик санъати ҳамма вақт фалсафа ва психологияга суянади. Фалсафа, жумладан, мантиқ (логика)га мурожаат қилмасдан туриб сўзнинг таъсир кучи ва мантикийлигини аниқлаш

ҳам, баҳолаш ҳам мумкин эмас. Мантиқ – сўзлар ва гапдан келиб чиқадиган маъно, мазмунни белгилайди. Сўзларнинг маъноси ва ифодаланаётган тушунча ўртасидаги муносабатни мантиқ текширади. Мантиқ сўзлар, бирикмалар ва гаплар орасидаги маъно алоқаларини тайинлайди. Синтактик тузилмалар орасида мазмуний алоқаларнинг жиддийлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганда ҳамма вақт мантиққа мурожаат қилиш зарурати туғилади. Бундай пайтларда асосий тушунчаларни ҳам, мантиқий категорияларни ҳам, унинг силлогизми (икки хил фикрни таққослаш), фаразлар ва теоремаларни ҳам ишга солишга тўғри келади. Мантиқийликка мурожаат қилиш, хусусан, гапни тавсифлаш, унинг мантиқан манфий ва мусбат томонларини аниқ белгилаш пайтида янада зарур бўлади.

Қайси бир нотик мантиқ фанидан беҳабар бўлса, яъни чала-ярим фикр юритса, юзаки ва қисқа ўйласа, нутқида изчиллик бўлмайди. Фикр ва сўз, тафаккур ва тил мантиқан мувофиқ бўлиши шарт: баён этилмоқчи бўлган фикр, ғоя, нотикнинг кўрсатмаси ва тавсияси уларни ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар билан ўзаро уйғун, ҳамоҳанг, мутаносиб бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда дили бошқа-ю, тили бошқа қабалидаги номувофиқлик, тесқари мутаносиблик, сохталик рўй беради.

Нутқ қурилиши ўринли ёки ўринсиз бўлиб кўринган ҳаётий ҳолатларда психологияга мурожаат қилишга тўғри келади. Психология ўринсиз айтилган гаплар инсоннинг руҳий ҳолатига қандай таъсир этишини аниқ айтиб бериши керак. Тилнинг ўринсиз қўлланган у ёки бу воситаси кишилар руҳий ҳолатининг қай даражада вайрон этиши психология орқали аниқланади. У инсон онгига, руҳий ҳолатига таъсирига кўра тилнинг тасвирий воситалари нимадан иборат эканлигини исботлаш имкониятига эгадир. Психология киши нутқий малакаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш шароитларини ҳамда воситаларини, уларнинг мукамаллашувини ўрганиш орқали нотиклик санъатига катта ёрдам бериши мумкин.

Булардан ташқари, нотиклик санъати нафосат ҳақидаги фан – этика ва эстетика, бадиий адабиёт ҳақидаги фан – адабиётшунослик ва адабий танқид, прагмалингвистика, психоллингвистика, нейролингвистика каби замонавий фанлар билан ҳам яқиндан

алоқадордир. Минбарга чиқаётган нотиқ ўзининг билимидан, нутқий маҳоратидан ташқари аудиториянинг ҳолати, тингловчилар контингенти ва бошқа қатор объектив омилларни ҳам ҳисобга олиши керак. Нотиқ аудитория билан мустаҳкам алоқада бўлганда, унинг нутқи халқнинг ўйлари ва ишларини ифода этгандагина муваффақиятга эриша олади. Нотикнинг нутқи субъектив фазилатлари билангина эмас, балки нутқ сўзланаётган объектив шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади. Маданий савия, масалани чуқур билган ҳолда нутқ сўзлаш малакалари нотикнинг муваффақиятларини белгилайди.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати тарихига мурожаат қилсак, бу маҳоратларда нотикнинг билим доираси – фалсафа, психология, эстетика каби ижтимоий фанларни пухта билиши ҳал этувчи омиллардан бири бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Ўз нутқи объектини яхши билган, унинг моҳиятини пухта англаган, мавзуини чуқур фахмлаган воизнинг нутқи муайян салмоққа ва муқаррар самарага эга бўлади.

Бунинг учун нотиқ тингловчиларни, нутқ сўзланадиган муҳитни олдиндан ўрганиши ва уларга мувофиқ нутқ мазмунини белгилаши зарур. Масалан, бир номзод халқ депутатларининг маҳаллий кенгашига сайланмоқчи ва бунинг учун, иложи борича кўпроқ одам унга овоз беришига интиляпти. Шу мақсадга эришиш сайловчилар билан учрашувда у сўзлайдиган нутқнинг мазмуни билан боғлиқ. "Мен – жамоа учун фойдалиман. Менга овоз бериб, одамлар яхшироқ яшаш имкониятига эга бўладилар," – деган фикрни шакллантиради ва бу фикрни турли гуруҳдаги сайловчиларга исботлашга ҳаракат қилади. Сайловолди дастури аслини олганда ана шу фикрни исботлашга қаратилган далиллар жамланмасидир. Айтайлик, депутатликка номзод ўқув юртига бориб, ўз дастурининг тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларга бағишланган қисмини баён этди. Аммо талаба ва ўқитувчилардан иборат тингловчилар учун тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва шу қабилар қизиқ эмас: уларнинг хоҳиш-истаги, интилишлари, муаммоларига бу масалаларнинг бевосита алоқаси йўқ. Бундай ҳолатда нотиқ ҳеч қандай самарага эришмайди.

Тадбиркорлар олдида таълим муаммолари ҳақида гапирса ҳам нотик худди шундай муваффақиятсизликка учрайди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораси оддий (гарчи бу чорани амалга ошириш мураккаб ва нотикдан катта билим ва тажрибани талаб этади), энг муҳими – тингловчиларнинг қизиқишлари, дардларини билган ҳолда уларнинг "дил тиллари"да сўзлашиш. Инглиз файласуфи Б.Спиноза таъбири билан айтганда, нотик "қулиши, йиғлаши ва нафратланиши эмас, тушунмоғи даркор". Ана шунда нотик аудитория билан руҳий-ҳиссий мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўлади. Бундай мулоқот ўрнатишнинг шакллари кўп. Масалан, нутқ олдидан аввал рўй берган ва тингловчилар кайфиятига таъсир қилган ҳодисага бир оғиз муносабат билдириш ёки қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб, уларнинг кайфиятини кўтариш мумкин ва ҳк. Албатта, аудиториянинг тинглашга мойиллигини уйғотиш учун қандай шаклни танлаш конкрет вазиятга боғлиқ. Ҳар ҳолда аудитория учун тушунарли ва унда муайян туйғуларни уйғота оладиган фикрни асослаш осонроқ.

Тингловчилар билан мулоқот ўрнатишда муайян роль ўйнайдиган руҳий субъектив фактлардан яна бири – тараддуд, ёки тингловчи(лар)нинг нимани ва кимдан эшитишга ички тайёргарлигидир. Тингловчи(лар) нотик шахсига – унинг лавозими, илмий даражаси, шахсий сифатлари, жамиятда тутган мавқеи ва шу кабиларга қараб унинг нутқи, илгари сурган фикрларини қабул қилишга ёки инкор этишга олдиндан мойил бўладилар.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1.Нотиклик санъатининг бошқа фанлар билан алоқаси нима учун керак?
- 2.Нотиклик санъати ва тилшунослик бир-бири билан қандай боғлиқ?
- 3.Нотиклик санъати ва фалсафа алоқадорлигини қасрдан билса бўлади?
- 4.Нотиклик санъати ва психологиянинг уйғунлиги нималарда кўринади?
- 5.Нотиклик санъатининг этика-эстетика билан алоқадорлиги ҳақида нималарни биласиз?

Топширик. Кайковуснинг “Қобуснома” асаридан олинган парчани ўқинг ва у ҳақдаги фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг:

Эй фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билгил ва уларга риоя қилгил, ҳар на сўз десанг, юзи била дегил, то суҳангўй бўлгайсан. Агар сўз айтиб, сўзнинг нечук эканин билмасанг, қушга ўхшаркансанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас.

Суҳангўй шу киши бўлгайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлгай ва халқ ҳам ҳар сўз деса, унга маъқул бўлгай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса, ул инсон суратида мавжуд бўлгон бир ҳайвондур.

Сўзни базоят улуг билгил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур. Қай бир сўзники билсанг жойин ўткармай айтгил, вақтни зое қилмагил, йўқ эрса донишга ситам қилгон бўлгайсан. Ҳар сўз десанг рост дегил ва бемаънилиқни даъво қилгувчи бўлмагил.

Билмагон илмдин дам урмагил ва ундан нон талаб қилмагил. Ҳар на матлубинг бўлса билгон илм ва ҳунардин ҳосил бўлур. Билмагон ҳунар даъвосидин ҳеч нарса ҳосил бўлмас, фақат беҳуда заҳмат чекарсан.

Ҳар сўзни андиша била бошлагил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмагайсан. Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдур. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг бўлмагил. Ул сўз ишинга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшитгил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт (яъни, йўқотиш) бўлмасин. Совуқ сўзлик бўлмагил. Совуқ сўз бир тухумдур, ундин душманлик ҳосил бўлур.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. А. Навоий. Ҳамса. - Т. Ғ. Ғулом нашриёти, 1988
2. А. Пресян Г. З. Ораторское искусство. - М.: МГУ, 1972.
3. Форобий. Мантӣқ тўғрисидаги рисолага муқаддима. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т. “Ўқитувчи”. 1995.
4. Содикова Т. Куёшларим, ойларим. Т. “Давр-пресс”. 2011.

ҚАДИМГИ ЮНОН НОТИҚЛИК САНЪАТИ. АРАСТУ ВА АФЛОТУННИНГ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

1. Нотиклик санъатига дунё микёсида бўлган эътибор.
2. Қадимги юнон нотиклик санъати.
3. Арасту ва Афлотуннинг нотиклик санъати тараққиётидаги хизматлари.

Таянч сўз ва иборалар: *нотиклик санъати, нутқ, инсон, нотиқ, санъат, мулоқот, фан, мақсад, вазифа, ҳаёт, қадимги, юнон, тараққиёт.*

МУАММО: Нотиклик санъатига умумбашарий ва миллий нуқтаи назардан муносабатда бўлишнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш

Нотиклик санъатининг фикр таъсирчанлигини оширишдаги ўрни хусусида сўз юритишдан олдин нотиклик санъати тарихи ҳақида икки оғиз тўхталиб

ўтишга тўғри келади. Чунки нотиклик санъати тарихи билан танишиш ва ўрганиш ҳар бир нотикка ўтмишдаги энг яхши нотикларнинг иш тажрибасидан хабардор бўлиш баробарида ўзининг нотиклик маҳоратини такомиллаштиришга катта ёрдам беради.

Ҳар бир нарсанинг ўз ўтмиши бўлгани каби, нотиклик санъатининг ҳам ўзига хос бой тарихи мавжуд. Бу санъат дастлаб Миср, Ассирия, Вавилон ва бошқа қадимий давлатларда пайдо бўлган бўлса-да, асосан, Греция (Юнонистон)да ривожланиб, раванк топди.

Грецияда нотиклик санъатининг ўсишига сабаб бўлган асосий омил Афина ва бошқа давлатларни ҳам қамраб олган синфий курашнинг кучайишидир. Сиёсий арбоблар ўз синфий манфаатларини бошқа ижтимоий гуруҳлар олдида ҳимоя қилишга ва уларга таъсир этишга мажбур бўлганлар. Афиналик олимларнинг фаолияти нотиклик маҳорати билан боғлиқ бўлган.

Греция – лўнда, жозибадор нутқнинг ватани. Греklar Менелей нутқи каби қисқа – лаконизм усулидаги нутқни жуда яхши тинглар ва ёқтирар эдилар. Қадимги Юнонистонда нотиклик мактабининг ташкил этилишидаги тамал тошини **Сукрот (Сократ)** ва унинг шогирди **Афлотун** кўйишган.

Сукрот синаш учун олиб келинган кишини имтиҳон қилишда ҳар доим: “Эй дониш, бирор нарса сўзлаб бергин-чи” дер экан. Унинг нутқ суръати, сўзлаш жараёнидаги юз ифодалари, интонацияси, сўз бойлиги, саводхонлик ҳолатига қараб Сукрот инсоннинг касб-корини, яшаш муҳитини, билим даражаси ва эътиқодини аниқлаган.

Қадимги Грециянинг буюк нотиклари бўлган **Афлотун (Платон)**, **Арасту (Аристотель)**, **Демосфен**, **Перикл**, **Лисийлар** номи ҳозир ҳам машҳур нотиклар сифатида эсланади. Бир қанча жисмоний камчиликлари – овозининг паст ва талаффузининг аниқ эмаслиги, кифтининг асабий равишда титраб туришини енгиб, машҳур нотик бўлиб етишган **Демосфен** машқлари нотиклик тарихида катта из қолдирган.

Шарқ халқлари орасида **Арасту** номи билан машҳур бўлган **Аристотель** (мил.ав. 348-322) қад. Юнонистонда ўзига хос фалсафий таълимот яратган буюк мутафаккирдир. У Фракиянинг **Статир(а)** шаҳрида туғилган. Аристотель кўп кашфиётлар қилди, янги фанларга асос солди. У яратган фанларнинг бири метеорология – об-ҳаво ҳақидаги фандир. Шунингдек, **Арасту** ахлоқ (этика)ни мустақил фан сифатида илмий-фалсафий фанлар тизимига киритган.

Аристотелни Шарқда “**Биринчи муаллим**” деб улуғлашар эди. **Форобий** Аристотель асарларини яхши билиши, у каби қомусий билимга эга бўлгани сабабли “**Иккинчи муаллим**”, “**Шарқ Арастуси**” деган буюк унвонга сазовор бўлган. **Абу Али ибн Сино** Аристотель ва **Форобийнинг** илғор ғояларини табиатшунослик илмининг янги ютуқлари асосида янада ривожлантирди ва “**Учинчи муаллим**” дея шуҳрат қозонди.

Платон ташкил қилган мактабни Академия деб атай бошланган. Чунки **Платон** ўз шогирдлари билан суҳбатни соя-салқин боғда – афсонавий қахрамон Академнинг ҳайкали ёнида ўтказар эди. Унинг шогирдларидан бири бўлган **Аристотель**

(Арасту)нинг қуйидаги гапи жуда машҳур: “Платон менинг дўстим, ҳақиқат ундан устун”. Платон Ўрта Шарқда Афлотун номи билан донг таратган.

Греция нотиклик санъатининг давоми сифатида юзага келган Рим (Италия) нотиклик санъати вакиллари бўлган ака-ука **Тиберий ва Кай Гракх, Марк Антоний, Марк Туллий Цицерон** каби нотиклар номи ҳам бугунгача етиб келган ва катта эҳтиром билан эсланади.

Цицерон ўз нуткига жуда катта тайёргарлик кўрган. Шундай бир ривоят бор, *Цицерон бир кун нутқ сўзлашга тайёрланиб улгура олмагани учун нима қилишини билмай турган экан. Худди шу пайтда бир қул хизматкори келиб, у нутқ сўзлаши лозим бўлган мажлис қолдирилганини хабар қилибди.*

Цицерон қувонганидан ўша қулни шу заҳотиёқ озод қилиб юборган экан!

Цицерон сабоқлари:

- Инсонни олий даражага кўтарувчи икки санъат бор, бири ҳарбий саркардалиқ санъати ва иккинчиси нотиклик санъати.
- Ҳар қандай нотикнинг асосий мақсади — тингловчининг завқини уйғотиб, ўзига мойил қилишдан иборат.
- Киши шоир бўлиб туғилади, аммо нотик бўлиб етишади.

Арасту замонидаги таълим тизимида “Риторика” ва “Нутк маданияти” ва бир-биридан ажратилмай “**Нотиклик санъати**” номи билан аталган. Бўлғуси давлат ва жамоат аробоблари ҳамда ҳар бир зиёли нотиклик санъати фанини чуқур ўрганиши шарт бўлган. Арастунинг “Нотиклик санъати” асари неча минг йиллар давомида жаҳоннинг кўпчилиқ тилларига таржима қилиниб, педагогика, психология, филология, фалсафа нуқтаи назаридан ўрганилиб, кўплаб фан соҳаларида биринчи даражали асл манбалардан бўлиб келган.

“Нотиклик санъати” асари энг аввал Арастуниг шогирди ва издоши Теофраст (Феофраст) томонидан тадқиқ қилинган. Теофрастниг асли исми Тиртам бўлиб, Теофраст унга Арасту томонидан берилган номдир. Уни 227 та асар муаллифи деб эътироф этишган.

Бинобарин, одамларни инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган нутқ маданияти масалалари жуда қадимдан қизиқтириб келган. Қадимги Греция ва Римда нотиклик санъатининг назарий асослари яратилди. Бу давлатларда Цицерон, Демосфен, Квинтилиан, Аристотель каби назарийгчилар етишиб чикди. Эрамиздан аввалги 335 йилда Аристотелниг “Риторика”си яратилди. Ўша давр суд нотиклигининг намояндаси Цицеронниг “Нотик ҳақида”, “Нотик”, “Брут” асарлари ҳозир ҳам ўзига хос қимматга эга. Уларниг бу назариялари кейинчалик Европада нутқ маданиятига бағишланган фаннинг майдонга келишига асос бўлди.

Бирок нутқ маданияти муаммолари билан илмий асосда жиддий шуғулланиш масаласи биринчи марта Прага лингвистик тўғараги вакиллари томонидан ўртага ташланди. Улар 1929 йилда Прагада бўлиб ўтган славистларниг I съезди учун тайёрланган махсус тезислари ва кейинги асарларида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтганлар.¹ Юксак тараққий этган Америка, Англия, Япония, Германия ва бошқа қатор хорижий давлатларда тадқиқотчилар ҳозирги пайтда асосий эътиборларини худди шу масалага қаратмоқдалар. Бунга Мадэлин Беркли-Ален, Р.Брикман, Р.Кершнер, В.Биркенбил, Ч.Ликсон, Д.Карнеги, А.Пиз, Ф. Ницше, Л. Н. Гумилёв кабиларниг ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.²

Ғарб мамлакатларида нутқий мулоқот, унинг социолингвистик, психолингвистик ва прагматик жиҳатларини ўрганишга бағишланган кўплаб махсус журналлар чиқа бошлади

Часть II-Москва, 1965, с. 127-128

¹Қаранг: Звегинцев В. А. История языкознания XIX - XX веков очерках и извлечениях. ²Қаранг: Мадэлин Беркли - Ален. Забытое искусство слушать. - Санкт-Петербург: Питер, 1997; Ликсон Ч. Конфликт: семь шагов к миру. - Санкт - Петербург: Питер, 1997; Карнеги Д. Как вырабатывать уверенность в себе и влиять на людей, выступая публично.- Ташкент: Шарк, 1992; Пиз А. Язык телодвижений. - Санкт - Петербург, Изд. дом Гутенберг, 1997.

(“Communication”, “Discourse and Society”, “Cultural Anthropology”, “Journal of Pragmatics”, “Language and Communication”, “Pragmatics” ва бошқалар). Сўнги йиллар АҚШ олимлари нутқий мулоқот соҳасида жуда катта тадқиқотларни олиб бораётганларини айтиб ўтиш керак. АҚШда мулоқот ва нотиклик санъати билан машғул кўплаб илмий жамиятлар ва ассоциациялар ташкил топган ва улар ўз илмий изланишларини мунтазам чоп этиб бормокдалар.³

Бу масалани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўрганишга рус тилшунослигида ХХ асрнинг 20 - 30 йилларида киришилди.

1977 йилда Москвада “Национально-культурная специфика речевого поведения” номли, сал кейинроқ “Национально-культурная специфика речевого общения народов СССР” номи билан муаллифлар ҳамкорлигидаги монографияларнинг чоп этилганлиги, шунингдек, А.А.Леонтьев, Н.В.Уфимцева, Ю.А.Сорокин, Л.В.Шчерба, В.В.Виноградов, А.Н.Гвоздев, А.И.Ефимов, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров, С.И.Ожегов, Е.Ф.Тарасов, А.М.Шахнарович, В.Д.Бондалетов, В.М.Алматов, Н.И.Формановская, В.В.Колесов, Ю.Д.Дешериев, Г.В.Колшанский, Г.А.Золотова, Е.С.Кубрякова, В.В.Веселицкий, М.И.Чижевская, Б.Н.Головин, Г.Титц, Л.М.Рязанова, В.П.Трофименко ва бошқаларнинг бу муаммога оид қатор монографик тадқиқотларининг юзага келганлиги нутқий фаолият муаммосини тобора долзарб масалага айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Юнон нотиклиги турлари



Рим нотиклиги

Қадимги Римда нотиклик санъатига алоҳида эътибор берилган. У ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда шаклланди ва ривож топди.

³Қараг: Rhetoric Society Quarterly. Vol, 24. № 1/2. 1994.

Илк турлари:

- сенат, халқ йиғинларида сўзланадиган нутк;
- судда сўзланадиган нутк;
- дафн мадҳиялари (зодагонларни дафн этиш маросимидаги нутклар).

Ака-ука Гракхлар – илк бор юнон нотиклик санъати усулларини Рим нотиклигида қўллаган нотиклар ҳисобланади. Юнон нотиклик санъати назариясининг қўлланиши афзалликлари:

1. Назария нотик маҳоратини ошириш имкониятларини кенгайтирди.
2. Нотиклик оммалашди.

Рим нотиклик санъатидаги икки йўналиш
(услуб) ва уларнинг хусусиятлари

осиёча услуб
- қашамдорлик
- эҳтирослилик
- ташқи эффектларга мойиллик ва
х.к.

аттика услуби
- соддалик
- қисқалик
- аниқлик ва. х.к.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Нотиклик санъатига дунё миқёсида бўлган эътибор ҳақида нималар дея оласиз?
2. Қадимги юнон нотиклик санъати қачон вужудга келган ва у кимларнинг номи билан боғлиқ?
3. Арасту ва Афлотун, Демосфен, Цицеронларнинг нотиклик санъати тараққиётидаги хизматлари ҳақида гапириб беринг.
4. Рус тилшунослигида нотиклик санъатини алоҳида фан сифатида ўрганиш нечанчи йиллардан бошланди?

Топшириқ. Улуғ мутафаккир Абу Носир Форобийнинг “Мантиқ тўғрисидаги рисолага муқаддима” асаридан олинган парчани ифодали ўқинг ва уни ёзма ҳамда оғзаки шарҳланг.

Қандай қилиб таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга субстанция (нарсалар) ва акциденция (ҳодисалари)га исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман.

Иккинчи илм грамматикадир. У жисмларга берилган исм (ном)ларни қандай тартибга солишни ҳамда субстанция ва акциденциянинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир. Маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз. Ҳамда нима тўғри, нима ёлгон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз.

Бизнинг мақсадимиз мантиқ санъатини текшириб кўрмоқликдир. Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотиқликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор-бир хулоса қилинадиган бўлса, хатоларнинг олдини олувчи нарсаларни ўз ичига олади. Унинг ақлга нисбатан муносабати грамматика санъатининг тилга нисбатан муносабати каbidир. Грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби, у шунинг учун ҳам вужудга келгандир, мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради. Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунчаларга бўлган муносабати каbidир. Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда тилнинг ўлчови бўлганидек, мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунчаларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда ақл ўлчовидир.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1972.
2. Аҳмедова Х.Т. Нотиқлик санъати манбалари ва ўқувчилар нутқини ривожлантириш омиллари. – Тошкент: BAYOZ, 2015.
3. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
4. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.

НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

Режа:

1. Шарқ сўзининг луғавий маъноси.
2. Нотиклик санъатининг Шарқда пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Марказий Осиёда нотиклик санъатининг тараққиёти.
3. Ўзбекистонда нотиклик санъатига бўлган эътибор.

Таянч сўз ва иборалар: *Шарқ, нотиклик санъати, нутқ, инсон, нотик, санъат, мулоқот, фан, мақсад, вазифа, ҳаёт, қадимги, юнон, тараққиёт, ривожланиш.*

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да Шарқ сўзига шундай изоҳ берилган: “Шарқ 1 [араб. кўтарилиш, чиқиш томон (мас., кўш)] 1 Дунёнинг тўрт томонидан бири; ғарбга қарама-қарши бўлган томон, кўш чикадиган томон; кунчиқиш...” (“ЎТИЛ”, 4- ж.,552- б.)

Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда дастлаб бадий - илмий ижодни, ваъзонликни шакллантириш, кейинчалик Куръони Каримни тарғиб қилиш мақсадида Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллох ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Абулқосим Замахшарий, Абу Яъқуб Саккокий, Алишер Навоий каби буюк алломалар тилга, луғатга, грамматика ва мантикшуносликка бағишланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор қимматли фикрлар билдирдилар.

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Геодезия” асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжларнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши, материалига кўра, ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаши мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган “мезон”ни яратади. Бу мантиқ фани эди. Мантиқнинг киёси (силлогизми) ростни ёлғондан ажратиш воситаси бўлиб қолди. Инсон нутқида шубҳали ўринлар сезилса, маълум “мезон” ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни

ўрганмасдан, уни маломат қилганларга ҳайрон қолади ва уларга ачиниб: “Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган наҳв (грамматика), аруз (шеър ўлчови) ва мантиқ (логика)ни мутолаа қилганда эди, сўз, зотан, назмга ажралишини билган бўларди”¹, - дейди.

Кўринадики, Беруний инсон нутқини бир фан доирасида эмас, балки бир неча фан (яъни грамматика, аруз ва мантиқ)лар қўшиливи нуктасида текшириш ғоясини илгари сурган.

Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулоса чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг аҳамияти муҳимлиги ҳақида шундай ёзади: “Қандай қилиб таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга субстанция (нарсалар) ва акциденция (ҳодисалари)га исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман.

Иккинчи илм грамматикадир. У жисмларга берилган исм (ном)ларни қандай тартибга солишни ҳамда субстанция ва акциденциянинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир. Маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз. Ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз”².

Беруний билан замондош бўлган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам ўзининг “Мафотиҳ ул-улум” (“Илмлар қалитлари”) асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари, девонхона иш қозғолари, уларнинг шакллари, ишлатиладиган истилоҳ (термин)лар ҳақида маълумот беради.

Қадимги Шарқ педагогикасининг дурдона асарларидан бири “Қобуснома”да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз фикрлар баён қилинган бўлиб, улар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

¹Беруний. Танланган асарлар. III том – Т., 1982, 64-б.

² Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т., 1975, 54-б

Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳам қадимдан сўзга чечан, бадиий диди юксак кишиларни қадрлаб келганлар. Ўша даврда нотиклик санъати **воизлик**, нотиклар **воиз**, нутқ эса **ваъз** деб аталган.

IX асргача воизлик вазифаларини шоҳ ва халифалар бажарган. Улар жамоа олдида давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари, бошқа мамлакатлардаги вазият, душман кирдикорлари, мудофаа масалалари ва ҳ.к.лар ҳақида ваъз айтганлар. IX асрдан кейин бу вазифалар махсус касб эгалари – воизлар зиммасига юклатилган.

Марказий Осиёда воизлик санъати хазинасига даставвал Баҳовуддин Валад (XIII аср), Жалолиддин Румий (XIII аср), Хусайн Кошифий, Муин воиз (XV аср) каби сўз усталари ғоят улкан ҳисса кўшганлар.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий услубий рисоалар ёзилган. Чунончи, тарихнавис Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мантик ут-тайр”, “Маҳбуб ул-улуб”, “Хамса”, “Чор девон” асарларида; Зайниддин Восифийнинг (XV аср) “Бадое ул-вакое”; Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, истеъдоди, ваъзхонлик услублари ҳақида мулоҳазалар юритилган.



Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси, буюк мутафаккир Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузишининг байроқдори сифатида ўзининг бутун ижоди билан ўзбек тили бойликларини, унинг латиф ва гўзал қирраларини кашф этди. Кейинги асрларда ижод қилган Хоразмий, Бобур, Мунис, Машраб, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли, Фитрат, Беҳбудий, Сўфизода, Ҳамза ва бошқа буюк мутафаккирлар ҳам ўзбек мулоқот хулқи ҳақида ўз фикрларини турли жанрлардаги асарларида баён этдилар.

Туркологияда ҳам инсонларнинг ўзаро мулоқотга киришиш жараёни тилшуносларнинг диққатини анчадан бери ўзига жалб этиб

келади. Жумладан, Ф.Ф.Султонов, Н.Джунусов, А.Б.Меджидова, Т.Айдаров, Т.Каракеева, Д.Сидикбекова каби олимлар бу масала устида махсус изланишлар олиб борганлар. Ўзбек тилшунослигида алоҳида тадқиқотлар объекти сифатида ўрганила бошлаганлигини 1969 йили Тошкентда ўтказилган “Нутқимиз ривожини масалалари” мавзуидаги I Республика конференциясида С.Иброҳимов, О.Усмонов, Э.Бегматов каби олимлар ўз маърузаларида алоҳида таъкидлайдилар. Жумладан: “...Масаланинг бундай кўйилишидан ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти муаммоси, умуман, ўртага кўйилмаган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Нутқ одоби деб юритиб келинган қоидаларнинг ўзиёқ, илмий муаммонинг кўхна тарихга эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, 20-30-йилларда т и л қ у р и л и ш и, т и л с и ё с а т и деган номлар билан юритилган барча миллат ва халқ тиллари ривожига бевосита татбиқ этилган улкан тадбир ва чораларнинг ўша вақтда т и л м а д а н и я т и, эндиликда н у т қ м а д а н и я т и деб юритилаётган муаммога канчалик алоқадорлигини белгилаш гоёт муҳимдир”, деб ёзади Э. Бегматов. Афсуски, ўзбек тили нутқ маданиятига оид ишларда уни назарий жиҳатдан ўрганиш жиддий ўртага кўйилган эмас. Ўзбек тилшуносларидан С.Иброҳимов, Э.Бегматов, Л.Хўжаева, И.Иброҳимов, Б.Ўринбоев, С.Иномхўжаев, Р.Кўнгуров, С.Каримов, Т.Курбонов, А.Рустамов, А.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Т.Кудратов, Ё.Тожиёв, Н.Ҳасанова, Ҳ.Тожиматов, О.Йўлдошева, Б.Х.Раҳматуллаева, С.Мўминов, Ш.Исқандароваларнинг ишларида нутқ маданиятига оид бир қатор назарий фикрлар айтилган.

Номлари келтирилган муаллифларнинг ишларидан маълум бўладики, ўзбек тилшунослигида ҳам нутқ маданияти ва унинг назарий масалалари бўйича анчагина изланишлар олиб борилган.

Мавзу юзасидан саволлар

1. “Мафотих ул-улум” (“Илмлар қалитлари”) асари муаллифини аниқланг.

2. Воизлик санъати ҳақида гапириб беринг.

3. Ўз тадқиқотларида “Нутқ маданияти”га оид бир қатор назарий фикрлар билдирган қайси ўзбек тилшунос олимларини биласиз?

Тошширик. *Буюк мутафаккир Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билги” асаридан олинган нарчани ифодали ўқинг ва у ҳақда фикрларингизни билдиринг.*

Уқувга билимга тилмоч – бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.

Кишини тил эъозлайди, киши у туфайли
бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради.

Тил ҳовлида (яъни қафасда) ётган арслон кабидир,
Эй, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди.

Тили туфайли озор топган киши нима дейди, эшит,
Бу сўзга амал қилгин, ўз фойдангга ишлат.

Тил мени жуда кўп кулфатларга солади,
(У) бошимни кесмасин, (мен) – тилимни кесайин.

Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

Сен ўзингга омонлик тиласанг,
Тилингдан яроқсиз сўзингни чиқарма.

Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.

Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,
Яна кўп сўзлашдан наф топмадим.

Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади.

Тилингни ниҳоятда эҳтиёт қилгин, бош сақланади,
Сўзингни қисқа қилгин, ёшинг узайтирилади.

Гарчи шундай экан, сўзни билиб сўзла,
Сўзинг кўр учун кўз бўлсин, у кўра билсин.
Тугилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади,

Сўзингни эзгу сўзла, ўзинг абад ўлмайсан.

*Киши ўзи икки нарса туфайли қаримайди;
Бири – эзгу хулқи, бири – эзгу сўзи.*

*Инсон тугилади, ўлади, кўргин, унинг сўзи қолади,
Инсон ўзи ўлади, оти мангу қолади, назар сол.*

*Кишидан кишига қоладиган мерос сўздир,
Мерос сўзни, яъни оталар сўзини тутсанг,
нафи юз-юздир.*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Аждодлар ўгити. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
2. Қайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
3. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

НУТҚ ҚОНУНЛАРИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ҚОИДАЛАРИ

Режа:

1. Нутқ қонунлари ҳақида сўз.
2. Нотиклик санъати қоидалари.
3. Воизнинг сийрати.
4. Ваъз одоблари.

Таянч сўз ва иборалар: нотиклик санъати, нутқ, тил одоби, инсон, мулоқот, фан, мақсад, заковат.

Нотиклик луғатда *нутқ сўзламоқ, хутба ўқимоқ, нотиқ бўлмоқ* маъноларини англатади. “Нутқ маданияти”, “Нотиклик санъати” ёки “Нотиклик” лафзлари ёнма-ён ишлайдиган, бири иккинчисини тўлдирадиган иборалар бўлиб, бу фаннинг ўзига хос тарихи, намояндалари ва мақсадлари мавжуд бўлса-да, лекин бу фан ҳақидаги маълумотлар бошқа фанларга нисбатан бизгача камроқ етиб келган.

Нутқ маданияти алоҳида таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган, лекин бундан олдинроқ Миср, Оссурия, Вавилон, Ҳиндистонда пайдо бўлган деган тахминлар мавжуд. Шунингдек, Марказий Осиё тарихида ҳам нотиклик қадимдан давом этиб келаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари бунга мисол бўлади. Буюк бобоқалонимиз Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг 24- боби ҳам воизликка бағишлангандир.

Муқаддас Куръони карим, Ҳадиси шарифларда воизлик қонун-қоидалари ҳақида муқаммал маълумотлар берилган. Шунингдек, мамлакатимизда диний нотикликка оид кўплаб қўлланма ва рисолалар нашр эттирилган. Жумладан, “Мантик ва нутқ маданияти” номли рисолада “Нутқ маданияти нима?” деган саволга “Юқори нутқ маданияти – бу фикрларни тил воситаси билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир” деб жавоб берилган.

Воизлик – исломда, асосан яхшилик ва эзгуликка чақирувчи даъват маъносидан ишлатилади. Ваъз айтувчиларни, яъни бу борала мутахассис бўлган кишиларни “воиз” деб юритилади.

Ислом тарихидаги илк воизлардан бири Ҳасан Басрий р.а. (728 й в.э.) бўлган. У зот гарчи араб миллатига мансуб бўлмасалар-да, араб нутқининг машҳур устозига айланган. Одамларнинг юзига қараб фикрини, кайфиятини сезиб олар ва буни ваъз вақтида назардан кочирмасдилар.

Панд-насихат ва ҳаётий ҳақиқатларни ўзида мужассам этган ваъзларда асосий эътибор маърифий-тарғибий мақсадларга қаратилгандир. Буюк мутафаккир Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Насихат аҳли ва воизлар зикрида” деган фаслида шундай дейди: “Воиз ҳақ сўзни тарғиб қилиши, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳис-вассалам сўздан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи Ҳақ ва пайғамбар йўлига кириши, сўнгра эса насихат билан элни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга элни бошламоқ - мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақирishi - уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этганига ўхшаш бир нарсадир.”⁶

Воизнинг сийрати

1. Ваъз қилувчи инсон, аввало, ўзи солиҳ бўлмоғи керак. Чунки у солиҳ бўлмаса инсонлар унинг ёнидан кетиб қоладилар. Натижада, сўзи инсонлар қалбидан жой ололмайди.

2. Воиз диёнатли бўлмоқлиги, ёлғон сўзларни оғзига олмаслиги керак. Илм мажлисини одамлар малолланиб қоладиган даражада чўзиб юбормасин. Доноларнинг фикрича: “Қалбларнинг тетиклик, кизиқишлик ва воизга юзланишлик вақти бор ҳамда юз ўгиришлик пайти бордир. Шундай экан, инсонлар сенга қалбан юзланиб турган муддатда гапиргин”.

3. Воиз одамларга сўзлаётганда фақатгина битта одамга эмас, балки ҳаммага қараб гапириши керак. Алломалар: “Тапираётган (воиз) юзи билан битта одамга юзланиб гапирмасдан ҳамма одамларга қараб сўзлаши жоиздир”, - деганлар.

4. Воиз таъмагир бўлмаслиги шарт. Зеро, таъма инсонни хор қилади, юз кўркамлигини ҳамда илмни кетказади.

⁶ А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. (И.Маҳсумов насрий баёни). Т.Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 31-6.

Ваъз одоблари:

1. Мавзунинг луғавий маъноларига тўхталиш ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ёритиб бериш;
2. Улуғ алломаларнинг мавзуга оид фикрларини билдириш;
3. Машҳур олимлар ҳикматли сўзларидан ва ҳаётларидан намуналар келтириб ўтиш;
4. Мавзуга тааллуқли ҳикояларни баён қилиш;
5. Ҳозирги замон билан мавзуни ўзаро боғлаш;

Воизнинг шахсияти. Мазкур бўлимда воизнинг шахсиятига боғлиқ бўлган ички ва зоҳирий нарсалар, уни инсонлар олдига туриб ваъз айта олишга қодир қиладиган хусусиятлар ҳақида гап боради. Бу баҳсни мутолаа қилганимиздан сўнг воизлик фақатгина баъзи инсонларга ато қилинадиган инъом эмас, балки ҳар бир инсоннинг иқтидорида маълум бир чегарагача бўлса ҳам воизлик мавжудлигига амин бўламиз. Энди воиз учун зарур бўлган баъзи бир хусусиятларни айтиб ўтамиз.

Ўзига ишониш

Машҳур воизлар ҳам янги фаолиятини бошлаган вақтларида бир мунча қийинчиликларга дуч келишган. Гапларида тараддуд, тутилиш кузатилган. Гоҳида умуман тўхтаб қолишган. Шундай бўлса ҳам ўзларига бўлган ишончنى ошириш учун машқ қилишда давом этганлар ва уларни бутун дунё бўйлаб машҳур қилган даражага етганлар.

Кучли рағбат

Воизликка эришиш учун машқ қилаётган кишиларга жуда ҳам зарур ҳамда эътиборсизлик қилиб бўлмайдиган нарса, бу, ишни кучли рағбат билан бошлашдир. Ҳар нарсани ҳам кучли қизиқиш ва рағбат билан бошлаш афзалдур.

Мавзуни чегаралаб, аниқлаб олиш:

Бундан муқаддам нутқ қилиш (*гапиришдан*) олдин қандай гапириш, нима ҳақида гапиришни билиб, тайин қилиб олишдир. Инсон ўзи нима ҳақида гапиришни аниқ қилиб олмай жамоат олдига чиқадиган бўлса, ўзи биронта нарсани билмайдиган мавзуда нутқ сўзлаётган одам сингари бўлиб қолади.

Машқ қилиш

Воизликка шу вақтгача назарий тарафдан эътибор бериб келинган. Амалий тарафга эса диққат қилинмаган. Агар, ҳақиқий, энг зўр воизлик бу машқ самарасидир десак муболаға бўлмайди.

Бошланишида ҳам машқ, ниҳоясида ҳам машқ қилиш даркор. Ҳар бир нарсанинг ҳам қалби бўлганидек воизликнинг қалби машқ қилишдур. Инсон биринчи марта воизлик қилганида унга кўшлаб руҳий ва асабий қийинчиликлар рўбарў бўлади. Баъзан асабийлашувдан шу ҳолга етадики, юраги қаттиқ ва тез ура бошлайди, томоғи қуриб, гапи тутилиб қолади, фикрларини бошида ушлаб туролмай, хаёли паришон бўлиб кетади. Бошланғич воизлар бу тўсиқларни кўп машқ қилиш орқали бартараф қилишлари мумкин. Аммо машққа эътибор қилинмаса, олдинги ўтган зотларнинг ваъзларига мурожаат қилиб, уни ёдлаб олишдан фойда чикмайди.

Ишонч билан нутқ сўзлаш

Ўзига ишониб нутқ сўзлаш ҳар биримизнинг максадимиздир. Ишончли сўзлаш муқобилида ишончсиз, суст, титрок билан нутқ қилиш туради. Ишонч билан нутқ сўзлашга машқ қилиш, маълумотларни ўз вақтида келтириш ва ҳоказо нарсалар сабаб бўлсада, бу ерда асосий муҳим нарса кучли иродани ундови билан инсон замиридаги фаолликдур. Воиз жамоат олдида чикқанда уларнинг сонига, қайси тоифага мансублигига, қандай кишилар эканлигига парво қилмаслиги зарурдир.

Мавзунӣ тайёрлаш ва тартиблаш

Ваъзнинг ташкил этилишида у қайси фанга тегишли бўлишидан қатъи назар илмий асосларнинг иштироки шарт. Масалан: санъатшунослик, жуғрофия, психология, жамиятшунослик, тарих каби ижтимоий фанлар ёки шеър, луғат каби адабий фанлардан олинган маълумотлар ҳам нутқнинг таъсирли бўлишида ўзига яраша омил ҳисобланади. Бу маълумотларни тўплагандан сўнг булар билан жамоатга қандай фойда келтиришлик ҳақида ўйлашлик лозимдир. Нутқ муваффақиятли чиқиши учун мавзунӣ тайин қилгандан сўнг уни тартиблаш керак бўлади.

Кўшимча маълумотлар

Нотиқни инсонларга тақдим қилаётган нутқи ютуққа эришмоқлиги учун, эҳтиётий (*кўшимча*) маълумотлар муҳим роль ўйнайди. Лекин кўп воизлар нутқларини тайёрлаётган вақтда, дангасалик қилиб танлаган мавзусига хос бўлган озгина маълумот билан чекланадилар.

Воизликнинг зарур сифатлари:

1. Матонат.
2. Қатъият.

Бирорта фанни ёки жаҳон тилларидан бирини ўрганиш учун ҳаракат қилаётган одам муваффақиятга эришиши учун кўп вақт даркор эканлигини билиши шарт. Баъзи вақtlари фойдали, баъзилари эса натижасиз ўтади. Лекин энг муҳими, юксакроқ натижага эришишга доимо ҳаракат қилиши керак. Яна натижа чиқмаётган вақтларда тўхтаб қолмаслик ёки ортга қайтмаслиги даркор.

Хоҳиш ва истак

Бир нарсани хоҳлаш унга етишишнинг ярмидир. Инсон йўлбошчилик, раҳбарлик, устозлик мақомига ёки жамиятда бирон-бир нуфузга эришиши ёхуд қалбидаги эзгу мақсадлари рўёбга чиқиши учун унда кучли истак-хоҳиш бўлмоқлиги лозим.

Нутқ (лекция-маъруза)

Кўпчилик воизларнинг гапирадиган мавзу ва иборалари бир хил эканлиги тўғри. Лекин нутқ – шу мавзуларни тингловчига етказишдаги ҳар бир воизга хос бўлган услубдир. Инсонлар таомни бир хил маҳсулот ва сабзавотлардан тайёрлайдилар. Лекин улар пиширган таомнинг таъми, кўриниши турлича бўлиши ҳаммага аён. Нотиклик ҳам, нутқ ҳам шундайдир. Нутқ – бу воизнинг оҳанги, гапираётганда сўз ва фикрларига берган жилосидир.

Товушни ишлатиш

Мавзу аҳамиятини белгилаш нотикнинг ўзига ҳавола қилинади. Масалан: айтилаётган сўз сарлавҳа ёки далил бўлиши мумкин. Сўзларни ёзишда ҳам, муҳим фикрларни йўғонроқ қилиб ёки остига чизик чизиб қўйишлик кузатилганидек, воиз ҳам гапларнинг энг муҳимини белгилаб, баланд овозда гапириши лозимдир. Токи бу гап бошқа сўзлардан кўра баландроқ эшитилсин;

а) пауза (сўз ва жумлалар орасидаги жимлик)

Пауза деб сўзлар орасидаги товушдан холи бўлган бўшлиқни айтилади. Мана шу паузаларни ҳам тўғри ишлатиш лозимдир. Фикрларни айтишдан олдин ёки кейин, муҳим сўзларни етказишда шуларга муносиб бўлган тарзда озгина вақт жим туриш ҳам нутқнинг таъсирини оширади;

б) товушга жило бермоқлик.

Одатда моддий, ҳиссий ашёларга ранг, жило берилади. Аммо товушга жило бериш муҳим ишлардан ҳисобланади. Лекин баъзи бир кишилар учун бу амалларни бажариш табиий ҳолдир. Улар овозларини кўтариб, пасайтирадилар, хурсандчилик ёки маҳзунлик ўринларида овозларига шу ҳолатларга мос оҳангларни кўшадилар. Мана шуни товушга жило бериш дейилади. Воиз ваъз асносида овозини бир хил тарзда ушлаб турмаслиги керак. Чунки бу нарса жамоатда малолланишни пайдо қилади ва нутқида етказишни мақсад қилган маъноларга путур етказиши мумкин.

Ўзини тутиш

Бу ерда гап нотикнинг турган жойида ўзини тутиши ҳақида бормаяпти. Балки нотикнинг жонли мулоқоти, мавзуга оид ўткир ибораларни эса қоларли келтириши, ёрқин шахсиятини намоён қилиши назарда тутиляпти.

Воиз ўзини рисоладагидек тутиши учун унга заковат, фаросат, иккала кўзи билан жамоатни кузатиб туриш қобилияти лозим. Нутк вақтида тепага ёки пастга назар ташлайвериш ҳам мақбул эмас. Ваъзни ҳаяжонланмасдан, хотиржамлик билан бошлаш керак. Нутқ сўзлашдан олдин кўп -миқдорда таом тановул қилмаслик ҳам зарурий ҳолатлардандир. Акс ҳолда дангасалик, паришонлик, ланжлик пайдо бўлади. Ваъзни тинглаётган жамоатда эса салбий фикрлар туғилиши мумкин.

Кийимлар

Нотик кийим танлашга, унинг поклигига, ярашиқлигига эътибор қилиши зарур. Кўплаб воизлар нутқларини тайёрлаб, етарли даражада машқ қиладилар. Шундай бўлса ҳам баъзан уларнинг тингловчилари кўпайиш ўрнига озайиб боради. Бунга сабаб уларнинг ташқи кўринишларидир. Демак, воиз кийимларининг кўринишига, ўзига ярашишига эътибор қаратиши шарт.

Табассум

Нутқ сўзловчи шахс ўзининг шахсий муаммолари сабабидан инсонларга ҳорғин, қовоғи солиқ ҳолатда юзланса, бу ҳолати билан инсонларда жамоат билан иши йўқдек таассурот қолдиради. Шу сабабли воиз ва жамоат ўртасида тўсиқ пайдо бўлади. Мана шу ўринда воиз учун жамоатга юзланган ҳолатида табассум қилишнинг

нақадар аҳамиятли эканлиги маълум бўлади. Ваъзни табассум билан бошлаш зарур эканлиги билан бирга бу табассумни сўз ораларида гоҳ-гоҳида вазиятга муносиб тарзда такрорлаб туришлик воиз билан жамоат ўртасидаги масофани яқинлаштиради ва ваъзнинг уларга тўлиқ етиб боришига замин яратади.

Жамоатни бир жойга йиғиш

Воиз жамоатни бир жойга тўплашга ҳаракат қилмоғи керак. Улар бир-бирларига яқин жойда ўтиришлари лозим. Оралиқ масофа узоқ бўлса уларнинг ваъзни тинглашга бўлган рағбатларини сўндиради. Демак, воизнинг гапи таъсирли бўлиши, улар олдида фойдали нутқ сўзлаши учун тингловчиларнинг жойлашиш ҳолати ҳам муҳим.

Ёруғлик

Воиз ўз маърузаларида кўзланган мақсадга эришиши учун ёруғлик ҳам алоҳида роль ўйнайди. Орқа тарафдан ёки икки тарафдан тушаётган ёруғлик ваъзнинг мазмунига яхши фойда бермайди. Ваъзга чиройли таъсир этувчи ёруғлик бу воизнинг юзига тушиб турадиган, олди тарафдан келадиган ёруғликдир. Юз ифодалари мана шу ёруғлик сабабли аниқ кўриниши керак. Лекин тўғридан ёруғлик тушириш керак экан деб, воизга бутунлай ёруғликни тўғрилаб унга кўришни қийинлаштиради ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Воизнинг орқа тарафидаги эски курсилар, суратлар, хариталар ҳам инсонлар эътиборини воиздан узоқлаштириши мумкин. Зийрак воиз орқасида инсонларнинг кўзини оладиган, олдида эса уларни кўзини тўсиб кўядиган нарсалар туришига йўл кўймайди.

Жимлик (сокинлик, осойишталик)

Воизнинг ютуққа эришишига сабаб бўладиган омиллардан бири сукунатдир. Бир воиз ваъз ўқиётган жой яқинида ишчилар таъмир ишларини олиб бораётган бўлса, гўёки улар сеҳрли ишларни бажараётгандек жамоатнинг нигоҳи воиздан улар тарафга бурилиб қолади. Ваъз асносида шу жойда бўлаётган ҳар қандай ҳаракатлар жамоатнинг фикрини чалғитади. Баъзи бир воизлар нутқ сўзлаб турган пайтда бошқа бир воизлар келиб қолсалар уларга пешвоз чиқадилар ва уларни ўз ёнларига, давра тўрига таклиф қиладилар. Улар бу иш ўзларининг нутқларига фойда келтирувчи маданиятнинг бир тури деб ўйлайдилар. Жамоат ўз фикрларини

воизнинг ёнида ўтирган меҳмонларга, уларнинг ўтиришига ҳамда мана шу мақомга кўтарилишига сабаб бўлган омилларга қаратади. Унинг эътибори бўлинади ва маъруза қисман ўз таъсирини йўқотади.

Демак, нутқимиз ижобий самара бериши учун маконнинг осойишталиги ҳам зарур экан.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Воизлик тушунчасига таъриф беринг.
2. Илк воизлардан бири Ҳасан Басрий ҳақида нималар биласиз?
3. Воиз учун зарур бўлган хусусиятлар ҳақида сўзланг.
4. Воизликнинг асосий сифатларида қайси омиллар муҳим ўрин тутади?

Топшириқ. Буюк мутафаккир Махмуд Қошғарийнинг “Девонул-луғатит турк” асаридан олинган парчани ўқинг ва уни ёзма ҳамда оғзаки шарҳланг.

Илм, ҳикмат ўрган, ўрганишда ҳавойилик ва такаббурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан ўзини билимдон кўрсатиб мақтанган киши, имтиҳон вақтида уялади, ачинади. Бу дунёда кишининг машаққатсиз туриши ҳеч мумкин эмас. Бирор яхшилик кўрмай туриб, одам дунёдан ўтади.

Илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб, сўзларини тингла, илмларни, ҳунарларни ўрганиб, амалга ошир. Ўғлим, ўғит-кенгашимни қулогингга ол, билимсизликни ташла. Кимнинг талқони бўлса, шиннига қоради. Шунингдек, ақлли киши насихатни қабул қилади.

Ота-онанг насихатларини эшит, гапингда уларнинг сўзини қайтарма, кўп мол топсанг, ўзингдан ўтиб, қутурма. Мазрурланиб, феълингни бузма. Дарахт ўтқазилмагунча, ҳосил унмайди (бирор мақсад кетидан юриб), исталмагунча топилмайди, қўлга кирмайди.

Халққа яхшилик қил, уни сув тағига ташласанг-да, уни сув устида кўрасан. Агар билимдон одамга йўлиқсанг, ҳар кун унга бор, яхши муомала билан унинг илму ҳикматларини ўрган. Такаббурликни ташла.

Бирор киши сенга кулиб қараса, сен ҳам унга жуда очиқ ва қулган юз билан боқ, ширин сўз ва ёқимли муомала қил, тилингни тий. Тўплаган молни сел келди, деб ҳисобла, сел тошни юмалатгандай эгасини юмалатади...

Сени катта ёшли одам чақирса, унга чотиб бор. Очлик йилларида халқнинг қаерга боришини кузат, у қаерга борса, сен ҳам ўша ерга бор. Халқингга келган ҳар қандай мусибатларда уларга мос бўл. Ўзингнинг оғир юкингни бошиқаларга юклама.

Билимни истаيمان, молга суянаман, яъни мақсадим улуглик учун молни дастак қилиб, тилагимни топаман. Бунинг учун молу ҳолим сарф бўлади. Илму донишни истадим. Имли донишмандларни қидирдим. Ўзимни одамлар орасидан айирдим.

Сенга қаттиқ ташвиш ва алам етса, ўтиб кетар, деб сабр қил. Дунё ишларини билиб туришга тириш. Ҳар қандай кулфатни ўзингга олиб, жонингни қийнама. Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди.

Ўғлим, сенга мерос қилиб эзгу хулқ, одобни қолдираман. Агар илми, ақлли одамларга йўлиқсанг, уларга яқинлаш, улардан фойдалан. Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса, яхши номи қолади.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. Индекс луғат. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961, 1967.
2. Аждодлар ўгити. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
3. Кайковус. Қобуснома. Тошкент: 1983.
4. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. –Т: Ўқитувчи, 1984.
5. Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат (Нотик, нутқ, мантиқ). – Тошкент: Адолат, 2005.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Режа:

1. А.Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси ва улкан жонкуяри
2. А.Навоий ижодида нутқ одоби ва маданияти.
3. “Маҳбул-қулуб” асариде воизлик санъати мавзуси.

Таянч сўз ва иборалар: тил одоби, нутқ маданияти, сўз санъати, лисоний меъёр, “Маҳбул-қулуб”.

Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ўзбек тилининг жонкуяри ва ҳимоячиси сифатида ниҳоятда улуғ ишларни амалга оширган. Унинг ижодиёти Шарқ мумтоз адабиётида фавқулодда муҳим ҳодиса бўлиб, бири-биридан аъло асарларида мутафаккир шоирнинг тил, тилнинг жамиятда тутган ўрни, аҳамияти, шунингдек, нутқ маданияти, нотиқлик санъати, сўзнинг қадри ва кудрати, тилнинг ички табиати, инсониятга кўрсатадиган таъсири каби ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлган масалалар ҳақидаги қарашлари акс этган. Хусусан, “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр”, “Сабъан сайёр”, “Муншаот”, “Назм ул-жавоҳир”, “Ҳазойин ул-маоний” каби асарларида шоирнинг сўз таърифидаги фикрлари, она тилига муносабати ёрқин намоён бўлган.

Зеро, “Сўзга васф шулким, уларнинг қайси бири, сўз аввал, жаҳон эса сўнгра пайдо бўлди, дейилади. Биринчи садо сўз экан, ҳар қандай кўшиқнинг ҳам бошланиши сўздандир. Сўз айтиб совумайдиган кўшиқдир, сўз жисм бўстонида дарахтдир. Инсоннинг жисми гулшан бўлса, нутқ ундаги хушовоз булбулдир. Булбулнинг навоси сўздир. Жонга роҳат берувчи нағмаси ҳам сўздир. Агар сўз бўлмаса, булбул навосиз, нутқсиз қолар эди. Булбулни ҳеч қачон навосиз кўрманг, бенаволикни ҳам булбулга раво тутманг.”⁷

⁷ Навоий А. Сабъан сайёр. “ФАН”, Тошкент 1991. Б.-362

Тил ва тафаккурнинг уйғунлигида, нотиклик ва мантик, нутк маданияти, назм ва насрни, умуман, ёзма адабиётни бадиий тасвир этишда буюк мутафаккир “сўз”ининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Машҳур турколог-шарқшунос олим Н.А.Ильинскийнинг фикрича, улуғ шоир “Она тили учун курашда ягона ва баҳодир жангчи эди”⁸. Навоийнинг даҳо даражасидаги истеъдоди ва салоҳияти, туркий тил бойликларидан санъаткорона фойдаланиш маҳорати, улуғ ватанпарварлиги, айниқса, “Хамса”да ёрқин намоён бўлади. У сўзнинг таъсир кучи ҳақида буюк бешликнинг дебочасида шундай дейди:

Чекса Навоий сўзидин бир нишон –
Ким, анга алфоз ўлиб оташфишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр,
Кўрки нечукдир яқо чок айламоқ⁹ -

яъни, шоир сўз олов сочиш кудратига ҳам эга эканлигини, бу олов одамларнинг қалбига тутшиб, унинг туйғуларини аланга олдиришини таъкидлайди. Аллома ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида у шакллантирган адабий тил жаҳоний кадрятлар каторида туришини билдиради. Асрлар давомида тўпланган тил бойликлари ва қондалари ҳазрат Навоийнинг улуғвор хизматлари туфайли мумтоз адабий тил талабларига тўлиқ жавоб берадиган юксак тараққиёт чўққисига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қ а р о р ида “Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам кўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва

⁸ Ильинский Н.А. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка. Казань, 1862, С. 27.

⁹ Навоий А. Хамса. Тошкент, 1947. Б. -18-19.

оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”¹⁰, дейилган.

Ҳазрат Навоий қаламига мансуб назмий, насрий ва илмий асарларнинг ҳам бадийий, ҳам ғоявий-маърифий жиҳатдан юксак савияда битилганлиги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ва бугунги мавқега эришишида муҳим аҳамият касб этди. У ўзининг бутун ижоди давомида туркий тилни жаҳоннинг энг мукамал ва мумтоз тиллари даражасига кўтариш учун курашди. Туркий тилнинг битмас-туганмас зарофати ва латофатидан, маънавий манбаларидан фойдаланиш жараёнида бу тилда мукамал бадийий-илмий асарлар яратиш мумкин эканлигини исботлади. У “Лисонут-тайр” ишқий – фалсафий достонида қушлар нутқини *иштиқоқ* (бир сўздан бошқа сўз олиш), *интоқ* (жонсиз предметларни гапиртириш), *издивож* (жуфтлашмоқ) санъатлари воситасида ёрқин рангларда ифода этиш жараёнида маълум замонавий поэтик йўналишларни татбиқ қилганлигидан ҳайратга тушамиз. Достон жаҳон адабиётида ҳам алоҳида қадрланадиган дурдона асарлар қаторидан ўрин олган. Масалан, куйидаги мисраларда Худхуднинг санъаткорона нотиклиги, панд-насихат ва эзгуликка тарғиб қилишда моҳир воизлиги кўринади:

Сайрағил,эй Тўтғийи ширин калом,

Нутқи ташрифи била олий мақом.

...Кел бу ғурботдин раҳм оғоз қил,

Ул чаман сори яна парвоз қил.

Шоирнинг сўз сеҳрини англаш ва сўз қўллаш санъати унинг асарлари моҳиятини тадқиқ қилувчилар учун катта масъулият юклайди. Унинг ҳар бир асари туркий сўзнинг юксак бадийият чўққисидаги тимсолидир.

Атоқли навоийшунос олим Н.Маллаев тўғри таъкидлаганидек, “Навоий ижодиёти у яшаган муҳитнинг бадийий қомуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир. Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.ЎЗА, 25 октябрь, 2020й.

Бинобарин, Навоий мероси турли илм соҳалари учун бой ва қимматли манбадир.”¹¹

Буюк мутафаккир сўзни хабар, маъно ва тушунча ташувчи, инсон ички дунёсини, мураккаб руҳиятини ифода этувчи ва ўз ўрнида бошқаларга таъсир ўтказувчи кучли восита деб билади. Ҳазрат Навоий ўзининг ҳар бир асарида туркий тилнинг нозик маъно қирраларини, яъни ҳам ҳикматини, ҳам зийнاتини кашф қилади. Унинг “Сўз” ҳақидаги илмий мулоҳазалари замирида нотиклик санъати, яъни сўзни ўринли ишлатиш, ким билан қандай муомала қилиш, ўйлаб гапириш, тилга эътиборли бўлиш кераклиги ҳақидаги фалсафий теран фикрлари, ҳаётий тамойиллари баён этилган. Сўзга қўйилган талаб асардан асарга кучайиб, сайқалланиб, янгича мулоҳазалар, ўзига хос мушоҳадалар замирида алоҳида жозиба ва моҳият касб этиб бораверади:

Ҳар кимсаки сўз демак шиоридадурур,
Маъни гули нуткининг баҳоридадурур,
Сўз кам десун улки, ихтиёридадурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисоридадурур.

Сўз маъноли ва қисқа бўлиши, яхшиликка хизмат қилиши уқтирилади. Бинобарин, сўзнинг мазмуни унинг унинг қиймати ва кадрини билдиради. Ва шу хусусияти билан юсак аҳамиятга эга. Унинг мазмунига тааллуқли талаблардан энг муҳими рост бўлишидир. Ростгўйлик инсоннинг ҳақиқатга интилиши ва ҳақиқатни улуғлаши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг баробарида, улуғ шоирнинг наздида қандай сўзни гапириш қай даражада аҳамиятли бўлса, сўзни қандай оҳангда гапириш ҳам шунчалар муҳим. Алишер Навоий ширин сўзнинг қадри буюклиги, у душманни ҳам дўстга айлантириш қудратига эғалигини, у қалб жароҳатига ҳам малҳам эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Аччиқ калом қалбларга ўқдек санчилади, уни яралайди. Шоир дилдорликни коралайди:

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

¹¹ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974.Б. – 34.

Буюк мутафаккир ижодиётида Сўз мавзуси юксак эътибор ва эҳтиром, шарқона назокат ва эъзоз билан қаламга олинган. Мир Алишер Навоийнинг сўз санъаткори сифатидаги юксак истеъдоди ва салоҳияти унинг мангуликка дахлдор ўлмас асарларидаги туркий тилга ва нутқ маданиятига оид қарашларида яққол намоён бўлди ҳамда кейинги давр ижодкорлари учун бетакрор мактаб вазифасини ўтади. Бу асарлар, энг аввало, сўзга, туркий тил ва нутқ маданиятига ҳурмат ва меҳр-муҳаббатнинг, чин инсоний эътиқоднинг ҳаққоний акс этиши билан ибратлидир. Шоир ишонч билан шундай дейди:

Деганимни улусқа марғуб эт!
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт!
Халққа зеби торак айла они,
Ўқуғанга муборак айла они.

Сўз таърифида улуғ шоир заковати, тафаккури ва бадиий маҳоратининг янги қирралари очилиб боради. Мир Алишер Навоий ҳазратлари қўллаган ҳар бир сўз ҳар ўринда бетакрор маъно касб этади. Мутафаккир шоир наздида инсоннинг тили, яъни нутқи, унинг одоби, ички маданиятини намоён қилувчи асосий восита. У ҳар бир шахснинг тилига, унинг тилга муносабатига, нутқининг қай тарзда намоён бўлишига алоҳида эътибор беради. Шундай қарашлар туфайли замонлар ўтиши билан нутқ одобини, мулоқот маданиятини белгиловчи маълум мезонлар вужудга келган.

Бугунги кунда нутқ маданияти, нотиклик санъати деб юритилаётган тушунча мутафаккир бобомиз томонидан инсоннинг хулқи ва одобига, кўнгли ва кўзининг поклигига, тафаккурига боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Адабий тилнинг лисоний меъёрлари ҳақида сўз кетганида, унинг тилшуносликнинг барча соҳаларидан ташқари, адабиётшунослик, психология, санъатшунослик, педагогика, фалсафа, мантик, этика, тарих, социология сингари фанлар билан узвий боғлиқлиги тўғрисида маълумот берилади. Нутқ маданиятига доир билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган таҳлил жараёнида Алишер Навоийнинг “Мезон-ул авзон”, “Муҳокамат – ул луғатайн”, “Ҳайрат-ул аброр”, “Лисонут -тайр”, “Сабъаи сайёр”, “Муншаот”, “Назм ул - жавоҳир”, “Ҳазойин-ул-маоний”, “Фарҳод ва Ширин” каби асарларидан олинган матнлар, аудио ёзувлар намуналарининг таҳлил қилиниши яхши самара беради. Мулоқот жараёнида нутқни тўғри ифодалаш ва такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқилади ва тавсия этилади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ҳазрат Навоийнинг қайси асарларида сўз ҳақидаги таълимот баён қилинган? Мисоллар келтиринг ва изоҳланг.
2. Шарқшунос-турколог олим Н.И.Ильинскийнинг А.Навоий ҳақидаги фикрини шарҳлаб, бугунги кун билан боғланг.
3. Сўз мулкининг султони қайси шеърӣ санъатлардан фойдаланган?
4. Мутафаккир шоирнинг тил одоби, нутқ маданияти, сўз таърифи, воизлик санъати ҳақидаги афоризмларидан намуналар келтиринг.

Топшириқ. Мир Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган парчани ифодали ўқинг, лугат тузинг, таҳлил қилинг ва сўзлаб беринг.

*Не мажлис, боғи ризвондин намудор,
Не бода, обиҳайвондин намудор.
Аёқчилар шакарғуфтору дилбанд,
Қилиб дилбандлик бира шакарханд.
Муганнийлар анингдек лаҳипардоз,
Ки жонлар пардадин рақс айлаб оғоз.
Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бори ҳам сарв қомат, ҳам гуландом.
Бўлуб Ширин бисотининг надими,
Алардин хуш Миҳинбону ҳарими.
Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.
Бири ашғор баҳри ичра гаввос,
Бири адвор даври ичра раққос.
Бири мантиқ русумида рақамкаш,
Бири ҳайъат руқумига қаламкаш.
Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
Балогатда бири айтиб дақойиқ.*

*Бири тарихда сўз айлаб фасона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона.
Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб,
Муаммода бириси от чиқориб.
Бу фанларда булар бир-бирдан аҳсан,
Юз ул фанлиқ аро ҳар қайси якфан:
Дилорому Дилорою Дилосо,
Гуландому Суманбӯю Сумансо.
Паричеҳру Паризоду Париваш,
Парипайкар – зиҳи ўн исми дилкаш.
Чу эвруди лаболаб давр аёғи,
Қизиди базм янглиг эл димоғи.
Миҳинбону камол изҳори айлаб,
Дақойиқдин савол изҳори айлаб,
Аларга айлагач жузви ишорат,
Падидор ўлди юз дилкаш иборат.*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Навоий А. Хамса. Тошкент, 1947. Б. -18-19.
2. Аждодлар ўғити. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
3. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
4. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974.

ЗАМОНАВИЙ НОТИҚЛИК САНЪАТИ: АРГУМЕНТ, ТИНГЛОВЧИ ВА ФАН

Режа:

1. Аргумент тушунчаси ва унинг нутқдаги ўрни.
2. Фикрнинг мантикийлиги – нотик нутқининг таъсирчан ва ишонарли бўлишининг шарти эканлиги.
3. Нотик фикрнинг мантикийлигини таъминлашда нутқ режасининг аҳамияти.
4. Аргументлашда дедуктив усулдан фойдаланиш.

Таянч сўз ва иборалар: аргумент, шарқ, нотиклик санъати, нутқ, инсон, мулоқот, фан, мақсад, тафаккур.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мавзумизнинг бош атамасига шундай изоҳ берилган:

Аргумент [лот. argumentum – яққол исбот, аниқ далил] 1 Фикр, даъво ва шк.ни исботлаш учун асос, далил².

Нотиклик санъатида аргументнинг ўрни бекиёс бўлиб, мазкур фасл айнан шу фикрни исботлашга қаратилган. Зеро, аудитория билан мулоқотга киришар экан, нотик уни ўз фикрларига ишонтириши, мафкуравий озик бериши, одамларнинг онгини ижобий томонга ўзгартириши лозим. Нотик нутқининг таъсирчан ва ишонарли бўлишида асосий шартлардан бири эса фикрнинг мантикийлигидир.

Бенуксон ички мантик, фикр ва далилларнинг аниқ тизими яхши маъруза, суҳбатнинг энг муҳим белгисидир. Нотик маъруза, суҳбат, баҳс давомида у ёки бу фикрни ёклаши ёки инкор этиши, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтириши, маълум хулосаларни чиқариши керак бўлади. Шунинг учун нотик тўғри, аниқ фикрлашни, ўз фикрларини мантикий изчиллик билан баён этишни ва асослашни билиши лозим. Далиллар билан қувватланмаган, асосланмаган фикр тингловчиларда қизиқиш уйғотмайди. Демак, нотикнинг муваффақияти унинг қай даражада мантикнинг асосий қоидаларини билиши ва уларга риоя этишига

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. Т., “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2001, Б.95.

боғлиқ. Шунинг учун педагогика, психология, тилшунослик билан бир қаторда мантиқ илмий ташкил этилган нутқнинг услубий асосини ташкил этади ва омма олдида нутқ сўзлаш, тарғибот-ташвиқот олиб бориш маҳоратини ўрганишда амалий асос вазифасини ўтайди. Мантиқий нутқ тингловчиларни буткул жалб этиш, айрим ўринларда эса уларга гипнотик таъсир ўтказишга қодир. Ва аксинча, баёндаги изчилликнинг йўқолиши, фикрнинг мавҳумлиги ва исботланмаганлиги нутқнинг таъсир кучини йўққа чиқариши ва нотикнинг обрўсини тушириши мумкин.

Дарҳақиқат, биз суҳбатдошимизнинг мантиқий фикрлаши ҳақида гапирар эканмиз, аслида унинг ҳақ эканлигини тан оламиз. Унинг гапида мантиқ йўқ деганда эса, фикрларига кўшилмаслигимизни билдирамиз. Демак, мантиқан тўғри фикрлаган киши объектив ҳаққоний ҳулосаларга келади. Мантиксиз фикрни эса, эртами-кечми ҳаёт ҳақиқати инкор этади.

Инсоният тарихида, айниқса, сиёсат соҳасида, омма билан ишлаш жараёнида мантиқни фаол ишлатишга бўлган доимий интилиш кузатилади. Нотиклик санъатининг мантиқ билан яқин алоқаси қадимги даврларданок кузатилади. Аммо кўп ўринларда мантиқ ҳукмрон мафқурани тарғиб этишга қаратилган. Тарихий тараққиётнинг турли босқичларида сиёсий мақсад ва вазифаларнинг турлича бўлганлиги оммавий ишларда, биринчи навбатда, сиёсий фаолиятда мантиқ ҳар хил вазифаларни бажарган. Масалан, қадимги Юнонистондаги антик демократия шароитида ва қадимги Римдаги сиёсий нотиклар мантиқдан сиёсий баҳс ва мунозараларда фойдаланганлар ва бунда ўз фикрини тасдиқлаш ва муҳолифларнинг фикрларини инкор этишда турлича услублардан, жумладан, сунъий софистик қарашлардан ҳам фойдаланганлар. Нотиклик санъати илмининг асосчилари ҳисобланмиш софистлар ягона мақсадни – инонтиришни кўзлаб иш кўрганлар. Уларнинг наздида – бу, «ёмон далилга яхши далил кўринишини бериш» бўлиб, «инсон барча нарсанинг ўлчовидир», – деган ақидаларидан келиб чиққан.

Рим нотиклари учун ҳам муҳими масалани ҳаққоний ёритиш эмас, балки, тингловчиларни (судьяни, оммани ва ҳоказо) унинг ҳақиқат эканлигига ишонтириш бўлган. Масалан, улуғ Рим нотикларидан бири бўлган Цицерон нотик учун муҳими

одамларнинг диққатини ўз фикрини инкор этиши ёки асослаши қийин бўлган фактлардан чалғитиш ва диққатни ишнинг муваффақиятини таъминловчи фактларга қаратиш, деб билган. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг мантиқ алоҳида назарий ва оммавий вазифани ўтай бошлади.

Нотиклик санъатига кизиқиш кучайиши билан ривожлана бошлаган мантиқ дастлаб гапирувчи учун муҳим бўлган масалани ҳал этишга ҳаракат қилган. Яъни, одамларни ишонтириш учун, уларни нотик фикрларини қабул қилиши учун нутқ қандай сифатларга эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этган. Қадимги нотикларнинг фикрича, яхши нутқнинг кучи фикрларнинг ўзаро боғланиши билан белгиланади – агар тингловчилар бир фикрни қабул қилса, у билан боғлиқ қолган фикрларини ҳам тан олиши керак.

Тингловчиларга ҳақиқатни етказиш ва уларни у ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш билан боғлиқ ҳар қандай ахборот узатиш жараёни ўзаро боғлиқ уч унсурдан ташкил топади.

Биринчи унсур – исботланиши керак бўлган фикр. *Иккинчиси* – фикрнинг тўғрилигини исботловчи асос ва далиллар. *Учинчиси* – фикр намойиши, яъни фикр ва асос, далиллар ўртасидаги алоқани кўрсатувчи мантиқий боғланиш.

Фикрлашнинг мантиқийлигини таъминлашда бу уч унсур борасида шаклланган қоидаларга риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга айтиш лозимки, фикрлаш жараёнида мантиқий хатолар ёки мантиқий фикрлаш маданиятининг заифлиги ва фикрий пала-партишлик оқибатида пайдо бўлади ёки тингловчиларни онгли равишда адаштириш, баҳс-мунозарада қандай бўлмасин ютиб чиқишга интилиш истагидан келиб чиқади.

Исботланиши керак бўлган фикр (тезис) фикрлаш жараёнида марказий ўринда туради ва ҳар қандай нутқнинг (маъруза, суҳбат ва ҳоказо) мазмуни уни очишга қаратилган бўлади. Нотик ўз нутқини қандай режалаштирмасин, қандай факт ва воқеаларга муурожаат этмасин, қандай ўхшатиш ва қиёслардан фойдаланмасин, унинг диққат марказидан асосий масала – ўзи илгари сурган фикр (тезис)нинг тўғрилигини асослашдир.

Исботланаётган фикр (тезис)га нисбатан мантиқ икки асосий қоидага риоя этишни тақозо қилади. Биринчиси – фикр (тезис)нинг

мантиқан аниқлиги, иккинчиси – асослаш (исботлаш) жараёнида тезисни ўзгартирмаслик. Фикр (тезис)нинг мантиқий аниқлиги деганда тингловчиларга етказмоқчи ва тўғрилиги исботланмоқчи бўлган фикр тингловчиларга тушунарли ва аниқ бўлган атама ва ибораларда ифодаланиши тушунилади. Албатта, янги атама ва тушунчаларни қўллаш мумкин, бироқ бундай ҳолларда бу янги атама ва тушунчаларнинг мазмунини аниқ очиб бериш лозим бўлади. Нотиқ ўз нутқида ишлатаётган тушунчаларнинг мазмунини тингловчи биледи деган тахмин доим ҳам тўғри чикмайди. Ҳаттоки, масалан, бугунги кунда кўп тилга олинадиган демократия, ҳуқуқий давлат, миллий ғоя каби тушунчаларни ҳам одамлар турлича талқин этадилар.

Тушунчаларнинг ноаниқлиги айниқса, баҳс-мунозара пайтида хавфлидир. Чунки фақат баҳснинг сўнгида иштирокчилар атамаларга турлича маъно берганлари маълум бўлиб қолади ва аслида баҳс иш юзасидан эмас, балки сўз атрофида айланиб, ҳеч қандай натижа бермайди.

Мулоқот жараёнида тушунчаларнинг аниқ бўлиши қоидаси нафақат нотикқа, балки унинг суҳбатдоши (тингловчиси)га ҳам тегишли. Қадимги хинд фалсафасида доно қоида бор эди: агар сиз кимнингдир фикрини танқид қилмоқчи бўлсангиз, аввал унинг фикрини такрорлаб, рақибингиздан уни тўғри баён этганингизни тасдиқлатиб олишингиз керак. Фақат шундан кейингина танқидий таҳлилга киришиш мумкин. Бу қоидага риоя этиш танқиднинг ноаниқлигидан, асосланмаганликдан халос этади. Тажриба шуни кўрсатадики, бунда энг мақбул йўл – нутқни асосий фикрнинг қисқа ва аниқ баёнидан бошлаш, сўнг уни асослаш ва тасдиқлашга ўтишдир.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг нутқларига эътибор берсак, у доимо ўз нутқини мақсадларини аниқ-равшан баён этишдан, мавҳум тушунчаларга аниқлик киритишдан бошлашининг гувоҳи бўламиз.

Фикр (тезис)ни нотик маърузасининг бошида қисқача баён этишнинг афзаллиги шундаки, бунда тингловчиларнинг диққати дарҳол масаланинг моҳиятига жалб этилади ва изчиллик билан нотикнинг асослашларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Албатта, нутқ сўзлаш ёки баҳс-мунозара давомида илгари сурилган дастлабки фикр(тезис)нинг ноаниқлиги ёки қамрови жуда кенглиги маълум бўлиб қолса, нотик уни ўзгартириши мумкин, ammo у бу ҳақда тингловчиларга ёки ўз рақиби (мухолифи)га маълум қилиши керак бўлади.

Исботланиши керак бўлган фикр (тезис)га қўйиладиган талаблар мураккаб эмас, лекин амалда бу талаблар баъзан атайлаб бузилади ёки фикрдан адашиш оқибатида мантикий хатоларга йўл қўйилади. Бирламчи фикр (тезис) борасидаги қоидаларнинг бузилиши – фикр (тезис)ни алмаштириш – икки хил кўринишда намоён бўлади: фикрни йўқотиб қўйиш ва уни тўлиқ ёки қисман алмаштириш.

Дастлаб илгари сурилган фикр (тезис)ни йўқотиб қўйиш одатда, нотик бир фикрни илгари суриб, у билан боғлиқ бўлган бошқа фикрга, сўнг ўхшашлик асосида учинчи фактга ўтиши ва ҳк. натижасида содир бўлади. Охир-оқибат нотик дастлабки фикрини йўқотиб қўяди, ёддан чиқаради. Бундай камчиликдан халос бўлиш чораси осон – нотик ўзини, гапираётган гапини назорат қилиб борса бас. Фикрнинг тўғрилигини исботловчи асос ва далиллар қаторига фактик маълумотлар, аксиомага айланган ҳолатлар ва илмий исботини топган фикрлар киради ва уларга нисбатан мантиқ бир қатор талабларни қўяди. Жумладан:

- асос ва далиллар **ҳаққоний бўлиши керак**;
- асос ва далиллар фикр (тезис)дан алоҳида **тасдиқланган бўлиши лозим**;
- асос ва далиллар бир-бирига зид бўлмаслиги ва **бир-бирини инкор этмаслиги зарур**;
- асос ва далиллар фикр (тезис)ни тасдиқлаш учун **етарли бўлиши керак**.

Нотик нутқининг ишонарли бўлишининг энг муҳим жиҳатларидан бири фикр-мулоҳазаларни мантикий тизим асосида қуришдир. Нотик фикрлаш жараёнида илгари сурилган мулоҳазаси аниқ, ҳаққоний, ҳаётий факт ва назарий қоидалардан иборат мустаҳкам заминга таянишини тингловчиларга кўрсатиши, намоёниш этиши керак.

Мантиқда бу исботловчи мулоҳаза намоёниш деб юритилади: маъруза, суҳбат мазмуни, аудитория ва шароитга кўра турлича

намойиш (материални мантиқий ташкил этиш) усулларидан фойдаланиш мумкин. Амалда бу усуллар мустақил равишда ва қоришиқ ҳолда қўлланилади. Лекин улардан қайси бирини қўллаш ихтиёрий бўлмай, қайси бирини қўллаш биринчидан, муҳокама этилаётган мавзуга, иккинчидан, нотик ихтиёридаги материалга, учинчидан, аудиториянинг хусусиятларига боғлиқ.

Масалан, халқаро аҳвол, аниқ иқтисодий масалалар, фан-техника ютуқлари, дин билан боғлиқ мавзулар аниқ фактик материални таҳлил этиш ва умумлаштиришни ҳамда ўз-ўзидан индуктив усулни қўллашни тақозо этади. Назарий масалалар ҳақида гап борганида, ўхшаш ҳодиса, факт ва ҳолатларнинг мавжудлиги туфайли дедуктив усулдан фойдаланилади.

Нотик ўз чиқишида фикрини асослаш, исботлашда у ёки бу мавзуга мос усулдан моҳирона фойдаланиши учун, бу усулларнинг асосий хусусиятларини, кучли ва заиф томонларини яхши билиши керак бўлади.

Аргументлашда дедуктив усулдан фойдаланиш, айниқса, муҳимдир. Лугатда бу сўзга шундай изоҳ берилган:

Дедукция [лот. *deductio* – пайкаб олиш, хулоса чиқариш] Умумий ҳолатдан жузъий хулоса чиқарган ҳолда муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш; зид. **индукция**². Демак, дедуктив усул деб умумийликдан хусусийликка қаратилган тушунтириш йўлига айтилади. Зеро, нутқнинг тушунарли, таъсирчан бўлишини таъминловчи ишончли ва оддий усуллардан бири – умумий фикрлар ва аниқ (жузъий) мисоллардан фойдаланишдир.

Нотик материални дедуктив усулда баён этар экан, аудитория диққатини умумий қонуният ва вазифалардан хусусий вазифалар томон йўналтиради. Дедуктив усул айниқса, миллий истиклол гоясини, миллий мафқурани тарғиб этишда, халқ онгига сингдиришда яхши ёрдам беради, умумназарий қонуниятлар орқали Ўзбекистонда иқтисод, сиёсат, маънавият соҳаларида кундалик ҳаётда рўй бераётган аниқ воқеа-ҳодисаларни тўғри тушунтириш имкониятини яратади, умумдавлат масалалари ҳар бир соҳа, ҳар бир

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж. Т., 2002, -Б.591.

жамоа, ҳар бир фуқаро ҳаётида аниқ мазмун ва шаклда ўз ифодасини топаётганини кўрсатишга ёрдам беради.

Бинобарин, дедуктив усулда тушунтиришда умумий, назарий асос сифатида илмий қонуниятлар, сиёсий, ахлоқий, маънавий ва ҳуқуқий қонун-қоидалар ҳамда алоҳида исботлашни талаб этмайдиган аксиомага айланган қоидалар хизмат қилиши мумкин. Фикрлаш жараёнида улар мантиқий асос вазифасини ўтайди ва уларга таянган ҳолда нотик аниқ факт, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиради ва уларга баҳо беради.

Масалан, халқаро вазият мавзудидаги маърузада турли мамлакатларда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ёки ҳарбий воқеа-ҳодиса, вазият ва фактларни шунчаки тасвирлаб, ҳикоя қилиб бериш ярамайди. Ҳикоя қилиш билан бирга тушунтириш, яъни улар нима учун содир бўлди, сабаблари нимада, ижтимоий-сиёсий илдишлари қандай, ниҳоят, уларнинг таъсирида халқаро муносабатларда қандай ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлигини батафсил ёритиш керак.

Дедуктив хулосани шунчаки хусусий фактни умумий қоидага боғлаш сифатида содда тушуниш ярамайди. Бир қатор мантиқий талаблар ва услублар борки, уларга амал қилмасдан дедуктив хулосани тўғри шакллантириш мумкин эмас.

Биринчидан, дедуктив хулоса, дастлабки назарий қоидани аниқ ва равшан баён этишни назарда тутати. Бу билан нотик тингловчиларга аниқ воқеа-ҳодисага баҳо беришдаги ўзининг принципиал илмий нуқтани назарини, сиёсий дунёқарашини ишонарли қилиб кўрсатади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Тингловчиларга ҳақиқатни етказиш ва уларни у ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш билан боғлиқ ҳар қандай ахборот узатиш жараёни ўзаро боғлиқ уч унсурдан ташкил топади. Уларни санаб беринг.
2. Аргументлашда қандай усулдан фойдаланилади?
3. Дедуктив хулоса ҳақида гапиринг.

Тошшириқ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридан олинган парчани ифодали ўқинг, у ҳақда сўзлаб беринг ва луғат тузинг.

Ош тортилгондин сўнг фармон бўлдиким, Ҳиндустонни бозигарлари келиб, ўюнларини кўрсатгайлар. Лўлилар келиб, ишларини кўрсаттилар. Ҳиндустон лўлилари баъзи ишларе кўрсатурларким, ул вилоятларнинг лўлиларидин кўрулмайдур эди. Ул жумладин бири будурким, етти ҳалқани пешонасига ва икки тизига таъбия қилиб, яна тўрт ҳалқани икки илик бармоғи била ва иккени икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг эвурадур. Яна бири буким, рафтори товус йўсунлуқ бир илигини ерга кўюб, бир илиги ва икки оёғи била уч ҳалқани тез ва бедаранг эвурадур. Яна бири буким, ул вилоят лўлилари икки йиғочни оёғларига боғлаб “пойи чўбин” қилиб, йўл юрурлар. Ҳиндустон лўлилари бир йиғоч била “пойи чўбин” қилиб, йўл юруйдурлар, оёғларига ҳам боғламайдурлар. Яна бири буким, икки лўли бир-бирини тутушиб, ул вилоятларда икки турлук муаллақ борурлар. Ҳиндустон лўлилари бир-бирларини тутушиб, уч, тўрт, турлук муаллақ борадурлар. Яна бири буким, олти-етти қари йиғочнинг тубини бир лўли белига кўюб, йиғочни тик тутуб турадур, яна бир лўли бу йиғочқа чиқиб, йиғоч устида ўюнлар ўйнайдур. Яна бири буким, бир кичик лўли яна бир улуз лўлининг бошига чиқиб, тик турадур, қуйига лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида типтик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсададур. Қалин мотулар ҳам келиб, раққослик қилдилар.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент – “Юлдузча”, 1989.
2. Бекмуродов Н. Нотик, нутқ, хулқ. – Тошкент: Noshirlik yog’dusi, 2011.
3. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
4. Дейл Карнеги. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
5. Жуманиёзов Р. Нуткий маҳорат (Нотик, нутқ, мантиқ). – Тошкент: Адолат, 2005.

ЗАМОНАВИЙ НОТИҚЛИК САНЪАТИ: ВАЗИЯТ, ДРАМА ВА ҲИКОЯДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Режа:

1. Замонавий нотиқлик санъати: вазият, драма ва ҳикояда нотиқлик санъати. Жонли сўзнинг кучи ва жозибаси.
2. Тингловчилар билан мулоқот ўрнатиш – нотиқ нутқи самарадорлигининг энг муҳим шарти.
3. Нотиқ билан аудитория ўртасидаги умумий руҳий ҳолат – уларнинг бир-бирларини тушунишидаги аҳамияти.
4. Тингловчиларга нисбатан ҳурмат – мулоқот ўрнатишнинг муҳим асоси эканлиги.
5. Нотиқ шахсининг, у ҳақдаги жамоатчилик фикрининг, халқ орасидаги обрў-эътиборининг мулоқот ўрнатишга таъсири.

Таянч сўз ва иборалар: вазият, драма, нотиқлик санъати, нутқ, инсон, мулоқот, ҳикмат, қадрият.

Замонавий “Нотиқлик санъати” назарий ва амалий фан бўлиб, у тил амалиётига таъсир этиш мақсадида адабий тил тарихи, грамматика, услубшунослик ва тилшуносликнинг бошқа бўлимларининг ютуқлари ва хулосаларини умумлаштиради. Нутқ маданияти назариясида адабий тил миллий тилнинг олий шакли деб эътироф этилади; бадиий адабиёт тили ўзининг энг яхши намуналари билан халқнинг маданият соҳасидаги ютуқлари ва анъаналарини мустаҳкамлайди ҳамда бойитади.

Нотиқлик санъати ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият, фан ва техника, маданий ва адабий ҳаёт ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этади. Жамият аъзоларининг маданий савиясини ортан сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, нутқ маданияти қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда такомилланиб боради. Нотиқликнинг санъат сифатида шаклланиши ва ривожланишида адабиёт, маданият, радио, телевидение ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, адабий тилни меъёрлаштириш ва нотиқлик санъати назариясини ривожлантиришда лексикография, хусусан, изоҳли, имло, талаффуз, ўқув ва бошқа махсус луғатлар муҳим аҳамиятга эга.

XV асрдаёқ ўзбек адабий тилининг нутқ маданияти ва унинг ўзига хос меъёрлари мавжуд эди. Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти билан ўз даври нутқ маданияти, нутқ одоби ва нотиклик санъати тараққиётига мислсиз ҳисса қўшди. Кейинчалик Заҳрирдин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Гулҳаний, Нодира, Огаҳий, Фурқат, Муқимий каби улуғ шоирларнинг асарлари тилида ҳам нутқ маданияти ва одобига жиддий эътибор берилди.

"Яхши сўз – жон озиғи", "Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин", "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир", "Ҳар нени емак – ҳайвоннинг иши, ҳар нени демак – нодоннинг иши" каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқи маънавиятида нутқ маданиятининг ўрни ва аҳамияти юксак эканлигидан дарак беради.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан сўнг ўзбек тилининг нутқ маданияти халқ тилига яқинлаштирилган миллий адабий тил меъёрларига асослана бошлади. Бу меъёрларни шакллантириш ишига олимлар (Отажон Ҳошим, Т.Н.Қори Ниёзий, С.Иброҳимов, Олим Усмон ва бошқалар), адибу шоирлар (Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва бошқалар) муносиб ҳисса қўшдилар.¹²

Мулоқот, нутқ ҳамиша қайсидир вазиятда амалга ошади. Шунинг учун мулоқот жараёнида нутқ айтилаётган пайтдаги вазиятни, албатта, инобатга олиш керак бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, нотик факат нима ҳақида гапирётганини эмас, балки кимга гапиряпти, қандай гапиряпти ва унинг гапларини тингловчи(лар) қандай қабул қилади каби масалалар устида бош қотириши керак.

Шу маънода коммуникация (мулоқот) пайтида қўп ҳолларда йўл қўйиладиган қуйидаги хатоларни санаб ўтиш мумкин.

1. Тингловчиларнинг талаб-истакларини эътиборга олмаслик. (Одамлар, аввало, ўзлари учун керак нарсага қизиқиш

¹² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси (2000-2005) маълумотларидан фойдаланилган.

билдирадилар. Демак, ҳар қандай ахборотни узатишда ёки фикр билдиришда аудиториянинг манфаатларидан келиб чиқиш зарур).

2. Аудиторияни билмаслик (нотик ахборот узатишда ёки фикр билдиришда конкрет аудиториянинг хусусиятлари, талаб-эҳтиёжлари, манфаатларига таяниши лозим).

3. Мулоқот икки ёклама жараён эканлигини ҳисобга олмаслик (ахборотни узатиш жараёнининг ўзи ҳали мулоқот ўрнатилди дегани эмас; аудитория ҳам муносабат билдира бошлагандагини мулоқот ўрнатилади ва самара беради).

4. Муомала маданиятининг асосий қоидаларини билмаслик (қўпол ва агрессив нотикдан кўра хушмуомала, аудитория диққат эътиборини қозонишга ҳаракат қилган нотикни бутунлай бошқача қабул қилишади).

5. Новербал (нолисоний) воситаларни нотўғри қўллаш (олиб борилган турли тадқиқотларнинг натижасига кўра мулоқот даврида тингловчи(лар) нотикдан олаётган ахборотнинг 65% гача бўлган қисмини новербал ахборот ташкил этади).

Мутахассисларнинг фикрича, биз ўзимиз ҳакимизда талаффуз қилаётган ҳар қандай сўзлардан кўра, сукут сақлаганимизда кўпроқ нарса айтамыз.

6. Матнни тингловчи ёки ўқувчи учун тушунарли тарзда баён эта олмаслик. (Яхши матн тайёрлаш алоҳида санъатдир. Айрим ҳолларда нотикқа ўзи тайёрлаган матн яхши бўлиб туюлади, аммо тингловчи бунини ҳис этмайди).

7. Тинглашни билмаслик (мулоқотга киришган киши тинглашни билиши керак. Бунинг ўта муҳимлиги шунда кўринадики, айрим ғарб давлатларида тинглашни ўргатувчи курслар ҳам бор).

Нотик нутқи таъсирчан бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Нутқ аудиторияга мос бўлиши керак. (Аудитория (тингловчилар)нинг ёши, касби, маълумоти, диний эътиқоди, қизиқиш доираси, даромади у ёки бу ташкилотга аъзолиги ва ҳ.к.ларни билиш лозим).

2. Нутқ конкрет бўлиши керак. (Чунки, тингловчи хотирасида эшитганининг жуда оз қисми сақланиб қолади, аммо конкрет, аниқ таклифларнинг хотирадан ўрин олиши имконияти кўпроқ).

3. Нутқ таъсирчан бўлиши, муносабат уйғотиши лозим. (Тингловчининг эътиборини тортмаган сўз ҳавога айтилган билан баробар, чунки у ўз вазифасини адо этмайди. Нутқ муносабат уйғотиши учун янги ахборот, уни қабул қилганда маълум фикрлар туғилиши ва ҳ.к.лар керак).

4. Нутқ аниқ мақсадга йўналтирилиши керак (нутқ тингловчини инонтириши, унга маълумот бериши, унда маълум ҳисларни уйғотиши ва ҳ.к. керак).

5. Нутқ ўқилмайди, балки тингланади. (Шу боис, соф мулоқот билан боғлиқ талаблар вужудга келадик, уларни ҳисобга олиш зарур. Масалан, тингловчи ўқувчидан фарқли ўларок бирон нарсани тушунмаса, орқага қайтишининг имконияти йўқ).

Мулоқотни ташкил этишда мулоқотга киришганларнинг бир-бирига ва улар ўртасидаги суҳбат предметига (объектига) муносабати ижобий характерга эга бўлса, унда суҳбат объектига нисбатан улар бир-бирига яқин муносабат билдиришга ҳаракат қиладилар. Суҳбатга киришганларнинг ўзаро муносабати салбий бўлса, аниқроғи бир-бирига мувофиқ келмаса, уларнинг гап кетаётган объектга нисбатан муносабати ҳам мувофиқ келмайди. Кенг тарқалган “душманларимнинг душмани – менинг дўстларим” ибораси айни шу ҳолатни акс эттиради).

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Нотиқлик санъатини ижтимоий ҳодиса сифатида шарҳланг.
2. Тингловчилар билан мулоқот ўрнатишда нималарга эътибор бериш керак?
3. Нутқнинг таъсирчан бўлиши қандай омилларга боғлиқ?
4. Тил одоби ҳақидаги мақоллардан мисол келтиринг ва уларни шарҳланг.

Топширик. Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг “Ҳинду раққосасига бағишлаганим” шеърини ифодали ўқинг ва у ҳақда фикр билдириг.

*Сен ўйинга тушидинг ёруғ саҳнада:
Хаёлимдан ўтди ўша лаҳзада,
Қадимдан қадимроқ бир тарих узун,
Рақсингга саҳнайди не қора ўрмон,
Рақсингга саҳнайди не яшил сайҳон,
Рақсингга саҳнайди буюк табиат,
Қушлар ва оҳулар, кўллар, қоялар...
Рақсингга саҳнайди сирли эҳромлар,
Рақсингга ташнайди фаслу айёмлар,
Рақсингга ташнайди тангрининг ўзи,
Тикиларди эҳром меҳробидан зор...*

*Сен ўйинга тушидинг ёруғ саҳнада:
Хаёлимдан ўтди бир тарих узун,
Салтанати чексиз, давлати фузун,
Ўйнар эдинг Бобир саройида ҳам,
Пешонангда йирик ва ясама хол,
Оёгингда қувноқ кўнгироқчалар,
Суягинг бормиди, қайдам, ёки йўқ,
Ўйинга тушардинг тойчоқдек ҳуркак,
Сен ўйнадинг узоқ ва соҳирона:
Сузилиб боқарди шоҳ шоирона,
Рақс тугаб, бошингни эгдинг боадаб,
Сенинг шоҳ рақсингдан, сенинг сеҳрингдан,
Шоҳижаҳон сархуш, зал сархуш эди,
Сенга отилганди ипак нақш ҳамён.
Маҳлиё кўзлардан олқини ёғарди...
Бахтнома сўзлардан олқини ёғарди...
Сен ўйинга тушидинг ёруғ саҳнада:
Созлар таранг эди, кўшиқ жсарангдор
Сен ўйнардинг гўё бир гишт устида.
Ўтмиш садосидай узун бир оҳанг,
Нолакор, шиквалик маҳзун бир оҳанг,*

Юракни эзгудек аламли, толгин,
Куйдургудек чанқоқ, куйгулик ёлқин...
Кўз ўнгимдан ўтди келгинди қулдор,
Замбарак оғзига боглаб отишлар,
Сендай жононларни қулдек сотишлар,
Тоғмаҳал кўркига губор қотишлар.
Олис, чўнг оролдан келмиш у маккор...

Эриб оққан янглиз донгил зал жим-жит,
Сел бўлиб, кўз тикар барча шайдо, лол.
Ўйинга тушардинг содда, фусункор,
Дилдош ва дилрабо, ҳижронзада, зор.
Қанот елиб учар саҳнадан пуравж,
Қанот қоқар оҳанг бетоқат, бесабр,
Томоша залининг кўк гумбазида
Чарх урар гиргиттон янгироқлари,
Ўтиб дарчалардан ва тирқизишлардан
Тошкент осмонида қоқади қанот.
Сенинг ўйининг ҳам ҳам ўшандоқ мунглуз,
Ўшанча гуссали, бўғиқ, диққинафас,
Фақат ўзинггамас, бизга ҳам қийин...
Қиссадай етаклар алмисоқларга,
Қиссадай ўтади, бир-бир сиёҳ тун
Узуқ-юлуқ эмас, қиссадек бутун
Қиссадай етаклар кўп узоқларга,
Қиссадай кўринар аён шу бугун...
Шўх ўйин уланур анчадан кейин,
Гўё чўққилардан тиниқ булоқлар,
Ёки дараларда югурик ирмоқлар,
Талтиниб-талтиниб оқар ногихон,
Ғуссаларни барбод этгувчи оҳанг,
Бу говларни узиб отмоққа қодир.
Юракларга ёзду солмоққа қодир.
Дилларни дарров шод этгувчи оҳанг
Талтиниб-талтиниб оқади равон.
Сен ҳам рақс тушасан бу мавжлардан маст,
Оҳанг ва рақс гўё жондошу пайваст.

Сен ҳам чўққиларда асов ирмоқдек,
Сен ҳам дараларда тиниқ булоқдек,
Ёки арчазорда шахло кўз жайрон
Шунчалар гамзакор, шунча сеҳрли,
Нафақат сеҳрли, бир жаҳон сирли.
Ўхшаши топилмас шўхона жавлон,
Ёки эрта саҳар қоронгусида
Эзгу Ганг дарёси тўлгонур гўё.
Ё қирговул кўниб кўл қиргоғига,
Ўзбек хонатмаси товланур гўё;
Кўзларда (ё раббий, бу қандоқ кўзлар!),
Кўзларда тонгларнинг жамоли ёнур,
Ё қирговул кўниб кўл қиргоғига,
Булбул навосидан маст сувга қонур;
Зал нафас олмайди, кенг зал маҳлиё,
Кўнгилларга ёғар мовий бир зиё,
Ҳа, кўнгиллар сел-сел, кўзларда ҳам барқ,
Барча рақс завқига гарқ бўлганди, гарқ,
О, сен шу оламдай қадим она Шарқ,
Мудом порлагайсан тонглардай ярқ-ярқ...
Наҳот мен қололсам санъатга бефарқ,
Йўқ, эсимга тушди бўлак бир жонон,
Кўзларида чақнаб қора чақмоқлар,
Худди шу саҳнада урарди жавлон,
Худди сен сингари бир офатигон,
Оҳ, унинг ишвакор қараишлари-ей,
Ҳай, ҳай у санъатни унутиш оғир...
Хаёлимдан ўтди бебашивоқ даврон,
Дардли бир достон...
Биров хуштор бўлур назокатига,
Биров хумор бўлур назокатига,
Биров хумор бўлур фаросатига,
Биров ошиқ бўлур жон офатига,
Биров санъатгамас, малоҳатига...
Одам ҳам бу бобда анойи эмас,
Буғу буқасидан қолишмас қиттак,
Майдондан чиқмагай шохлар сингунча,

Не шохлар, юраги тамом тингунча.
 Айиқдай олишар, итдай солишар,
 Бўғишар, гажишар. Оёқ чалишар...
 Сулувлар ҳам сўзсиз бўлади хил-хил,
 Юз миждоз, юз дил...
 Мана рақсинг тамом, худди ўша он
 Гумбаз қалтирайди кўш қарсақлардан,
 Янгироғи ўтар не фарсаҳлардан,
 Саҳна товланади гулчечаклардан.
 Зал сархуш, эл сархуш бу эртақлардан...
 Бошингдан гул сочур қизлар, ўғлонлар,
 Санъатингга ошиқ оддий инсонлар –
 Сенга бош эгади меҳнаткаш Тошкент!
 Сени ҳеч кўрмайлик жигархун, нохуш,
 Қанот ёзма гўё яралик бир қуш,
 Жилмайишини қўймай қувноқ рақсга туш,
 Ўз уйингдай яйра, пешкаш Тошкент!
 О, сен олам янглиғ қадим она Шарқ!

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. А.Навоий. Хамса. Т. "ФАН" нашриёти, 1983.
2. Жуманиёзов Р., Салимов С. Гоявий тарбияда нотиклик санъати. – Т: 2002.
3. Омон Б. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. – Т: Ўзбекистон, 2000.
4. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Т., 2002.
5. Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. – Т., 1998.
6. Саидов У. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Т: Академия, 2007.
7. Куронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. – Т: Маънавият, 2000.
8. Миртемир. Шеърлар. Т. 1978.

ЗАМОНАВИЙ НОТИҚЛИК САНЪАТИ: ДИСКУРС, ҲОКИМИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАНҚИДЧИЛИК

Режа:

1. Дискурс ҳақида тушунча.
2. Мулоқотда ҳукмронлик, бошқарув масаласи.
3. Бошқарувда танқидчилик ва нотиклик санъати.

Таянч сўз ва иборалар: замон, риторика, дискурс, дискурсив таҳлил, фанлар чорраҳаси, ҳокимият, ижтимоий, танқид, мулоқот, тушунча.

Дискурс (фр. Diskours – нутқ, ҳаракат) термини жаҳон тилшунослигида бир неча маънода талқин қилинади. Бу термин дастлаб **боғланма матн** тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик **суҳбат, диалог** тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди. Мазкур термин остида ҳозирги кунда экстралингвистик, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тушунчасини тушуниш тенденцияси кенгайиб бормоқда. Шунинг билан бирга, **дискурс** сўзи ифодалаган ҳодисани соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳам айни кунда эътироф этилган ҳақиқатдир.

Ўтган асрнинг 50- йилларида **америкалик тилшунос Зеллиг Харрис** томонидан биринчи марта қўлланилган **дискурс** сўзи бугунги кунда тилшуносликнинг марказий масалаларидан бирини ифодаловчи ҳодисани англатмоқда.

Дискурс тушунчаси ҳозирги даврда шиддат билан содир бўлаётган фанлар интеграциясини ўзида яққол намоён этади. У **санъатшунослик, адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих, социология, антропология, педагогика, сиёсатшунослик** каби фан соҳаларининг ҳар бирида махсус дефиницияга эга бўлиши билан бирга, бугунги кунда янги йўналишлар ҳисобланган **дискурсив таҳлил**нинг ҳам марказий муаммоларидан бирига айланди.

Кўринадики, нутқий тузилмани бу тарзда ўрганиш тадқиқотчига жуда катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан

бирга, унинг дискурсив таҳлил деб номланган **“фанлар чорраҳаси”**дан ўтишини ҳам такозо этади.

Хуллас, **дискурс** (лот. *мантиқий фикрлашга асосланган, мулоқот...*) инсонларнинг ўзаро муносабати, ахборот алмашиниши ва бир-бирига руҳий таъсир этиш жараёнидир.

Жамиятда шундай касблар борки, уларни мулоқотсиз ва ижтимоий муомала нутқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мулоқот ва ижтимоий муомала нутқ маҳоратини эгаллаш айниқса, прокурор, адвокат, судья, терговчи ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимлари ҳамда ўқитувчи ва шифокорлар учун жуда ҳам муҳимдир.

Мулоқот самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг психологик томондан тўғри ташкил этилганлигига, мулоқот субъектлари (нутқ сўзловчи ва тингловчи)лар томонидан қуйидагиларнинг амалга оширилишига боғлиқ:

- нутқда мантиқийлик, қатъийлик ва жозибadorлик;
- бошқаларни тинглаш маданияти;
- хатти-ҳаракатларнинг, мимиканинг нутқ сўзловчи фикри билан мутаносиблиги;
- мулоқот муҳити – хона ёки аудитория жиҳозларига қўйиладиган талаб ва ҳ.к.

Ижтимоий муомала нутқи сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги бевосита боғловчи воситадир. Нутқда нафас, талаффуз, товуш, ургу, дикция, интонация, пауза (тўхтам), ургу ва мимика сингари нутқий техника омиллари катта аҳамиятга эга. Аниқ ва бурро талаффуз товушнинг аниқ ва жаранглаб чиқиши, оҳанги, тембри, унинг гоҳ пасайиб, гоҳ баландлашиб туриши тингловчини бефарқ қолдирмайди, тингловчининг диққатини ўзига қаратади, зериктирмайди ва қайта тақрорлашнинг олдини олади. Қайта сўраш эса, одатда, нутқ сўзловчида шубҳа уйғотади ва эътиборсизликни акс эттиради.

Ургу тингловчининг эътиборини маълум бир фикрга, гап таркибидаги аҳамиятли сўзга тортишга хизмат қилади. Ургу кўпроқ риторик саволларда самарали қўлланилади.

Сўзлар фақатгина ахборот ва маълумот ташувчи эмас, балки бошқа психологик вазибаларни ҳам бажаради. Яъни маълум бир лексик воситалар-сўз, сўз бирикмаси ва гап касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқининг бошланишига, давом этишига ва хатто тугатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Мулоқотни бошлашга хизмат қилувчи лексик юситалар:

"Нимадандир безовта кўринасиз?"

"Нимадандир хафамисиз?"

"Жуда хурсанд кўринасиз?"

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқини давом эттиришга хизмат қилувчи лексик воситалар:

"Сизни тушунаман..."

"Давом этинг, давом этинг. Бу жуда қизиқ..."

"Мумкин бўлса, батафсилроқ..."

"Бундай бўлиши мумкин эмас!"

Қуйидаги муносабатлар ва жумлалар касбий нутқий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқининг чекланишига ёки тугатилишига олиб келиши мумкин:

I. Буйруқ, кўрсатма.

"Яна бир қайтаринг!"

"Секинроқ гапиринг "

"Мен билан бундай (оҳангда) гапашманг!"

II. Огоҳланттириш, таҳдид, ваъда:

"Яна бир бор такрорланса – тамом".

"Ўзингизни босинг, фақат шундагина мен сизни диққат билан тинглайман "

III. Ўргатиш, маслаҳат бериш:

"Бу нотўғри "

"Сиз бундай йўл тутмаслигингиз керак "

IV. Танқид, айблаш, норозилик:

"Сизнинг ҳаракатларингиз – нодонлик".

"Мен сиз билан бошқа баҳслашмайман".

"Шундай бўлади деб огоҳлантирган эдим "

V. Тинчланттириш, ҳамдардлик:

"Бу каби ҳиссиёт менга ҳам таниш "

"Ҳамма ҳам хато қилади "

"Биз сизни қўллаб-қувватлаймиз "

VI. Муаммодан четлашиш, эътиборни бошқа томонга буриш, ҳазил:

"Нега буни миянгиздан (каллангиздан) чиқариб ташламайсиз?"

"Келинг, бошқа мавзуда суҳбатлашайлик!"

Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, таъсирлилиги, жўялилиги, бойлиги, ифодавийлиги, соддаллиги, қисқалиги каби талаб этилувчи омиллар унинг сифатини ташкил этса, овоз, нафас, пауза, интонация, дикция, ургу нутқ техникасини ташкил этади. Ана шу нутқ техникаси воситаларини амалда тўла ва ўринли қўллаб билмаган нотикнинг касбий мулоқоти ва ижтимоий муомала нутқи самарасиз бўлади.

Касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқи пайтида нотик билан тингловчиларнинг **бир-бирини тушуниши катта аҳамиятга эга.** (Усмон Азимнинг биринчи шеърий тўплами “**Инсонни тушуниш**” деб аталади.) Хўш, тушуниш ва тушунмаслик нималар билан боғлиқ?

Ўзини тутиши, характери, сўзлаш манераси, фикр юритиш усули – қайси бири бўлишидан қатъий назар, тингловчилар уни ёқтириб қолишлари керак. Жозибали сўзи билан ўзини суйдира олиш, тингловчида қайта учрашиш иштиёқини уйғотиш билан хайрлашиш нотик касбий мулоқотида муваффақият белгисидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, касбий мулоқот ва ижтимоий муомала нутқининг энг муҳим талабларидан бири *нотиклик маҳорати ва тинглаш қобилиятидир.* Зотан, таниқли санъатшунослар, файласуфлар, социологлар, маънавиятшунослар, педагоглар ва психологларнинг нуқтаи назарича, ўз-ўзини тингловчи сифатида такомиллаштириш – мутахассисликка кўйилган биринчи қадам. Тинглаш фаолияти нутқ сўзловчи фикрларини тушунишга ўз навбатида касбий мулоқотни самарали олиб боришга қаратилгандир. Тинглаш-оғир ва машаққатли машғулот. Нутқни тинглаш давомида аксарият ҳолларда тингловчилардан айримлари тез-тез савол бериб такрор сўрашга мажбур бўлади. Бу эса касбий мулоқотга ва нутққа салбий таъсир кўрсатади. Саволларнинг кўп бўлиши мавзунинг тингловчилар томонидан зўр қизиқиш билан яхши қабул қилинганини англатади.

Одатда, икки ҳолатда савол берилмайди: касбий мулоқот ёки ижтимоий муомала нутқи мавзуси тўла ўзлаштирилганда ёки ҳеч нарса тушунилмаганда. Тингловчилар ҳам ўз билими, савияси, дунёқараши, қизиқишидан келиб чиққан ҳолда мурожаат қилишади, шу сабабдан, нотиклар дилини оғритмасдан, ишончини қозониб

жавоб бериши керакки, токи даврада ёки аудиториядаги тингловчиларда нохуш кайфият пайдо бўлмасин. Тингловчилар ўз характери ва мақсадга кўра савол беришади: баъзилари ниманидир ўрганиш, билиш учун, баъзилари нотикни синаш учун, бошқа бири эса, ўзини кўрсатиш учун савол беради. Шунинг учун ҳам касбий мулоқот соҳибни ёки нотик нутк пайтида ҳар қандай сўзга, ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши керак.

Раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, ўзгаларни инонтириш қобилиятининг аҳамияти ва зарурати мамлакатимиз ва бутун жаҳон микёсидаги мураккаб мафкуравий жараёнлар билан ҳам белгиланади. Тараққиётнинг асосий шарти мамлакатдаги барқарорликдир. Давлат ва жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг бош омили эса турли гуруҳ, ташкилот ва давлатлар томонидан уюштирилаётган мафкуравий хуружлардан одамларни асрашдан иборат. Инсон онги ва калби учун кураш кечаётган шароитда ҳар бир раҳбар зиммасига у давлат ва жамият бошқаруви тизимида ишлайдими ёки бирон-бир корхонани бошқарадими, бундан қатъи назар, фуқароларимизни халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган ҳаққоний миллий ғоямиз билан қуроллантириш вазифаси ҳам юклатилган.

Демак, замонавий раҳбар учун касбга оид билимларнинг, хўжалик ишларини юритиш маҳоратининг ўзи камлик қилади. У тарғибот-ташвиқот ишларининг ўзига хос қонун-қоидаларини билиши, одамлар билан мулоқотда уларни қўллай билиши ҳам лозим. Ва аксинча, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни олий мақсадлар сари йўналтириш каби мураккаб ижтимоий вазифаларни уддалай олмаган киши раҳбарлик лавозимини эгаллаши мумкин эмас. Мамлакат ва халқ тақдири, амалга оширилаётган ислохотлар самараси биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб бера олишига боғлиқ. Энг муҳим талаблардан бири эса нотиклик маҳоратини эгаллаш, жонли сўзнинг таъсир кучидан фойдалана билишдир.

Нотиклик санъатини яхши эгаллаган раҳбар сўз қудратидан фойдаланиб, одамларни ўзига қарата оладиган ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Бу эса, юқорида айтганимиздек, осон иш эмас. Цицероннинг фикрича: “Сухандонлик шундай сифатки, унга

осонликча эришиб бўлмайди ва у жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади”. Бу сўзлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Нотиқлик назариясини билиш, одамлар психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш одамларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини тортиш имкониятини беради. Одамларни мажбур этиш уларни инонтиришдан кўра осонроқ. Шунинг учун айрим раҳбарлар одатда мажбурлаш орқали одамларни ўз иродаларига бўйсундиришга ҳаракат қилишади.

Бироқ ишонтиришнинг мажбурлашдан кўра афзал жиҳатлари бениҳоя кўп. Ўрта одам унинг кўркув ва манфаатпарастлик туйғуларига таъсир ўтказилаётган пайтдагина буйруққа кулок тутади ва унга амал қилади. Уни кўркитишни ёки шахсий манфаат орқали ўзингизга мойил қилишни тўхтатганингиз ҳаманоқ у сизнинг таъсирингиздан халос бўлади ва сиз энди уни ўз иродангизга бўйсундира олмай қоласиз. Шунинг учун куч билан таъсир ўтказиш вақтинчалик ҳолатдир. Ишонтириш эса инсон ақл-тафаккури устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради ва доимийлик хусусиятига эга. Агар сиз ўз фикрларингизни ўзга кишининг онгига сингдирсангиз, улар ўша одамнинг ўз шахсий фикридек хатти-ҳаракатларини йўналтирувчи кучга айланади ва оқибат ўлароқ у сизнинг доимий таъсирингиз остида қолади. Тақдир тақозоси билан ўзгаларни ўз фикрига инонтиришга эришган раҳбар эгаллаган лавозимидан кетса ҳам, унинг бошлаган эзгу ишлари давом этади.

Америкалик сиёсатчи ва бизнесмен Д.Уэбстер шундай деган эди: “Менда бор бўлган барча нарсани олиб қўйинг. Менга сўзлаш қобилиятимни қолдирсангиз бас. Шунда мен тез орада барча йўқотган нарсаларимни қайта қўлга киритаман”¹³. Бу фикр беҳуда айтилмаган. Унинг ортида катта ҳаётий тажриба, тинимсиз изланиш турибди.

Бошқарув жараёнида танқид керак. Аммо у самимий, дўстона ва меъёрида бўлиши керак. Энг муҳими, раҳбар танқид қилиш усули, пайти ва ўрнини билиши керак. “Иззаи мўъмин – гуноҳ”. Юсуфбек ҳожининг Отабекка қиладиган насиҳатларини эслайлик.

¹³ Алимардонов Т. Сиёсий маданият. «Тафаккур» жур. 2-сон. Т., 2018.-Б.15

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Дискурс сўзининг маъноларини айтинг.
2. Дискурс сўзини фанда илк бор қайси олим қўлаган?
3. Мулоқот самарадорлиги асосан қайси жиҳатларга боғлиқ?
4. Ижтимоий муомалада нутқ сўзловчи учун қандай нутқий техника омиллари зарур ҳисобланади?
5. Мулоқотни бошлашга хизмат қиладиган лексик воситалар ишгирокида қисқа диалог тузинг.

Топшириқ. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўланинг “Мунажжим юлдузи” шеърини ифодали ўқинг. У ҳақдаги фикрларингизни билдиринг.

МУНАЖЖИМ ЮЛДУЗИ

Тамарахонимга

*Бир вақт халқимизнинг санъат мунажжими,
Ҳамза Ҳакимзода санъат кўкидан
Бир юлдуз кашф этди,
Бир порлоқ юлдуз,
Ҳулкарлар, Зухролар тўпидан!*

*Унинг санъатидан тасниф топди иқбол,
Унинг санъатида шухрат олди.
У таъб этганида буюк истиқбол,
У шухрат оламига зилзила солди.*

*Ўзбек рақси бўлиб,
Кўшиги бўлиб,
Ўзбек бахти бўлиб,
Фахри бўлиб беҳад.
Ардоқлади санъат бешиги бўлиб,
Талъат, иқтидори билмади сарҳад!*

*Шундан уни суюб-суюб ўтадилар,
Ардоқлаб,
Олқишлаб бағоят,
Халқ артисти, дея суюб атадилар.
Халқаро артистни ниҳоят!*

*Кўринг,
Фахр қилинг,
Олам армони,
Бахти, омадидан ёруғ оламда!*

*Мана ўша юлдуз –
Тамарахоним,
Толмабел раққоса:
Сўлим хонанда!*

*Салом,
Ҳорма энди ўзбек юлдузи,
Ўзбек санъатининг теран шдизи!*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Саидхонов М. Дискурсив фаолият марказида шахс омили. // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 2015.
2. Худойберганава Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.
3. Тўла Т. Танланган асарлар. Т. 2020й.

Топшириқ. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўланинг “Парвона” шеърини ифодали ўқинг. У ҳақдаги фикрларингизни билдириг.

ПАРВОНА

Мукааррамага

*Парвонани кузатганмисиз,
Кўрганмисиз ёниб хок бўлганин?
Мен кўрганман уни мислсиз
Жанг ўтида ҳалок бўлганин.
Эшитганман жонидан кечиб
Ёр йўлида ўтга кирганларни.
Ўқиганман муҳаббатни деб,
Тикка туриб жон берганларни!
Аmmo-лекин ҳеч кўрмаганман
Бундай қаҳрамоннинг отини!
Ҳайиқмади ҳеч нарсадан у,
Дадил ёриб чиқди зулматдан!
Ёруғликка интилди мангу,
Ўшамасми ўртаган зотан!
Шу эмасми шундай салоҳият,
Юрак берган унга азалда!
Не фарқи бор ёнмоқ эса ният,
Ўтдами ё ўтли газалда!
Кимки ошиқ экан интилар нурга,
Нур - нажотдир,
Нур - ҳаёт мангу.
Бемухаббат не бор умрга,
Ёнмаса у, ёндирмаса у!*

Фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар:

1. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. Индекс луғат.
– Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти,
1961,1967.
2. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом
номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
3. Тўла Т. Танланган асарлар. Т.2020й.

НОТИҚЛИК САНЪАТИ АСОСЛАРИ

Р е ж а :

1. Нотиқлик санъати ва унинг ижтимоий ўрни.
2. Нотиқлик санъати асослари.
3. Ҳаққонийлик.
4. Лўндалик.
5. Мантиқийлик.
6. Ҳозиржавоблик ва бошқа муҳим санъатлар.

Таянч сўз ва иборалар: нутқ, асос, нотиқлик санъати, ҳаққонийлик, лўндалик, мантиқийлик, ҳозиржавоблик, санъат, тушунча.

Кишилиқ жамиятининг бирор бир жабҳаси йўқки, унда нотиқлик санъати ёки унинг элементлари қатнашмаган бўлса. Нотиқлик санъати камолотини таъминловчи сифатлар: ҳаққонийлик, лўндалик, мантиқийлик, мутаносиблик, услубий сайқалдорлик, бадий жозибадорлик, рангинлик, равонлик, замонавий долзарблиқ, ижтимоий-сиёсий салмоқдорлик, маънан етуклик, ашёвий далилланганлик кабилардир.

Нотиқлик санъатининг асосий фазилати унинг тўғри тузилишида. Нутқнинг тўғрилигига адабий тил меъёри бузилиши, тил имкониятларини яхши билмаслик, нотиқлик малакасининг етарли шаклланмаганлиги салбий таъсир кўрсатади.

Сифатли нутқ омиллари: она тили имкониятларидан самарали фойдаланиш, нутқни тил қоидаларига биноан тўғри тузиш. Талаффузнинг тиниклиги, ифодали сўз танлаш, гап грамматик қурилишининг тўғрилигида кўринади. Нутқ ҳаққонийлиги нотиқнинг ҳаётий тажрибаси, билими, сиёсий савияси, тафаккур даражаси, дунёқараши ва адабий-бадий диди билан боғлиқдир. Маданий нутқнинг асосий белгилари – ифодалилик, фикрни ҳиссий ифода этиш; Ифодалиликни таъминлашнинг лисоний усуллари, йўллари, тафаккур ва нутқ мутаносиблиги билан белгиланади.

Нотиклик маҳоратида амал қилиниши шарт бўлган оддий қоидалар:

1. Кимки эркин бўлса , у нутқ олдидан ҳаяжонланмайди. Нотик, аввало, жамоа билан эркин гаплашиш қобилияти ва малакасига эга бўлиши керак. Жамоа олдига чиқишдан олдин унда фикр пишиб етилган, нутқ бойлиги етарли бўлсин.

2. Яхши тайёргарлик – аъло нутқ гарови. Нутқ муддати қанча қиска бўлса, унга кўпроқ тайёргарлик кўриш лозим. Бир мавзу бўйича ҳал қилувчи фикрларни 5 дақиқада айтишингиз зарур бўлса, бу қиска нутқингиз чуқур асосланган бўлиши учун, шу мавзуда 2 соат нутқ сўзлагандагидан кўра кўпроқ тайёргарлик кўриш лозим.

Айни пайтда нотиклик санъатида шундай қоида бор: нима ҳақда гапирсангиз гапиринг, лекин 20 дақиқадан ортиқ эмас.

3. Гапириб ўйламанг, балки ўйлаб гапиринг. Нотиклик маҳорати – «гапни олиб қочиш» санъати эмас.

4. Сўз – кумуш, сукут – олтин. Тинглай олиш ҳам нотиклик санъати сирларидандир.

5. Ўз-ўзини ишонтириш машқи. Нутқ учун яхши тайёргарлик кўрганингиздан кейин, орқага қайтишга йўл йўқ. Мен аъло нутқ сўзлайман, дея ўзингизни ишонтиринг, вассалом.

6. Бошқалар юрагига ёқмоқчи бўлган ўтингиз, аввало, ўз юрагингизда ёнсин. Агар мавзу ёқмаса, яхшиси, ўз вақтида нутқдан воз кечинг. Агар сиз ўз-ўзингизга ишонмасангиз, унда тингловчининг ҳоли нима кечади?

7. Нутқ олдидан кўрқув бўлса, унинг сабабини аниқланг. Шунда кўрқувни енгиш осон бўлади.

8. Машқ учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланинг. Иш устасидан кўрқади. Биринчи навбатда ўз ходимларингиз олдидан нутқ сўзлаб кўринг. Бу ўзингизга ишонч ва қатъиятингизни кучайтиради.

9. Тинчлантирувчи машқларни ҳам унутманг. Нутқ сўзлашдан қамида 20 дақиқа аввал нутқингиз ҳақида ўйлашни тўхтатинг. Ўзингизни бошқа нарсаларга чалғитишга, ҳаяжонингизни босишга урининг. Эсда тутинг: нутқингиз қанчалар муҳим бўлса, ўзингизни шунчалар осойишта тутинг.

10. Нутқдан олдин камроқ овқат енг. Ҳаддан ташқари тўқлик фикрлаш ва нутқ сўзлашни қийинлаштиради.

11. Нутқдан аввал техник шароитни текширинг: микрофоннинг ҳолати, ёруғликнинг пастлиги ёхуд сиз ва тингловчиларингиз кўзини қамаштирарли даражадаги баландлиги яхши нутк сўзлашингизга ҳалал бериши мумкин.

12. Сиз матндан фойдаланмасангиз ҳам, нутқингиз матни ёнингизда бўлгани маъқул.

13. Тингловчиларингизга мурожаат шаклини танлаб олинг. Уларга ҳурмат билан мурожаат этинг. «Мен сизга айтсам...» шаклини эмас, балки, «Сиз ... олишингиз мумкин» шаклини қўлланг. Тингловчини сизнинг нимага лаёқатингиз борлигидан кўра, нутқингиздан нима олиши мумкинлиги кўпроқ қизиқтиради.

14. Борди-ю, ихтиёрсиз равишда бирорта қиёмига етмаган жумла ишлатсангиз, ҳавотир олманг. Баъзан бу қолиплаган жумлалардан кўра табиийроқ туюлиши мумкин. Нутқингизда бўлиниш бўлиб қолса, нокулай вазиятдан чиқиб кетишнинг қулай усуллари қўлланг: сўнгги сўзни такрорланг, ҳазиломуз танбех беринг ёки оддийгина хитобий (риторик) сўроқ қўйинг-да, нутк баёнини давом эттираверинг.

15. Ўз қатъиятингизни намоиш этиш учун қуйидаги усуллари қўлланг: нутқни қандай бошлаб, қандай тугаллашни ёдда тутинг; тингловчилар билан нигоҳ алоқаларини ўрнатинг ва кейин гап бошланг; аввалига баландроқ овозда гапиринг, зотан паст нутқ қатъиятсизлик ва ўзига ишончсизлик белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин; Сиз уларни кенг ва очиқ усулда амалга оширинг; шипга ва деразаларга қараб гапирманг, бу димоғдорликдек таассурот уйғотиши мумкин. Полга қараб гапирманг, бу ҳам қатъиятсизликдек туюлиши мумкин. Омма билан юзма-юз гапиринг. Жуда бўлмаса, сизни диққат билан тинглаётган бир тингловчини излаб топинг-да, унга тикилиб-тикилиб қараб, нигоҳингизни секин бошқаларга буринг. Шунда бошқаларнинг ҳам диққатини тортасиз; энг яхши нотик ҳам ҳаяжонланади. Бу – ижобий ҳол. Унутманг: сиз тингловчингизда туғдирган биринчи таассурот ҳал қилувчи аҳамиятга эга, охиргиси эса хотирада муҳрланиб қолади.

Ўзаро мулоқотга, фикр алмашувга муҳтожлик сезган инсонга тил ато этилди. Ёзув ихтиро қилиниб, оғзаки сўз хатга тушгунга қадар минг йиллар ўтди. Лекин инсон ёзиш-ўқишни ўрганганда ҳам, оғзаки сўзга, жонли мулоқотга эҳтиёжи сўнмади. Рухшунос

олимларнинг тадқиқотларига қараганда, ҳозирги замон кишиси ҳам ўзаро мулоқот сарф қилинадиган вақтининг учдан икки қисмига оғзаки мулоқот тўғри келади.

Оғзаки нутқнинг кучи ва унинг бошқа мулоқот турларидан устувлиги бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади. Жумладан, нотик нутқини лисоний воситалардан ташқари, энг нозик фикр ва туйғуларни ифода этиш имкониятини берувчи нутқ оҳанги ҳиссиёт билан уйғун бўлиши, нотикнинг ҳаракатлари, юз ифодаси (мимика) каби нолисоний воситалар ҳамда конкрет аудитория (тингловчи) хусусиятларини ҳисобга олиши билан таъсирчан қилишга, тўғри тушунишга ёрдам беради. Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳар қандай жонли мулоқот тил, ҳаракат, мимика, оҳанг ва яна бир қатор воситаларнинг ҳаракатчан ва рангли уйғунлигидир.

Доноларнинг фикрича, «Сўз – инсоннинг буюк қуролидирдан бири. Ўрнида, сидқидилдан ва вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади. У сўзловчининг ўзини кизиқтириб юбориши, уни ва атрофдагиларни ўз нафислиги билан маҳлиё этиши мумкин»¹⁴.

Нотик учун энг муҳим ва унинг маҳоратини намоён этувчи хусусият – тингловчилар билан мулоқот ўрната олишдир. Албатта, нутқнинг илмий-назарий мазмундорлиги, амалий натижаларга қаратилганлиги бирламчи аҳамиятга эга. Аммо нотик гапларига кулоқ солишмаса, аудитория нутқ сўзланаётган пайтда ўз хаёли ёки ишлари билан банд бўлса, бошқа сўзлар билан айтганда, нутқ аудитория диққатини жалб этмаса, у мутлақо самарасиз бўлади.

Психологларнинг таърифи бўйича мулоқот – нотик ва аудитория ўртасидаги умумий руҳий ҳолат.

Умумий руҳий ҳолат вужудга келиши асосий мезонлари эса – биринчидан ҳар икки томон бир хилда ақлий фаолият билан банд бўлиши, яъни бир хилдаги муаммолар устида бош қотиришлари, бир хилдаги масалаларни муҳокама қилишлари ва, иккинчидан, ўхшаш ҳисларни туйишлари керак. Бунинг учун эса нотик тингловчиларга нисбатан самимий ҳурмат билдириши улар билан тенг гаплашиши зарур.

¹⁴ Алимардонов Т. Сиёсий маданият. «Тафаккур» жур. 2-сон. Т., 2018.-Б.15

Нотик аудиториянинг руҳий ҳолатини эътиборга олиши, уни аввалдан ўрганиши лозим. Шунда тингловчиларнинг маъруза ёки суҳбатга қандай муносабат билдиришларини, мулоқот давомида қандай саволлар ёки муаммолар туғилишини, аудитория диққатини жалб этишнинг қандай шакл ва усулларини қўллаш мумкинлигини тахмин қилиш ва олдиндан белгилаш имконияти туғилади ва ҳ.к.

Аудиториянинг психологик таснифини қуйидаги мезонлар асосида тузиш мумкин:

- а) тингловчиларнинг ижтимоий ва демократик таркиби;
- б) уларнинг маданий ва касбий салоҳияти ва маълумоти.

Нотик одамларнинг қизиқиш доираси, кайфияти, эҳтиёжларини билиши лозим. Бу дегани, нотик уларга мослашиши эмас, балки қизиқиш ва эҳтиёжларини билган ҳолда аудиторияни ўзи тилга олган муаммо ва масалаларни тўғри тушунишига ёрдам бермоғи керак.

Нотик кўпинча «қоришиқ» аудитория билан иш кўради. Масалан, маҳалла аҳли йиғилишларида маълумоти, ақлий ва маданий салоҳияти, ҳаёт тажрибаси ёши турлича бўлган кишилар тўпланади, ёки маълум бир корхонада ҳам маълум соҳа мутахассислари билан бир қаторда оддий ишчи-ходимдан тортиб, турли лавозимларни эгаллаган ходимлар ишлайди ва уларни бирлаштирувчи айрим умумий эҳтиёж ва қизиқишлари бўлса-да, ёшу-қари, мансабдор шахсу оддий ходимнинг қизиқиш доираси ва эҳтиёжларини бир хил деб бўлмайди.

Лекин шунга қарамай нотик аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳларнинг психологик хусусиятларининг ўзига хослиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

Психологик хусусиятларнинг ўзига хослиги у ёки бу демографик таркиби устун бўлган аудиторияларда яққол кўзга ташланади. Жумладан, аёллардан иборат аудитория нотикқа бир талабни қўйса, эркаклардан иборат аудитория бошқа талабларни қўяди. Масалан, аёллар кўпроқ образли гапларни, ёрқин мисолларни ва қизиқарли фактларни хуш кўрса, эркаклар ҳам ёрқин нутқни қадрласалар-да баённинг маантиқийлилигига эътиборли бўладилар.

Ёшлар аудиторияси нотикқа алоҳида талаблар билан ёндашадилар. Масалан, бугунги ёшлар мустамлакачилик балоси, шўролар истибдоди, миллий ғурурнинг топталиши ва ҳ.к. ҳақида

фақат кинофильмлар ёки китоблар орқали тасаввурга эгалар. Баъзан иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланган оилада ўсган ёки ўз маблағларига эга бўлган ёшларда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжлар ўзаро мувофиқ тарзда намоён бўлиш ўрнига моддий эҳтиёжларни биринчи навбатда қондиришга интилиш намоён бўлади. Бу албатта аудиториянинг ўзини тутишида акс этади. Масалан, нотик баён қилаётган фикрларга истеҳзоли муносабат, умумэътироф этилган фикрларни ёки тушунчаларни инкор этиш каби ҳолатларга ёшлар аудиториясида кўп дуч келинади.

Бундай шароитларда жиддий ва ўткир масалаларни кўтаришдан қочмаслик керак, зеро, юқорида зикр этилган кайфият ёшларнинг дунёқарашини ёки фикрларининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини белгиламайди ва кўпроқ уларнинг ёшлиги, тарбияси, ўз иқтисодий, сиёсий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ англаб етмаслиги билан боғлаш мумкин.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Нотиклик маҳоратидаги асосий қоидалар ҳақида сўзланг.
2. Нотиклик маҳорати - "гапни олиб қочиш" санъати эмас деган иборани мисоллар асосида далиллаб бering.
3. Психологик хусусиятларнинг ўзига хослиги ҳақида нималар биласиз?
4. Қиёмига етмаган жумла ишлатилиб юборилганда қандай йўл тутиш лозим?
5. Нутқ сўзлаш жараёнида нотик овқатланиш меъёрига амал қилиши шартми?
6. Нотик ўзида ишонч ва қатъиятини кучайтириш учун қандай машқларни бажариш фойдали ҳисобланади?
7. Оғзаки нутқнинг кучи ва унинг бошқа мулоқот турларидан устуңлиги қандай хусусиятлар билан белгиланади?
8. Аудиториянинг психологик таснифи қандай мезонлар асосида таснифланади?
9. Ёшлар аудиториясида нотик нималарга эътибор бериши даркор?
10. Баъзи ҳолатларда ёшлар нотик фикрини инкор этишларига нима сабаб бўлиши мумкин?

Топширик. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўланинг Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоевага бағишланган “Бойчечак” шеърини ифодали ўқинг. Шеър ҳақидаги фикрларингизни санъаткор ҳаёти ва ижоди билан боғлаб оғзаки ва ёзма матн тузинг.

БОЙЧЕЧАК

Мукаррамага

*Қаттиқ ердан қазлаб чиққан бойчечак,
Бўтакўздек бўзлаб чиққан бойчечак,
Бахтим бор деб сўзлаб чиққан бойчечак,
Қатта йўлни кўзлаб чиққан бойчечак,
Сен бойчечак, мен бойчечак, бойчечак,
Назокатга, нафосатга бой чечак!*

*Бойчечаким даста-даста бойланди,
Ватанимнинг чаманига айланди,
Назокатнинг нашидаси нозланиб
Унинг нозик юрагига жойланди!
Сен бойчечак, мен бойчечак, бойчечак,
Назокатга, нафосатга бой чечак!*

*Бойчечакдек баҳор бўйи сочди у,
Баҳор бўйлаб тошқин сувдай тошди у,
Қанот қоқиб баҳор мангу богида
Нафосатнинг эшигини очди у!
Сен бойчечак, мен бойчечак, бойчечак,
Назокатга, нафосатга бой чечак!*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Апресян Г.З. Орагорское искусство. — М.: Издательство Московского университета, 1972.
2. Востоков В. Секреты целителей востока. — Ташкент: Ўзбекистон, 1994.
3. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1982.

НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ БЕЛГИЛАРИ

Режа:

1. Нутқнинг асосий коммуникатив белгилари.
2. Нутқнинг тўғрилиги.
3. Нутқнинг аниқлиги.
4. Нутқнинг мантиқийлиги.
5. Нутқнинг тозаллиги.
6. Нутқнинг таъсирчанлиги.

Таянч сўз ва иборалар: нутқ, матн, ташқи кўриниш, намунавий нутқ, талаб, тўғрилиқ, мантиқийлик, чиройлилик, ёрқинлик, таъсирчанлик, жозибадорлик, образлиқ, ортология, нотиклик санъати, Цицерон, Дионис, Хусайн Воиз Кошифий, фонетик, лексик, грамматик, урғу, морфологик ва синтактик чалкашлиқлар, таъсир, руҳият, тилдан ташқари омил, мавзу, мувофиқлик, руҳий вазият, аудитория, билим, саводхонлик, самимият, эътибор, субъектив мулоҳаза, нутқ режаси, нутқий машқ.

Нутқ – сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши, тил ҳодисаси, руҳий ва эстетик ҳодиса. Мақсад: тингловчи ва китобхонга кўзда тутилган мақсаднинг, айтимокчи бўлган муддаонинг тўлиқ бориб етиши, уларга маълум таъсир ўтказиш.

Кўйиладиган талаблар: грамматик жиҳатдан нутқнинг тўғри бўлиши, сўзлар кўзланган маънони аниқ акс эттиришини, чиройли, ёрқин ва таъсирчан бўлиши.

Нутқ ҳақидаги таълимот – ортология.

Қадимда нутқнинг бу жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. Римликлар намунавий нутқнинг сифатларини ўзида акс эттирувчи қондалар ишлаб чиқишган.

Цицероннинг фикрича, аниқлик ва тозалик нутқ учун шунчалик зарурки, уларни асослаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Аммо нотик тингловчиларни ўзига жалб қилиши учун бу сифатлар ҳали етарли эмас. Бунинг учун нутқ жозибадор бўлиши ҳам керак.

Дионис Галикарнас нутқда мақсадга мувофиқликни муҳим деб ҳисоблаган.

XV-XVI аср Марказий Осиё маънавиятининг улкан намоёндаси ҳисобланган **Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий** ҳам «Футувватномаи султоний» асарининг «Тарикат аҳлининг одоби» деб номланган бешинчи бобида нутқнинг бу фазилатлари ҳақида муҳим фикрларни илгари сурган.

Агар нутқ маълум вазият ва шарт-шароитларда амалга оширилишини назарга олинса, бунда жой, вақт, мавзу ва мулоқот жараёнининг мақсади каби омиллар катта аҳамиятга эга бўлади. Хуллас, маънавияти ва маданияти шаклланган халқлар учун нотиклик санъати инсон фаолиятида муҳим омиллардан саналган ҳамда асосий эътиборни нутқнинг яхши бўлишига қаратган ўз назариётчилари ҳам бўлишган.

Нутқнинг асосий хусусиятлари: тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, таъсирчанлик, образлиқлик, тушунарлиқ ва мақсадга мувофиқликдир.

Нутқнинг тўғрилиги. Тўғрилиқ деганда нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шарти сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган меъёрининг қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, орфографик, луғат ва грамматик меъёрларини эгаллаш тушунилади. Нутқнинг тўғри бўлиши дастлаб унинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келишидир

Мисоллар: *олма* – *о*лма, олма**; *қа*тлама* – *қатлама**, *ҳо*зир* – *ҳози*р, йигитча** – *йиги*тча, ўқувчи*миз* – *ўқувчими*з, я*нги* – *янги** каби. *Мен чой ичдим. Онасиз бола ўйнамас.*

Нутқ жараёнида маънони тўғри англатиш учун сўздаги бўғин, гаптаги сўз урғусининг тўғри ишлатилишига эътибор қилишимиз лозим.

Нутқ жараёнида морфологик ва синтактик чалкашликлар тез-тез учраб туради. Абдулла Қаҳҳор, «Санъаткор»: *Пожарни гугуртни ерга ташламанг деди, режиссёримиз эса гугуртнинг ерга ташламанг деди. Қандай чиройлик! Пожарними, Пожарнингми? Шошма, нима учун пожарни? Пожарни, албатта!*

Нутқда сифат ясовчи –ли ва –лик, феъл ясовчи –каз ва –қаз кўшимчалари ҳам баъзан фарқланмаяпти: *хоразмлик пахтакорлар – хоразмли пахтакорлар ёки гуручли овқат – гуручлик овқат; электр линиялари ўтказиш – дарахт кўчатлари ўтқазиш.*

-лар: дадамлар келдилар.

келинг: самимият, пичинг, масхаралаш, норозилик каби оттенкалар фақат оҳанг ёрдамидагина реаллашади.

• **Хулоса.** Она тили хазинасидан керакли грамматик шаклларни танлаш ва уларни жой-жойида ишлатиш, нутқни тўғри тузишга эришиш, ҳар бир тил бирлигини ўрнига қўйиб талаффуз қилиш нутқ маданиятининг асосий талабларидан саналади.

Нутқнинг аниқлиги. Нутқ олдида у аниқ бўлиши керак деб талаб қўйилганда, тил бирлиги ҳамда у ифодалаётган табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мувофиқлик тушунилади. Аниқлик – бу сўзнинг ўзи ифодалаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси А.Қаҳҳор Маъруф Ҳакимнинг «Қаҳрамоннинг ўлими» ҳикоясини таҳлил қилганида *Ботир белига қатор бешта бомба қистириб...*, *Қўлида бомба ушлаган ҳолда кўчага югурди жумлаларидаги бомба сўзининг нотўғри қўлланганлигини, ёзувчининг бомба ва гранатани фарқламаслигини танқид қилади.* А.Қаҳҳор: *Ботир «Султон аканинг оёқларини силаганда қўлига елимга ўхшаган бир нарса ёпишганлигини сизди: қоронғида нима эканлигини билолмай қолди». Шу ернинг ўзида «Женя... йигитнинг кўзига узоқ тикилиб қолди». Қўлга теккан қон кўринмаган қоронғида кўз кўринадими [Қаҳҳор А. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент, 1968, 44-46-бетлар].*

Нутқнинг мантикийлиги деганда яхлит бир тизим асосида шаклланган, фикрлар ривожини изчил бўлган, ҳар бир сўз, ибора аниқ, мақсадга мувофиқ равишда юзага келадиган нутқ тушунилади

Мисоллар: *Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатга сун сотиши режаларини мuddатдан олдин бажардилар* (газетадан). *Энди куй ва рақслар тинглаб, дам олинг* (Телевидениедан). *22-мактаб буфетчиси Тожи Иброҳимов бир китобга 5 тийиндан кўйиб сотмоқда* («Муштум» журнали). *Эркак пайпоқлар нархи 30 фоизга арзонлашди* («Муштум» журнали).

Мантик талабига кўра нутқда гаплар ўртасида изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчисида давом эттирилиши лозим бўлади. Бу ҳол маълум бир фикрнинг тугашига қадар давом этиши керак. Гаплар ўртасида фикрий изчиллик йўқолиши билан мантикийликка ҳам путур етиши мумкин. А.Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясидаги қаҳрамон — «нафис адабиёт муаллими» Боқижон Бақоевнинг нутқи бу ўринда характерли мисол бўла олади: — *Чеховми? Ҳимм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиши керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни...ҳимм. Муқаррам, товуққа мояк кўйдингми? Кўйиши керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади...Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ — мояк кўйсанг тугади! Нима учун мояк кўйсанг тугади? Хўроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсизларми?*

Бадий асарларда гапнинг қурилишидагина эмас, балки алоҳида олинган сўзлар ўртасидаги логик-грамматик муносабатда ҳам изчиллик бузишгандай бўлиши мумкин, аммо бунга йўл қўйилади: *қайғули қувонч, ожиз жасорат, тотли азоб, буюк аҳмоқлик* каби. Бундай иборалар асосан бадий адабиётда учрайди.

Нутқнинг тозалиги деганда унда тил элементларининг ишлатилишида адабий тил меъёрларига амал қилиш-қилмаслик тушунилади.

Диалектизмлар, варваризмлар, канцеляризмлар, паразит ва вульгар сўзлар нутқимизнинг тоза бўлишига халакит бераётган лингвистик элементлардир.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги рухий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳим саналади.

Нутқнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида нотикнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, жест ва мимикалари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам аҳамияти бор. *Самимийлик, хушмуомалалик, одоблилик, аудиторияга ҳурмат билан қараш* каби фазилатлар нутқнинг тингловчилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ҳақидаги гап, маълум маънода, нутқ сифатлари ҳақида айтилган мулоҳазаларга яқун ясашидир.

Хулоса. Яхши нутқ сўзловчи ва ёзувчидан саводхонликни, катта меҳнатни талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Умуман, нутқ аниқ ва раvon, грамматик жиҳатдан тўғри шаклланган бўлиши ва орфоэпик талаблар даражасида талаффуз этилиши, бошдан охиригача изчил баён қилиниши лозим бўлади. Ана шундай нутқина тингловчи ва ўқувчи қалбига бориб етади. Шундай нутқина маданий нутқ талабларига жавоб беради. Бунинг учун эса ёзувчидан ва омма олдига чиқиб нутқ сўзлайдиган кишидан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш, муттасил нутқий машқ талаб қилинади.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Нутқнинг тўғрилиги деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқ аниқлиги талабларини тушунтириб беринг.
3. Нутқнинг манتيқийлиги тилдан бошқа яна нималарга боғлиқ?
4. Ўзбек тилининг софлик даражасини изоҳланг.
5. Тилнинг таъсирчан воситаларини бадиий адабиёт матнидан олинган мисоллар асосида кўрсатинг.

Топшириқ. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Раққоса” шеърини ўқинг. У ҳақдаги фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

РАҚҚОСА

*Базм аро ноз бирла жонон ўйнаса,
Не ажсаб, жисмим аро жон ўйнаса.*

*Силкиниб гуллар чаманда уйғонур,
Қарси бармоқ бирла хандон ўйнаса.*

*Оқ нилуфар сувда оққандек эрур,
Оқ кийиб сокин хиромон ўйнаса.*

*Ногихон кўнглимда ёнгай минг чироқ,
Нур сочиб хуршиди тобон ўйнаса.*

*Даврада ўйнар пари, андоқ бўлур,
Ой тўлиб юлдузли осмон ўйнаса.*

*Кўлда оққуш рақси бундоқ бўлмагай,
Бунча бўлмас тоғда жайрон ўйнаса.*

*Онча мушкоро эмас гулшан аро
Ел туриб жамбулу райхон ўйнаса.*

*Кўз сузиб кўзимни ҳайратга солур,
Маст қилур бошимни мастон ўйнаса.*

*Рақсини соғинди жон, оҳ келсаю
Дил уйида бўлса меҳмон, ўйнаса.*

*Зарра армон қолмагай кўнглимда ёр –
Қолмайин кўнглида армон ўйнаса.*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.:Издательство Московского университета, 1972.
2. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
3. Қўнғуров Р.Тожиёв Ё. Нутқ маданияти – Т: Камалак, 1992.
4. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент, 2007.

МОНОЛОГ ВА ДИАЛОГНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Р е ж а:

1. Монолог ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Диалог ва унинг ўзига хос белгилари.
3. Нотикликда монолог ва диалогнинг ўрни.

Таянч сўз ва иборалар: монолог, диалог, пьеса, драма, суҳбат, мулоқот, ҳаракат, фаолият, гурунғ.

Монолог юнонча *моно* сўздан олинган бўлиб, бир, якка, ягона деган маъноларни англатади, *лог* – *logos* – сўз, нутқ маъноларини англатади. Саҳна ёки бошқа адабий асар иштирокчиларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган, жавоб талаб қилмайдиган нутқи, монолог. “Навоий” пьесасидаги Навоий монологи, Ҳамзанинги “Бой ила хизматчи” спектаклидаги Ғофир монологи...¹⁵.

Ҳар бир монологик нутқий вазият сўзловчидан алоҳида бир муносабатни ва масъулиятни талаб қилади. Айни пайтда, умумий бўлган қоидалар ҳам мавжуд. Бу дастлаб сўзланадиган нутқнинг қолипи – қаерда ва қандай вазиятда сўзланишидан қатъий назар, ҳар бир нутқ маълум режа асосида бўлиши, аудитория, вақт ҳисобга олинishi лозим. Бошқача айтганда, нутқ сўзлашдан маълум мақсад бўлиши ва бу мақсад амалга ошиши зарур. Бунинг учун тингловчиларга таъсир ўтказиб, таъсир ўтказиш учун эса тилдан фойдаланишнинг ҳам, ўзини тутишнинг ҳам таъсирчан воситаларидан фойдаланиш керак бўлади.

Адабий асарда монологнинг ички кўриниши характерли бўлиб, бадиият манфаати нуқтаи назардан улар алоҳида вазифани бажаради. Шунинг учун Саид Аҳмад: “Ёзувчи фақат қаҳрамоннинг тилидагини ёзмай, уни ичидан ҳам гапиртира олиши керак. Чунки ичидан гапиртирилганидагина, қаҳрамоннинг ички олами очилади. Қаҳрамоннинг ички оламини, ичидаги оҳангни, ички дардини ёзувчи ўз тили билан олиб чиқади”¹⁶, деган эди.

¹⁵ ЎТИЛ, 2- жилд, Б-614.

¹⁶ Саид Аҳмад. 2- жилд, Б-614.

Дарҳақиқат, ёзувчи қўлида ички монолог қаҳрамон қиёфасини ўқувчи кўз олдида бутун борлиғи ва мураккаблиги билан гавдалантиришга хизмат қила оладиган кучли бадиий восита бўла олади. "Шайтанатдаги Асадбек ўқувчи кўз ўнгида ҳар ишга кодир бўлган қудратли киши сифатида намоён бўлган. Аммо у ҳам барча катори оддий инсон. Бедаво дард - саратон касалига йўлиққанида унинг хаёлидан ўтган кечинмаларни ёзувчи қуйидагича ифодалайди: "Тўйиб -тўйиб нафас олишга зор бўлиб ўламан. Жоним йўтал билан чиқса, ўлганимни билмай ҳам қолишади. Биров хабар олгунча сасиб ётавераман. Жағимни тангишади, оёқларимни боғлашади. Дод-вой... Ким йиғлайди? Ўғилларим узоқда. Зайнаб дод солар балки... Яна бир-икки хотин қўшилар... Хотинларнинг ёлгондан бўлса ҳам йиғлаб тургани яхши. Бўлмаса бу уйдан ўлик чиққанини биров билмайди. Хотинларнинг йиғисисиз ўликнинг ҳам файзи бўлмаса керак, Манзура етиб келса, бу ёгини ўзи эплаштиради! Йў-ўқ ... у йиғламайди. Жалилнинг онаси ўлганмиди... ҳа, ўшанда йиғисини эшитиб "Додлашни ҳам ўрнига қўяр экансан, ўлсам мазза қилиб эшитиб ётаман" деб ҳасратлашганимда "вой адаси, хотинлар эрига йиғламайди, айб бўлади", деган. Қизиқ, нима учун айб бўлади? Манзуранинг йиғлаши шарт ҳам эмас. Балки ... қутулганига шуқур қилар?.. Менга текканидан бери боши ташвишдан чиқмайди. Энди яйрайман, деганида болаларни ўқишга жўнатдим. Кейин чет элга юбордим. Уларни соғинди. Соғинди-ю, "соғинаятман", деб зорланишга мендан кўрқди. Қизиқ... урмасам ҳам мендан кўрқади-я... Зайнабнинг ташвиши уни тамом қилди. Яхши ҳамки кейинги воқеалардан узоқроқда. Билса юраги ёрилиб кетарди. Келинларини бошлаб келиб, роҳат кўраман деганида мен чўзилиб ётсам... Бир ҳисобдан у келгунича жўнаворганим ҳам яхши."

Асадбек қанчалик мағрур инсон бўлмасин, у ҳам ўлимга тан беришга мажбур. Мана шундай пайтда атрофдагилари бирма - бир унинг кўз олдидан ўтади. Инсон характеридаги мана шундай ожизликни очишда ички монологнинг хизмати ва вазифаси каттадир.

Ҳаётимизнинг турли даврларида, турли вазиятларда тилдан турлича фойдаланамиз. Масалан, оила аъзоларимиз билан гаплашаётиб қўллаган тил бирлигини, ўқитувчи билан бўладиган

суҳбатда қўллай олмаймиз. Биринчи ҳолда биз сўзлашув услубидан фойдаланамиз. Кейинги жараёнда эса расмий оҳанг етакчилик қилади.

Маълум мақсад ёки ғояни тингловчига етказиш мақсадида тил материалларидан саралаб фойдаланиш натижасида нутқлар ўртасида юзага келган фарқлар нутқ услублари дейилади. Нутқ услубларининг барчасида монологлар учрайди. Аммо монолог сўзлашув услубида нисбатан камрок, бадий ва илмий-китобий, расмий-идоровий услубларда кўпроқ яратилади.

Нутқ услублари дастлаб икки турга ажралади. Сўнгра ҳар иккиси яна турларга бўлинади.

I. Оғзаки услуб

Сўзлашув услуби. Бу услубда монологлар жуда кам бўлади. Бўлганлари ҳам асосан оғзаки кўринишда учрайди. Уларда нутқ бирликларидан эркин фойдаланилади. Аксарият ҳолларда грамматик талаб бузилиши мумкин. Асосий эътибор мазмунни тингловчига етиб бориши ҳисобланади. Турли драматик кўрсатувларда қаҳрамонларнинг ички монологлари берилади. Масалан, “Турмуш чорраҳалари” туркум кўрсатувларида қаҳрамонларнинг хаёлидаги фикрлари сўзлашув услубига хос бўлади.

II. Ёзма услуб

I. Бадий услуб. Бадий услуб нутқнинг бошқа услубларидан дастлаб ўзининг образлилиги ва эстетик таъсир этиш вазифаси билан ажралиб туради. Бадий нутқда тил лексикасининг ҳамма қатламлари иштирок этади. Айниқса, монологлар кўп ҳолларда бадий услубда яратилади. Шоирларнинг шеърлари, қисса ва романларнинг тасвир, тавсиф қисмлари ташқи монолог турларига, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, хаёлидаги кечинмалар эса ички монологга мансуб бўлади.

Бу услубда тил воситалари образ ва манзаралар яратади, кишиларга эстетик озиқ бериш учун хизмат қилади. Шунинг учун ундан бадий асар яратишда ёзувчи - шоирлар жуда унумли фойдаланишади. Бадий услуб учун шахсий образли сўз ишлатиш характерлидир. Ҳар бир муаллиф ўзига хос сўз ишлатиш

усулларидан фойдаланади. Бу билан асарнинг ўқишли бўлишини таъминлашга интилади. Бадий нутқ ҳамма нарсанинг янги, оҳори тўқилмаган, бошқалар қўламаган бўлишини хоҳлайди. Шу туфайли шоир ва адиблар ҳаммага маълум тил воситаларидан ўзларигагина хос усулда фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Шахсий образлилик публицистик услубда ҳам бордир. Образлилик сўзлашув услубида ҳам бўлади. Лекин улар кўпчилик томонидан кўп марталаб ишлатилган, “котиб қолган”, “қолиплашган” ҳолда амал қилади. Бадий услуб образлилик янги, ширадор бўлади. Чунончи, Уйғуннинг сўз қўллашдаги ўзига хослиги, бадий воситаларнинг янгилиги қуйидаги шеърини парчада яққол кўриниб туради:

Таниқли ўзбек шоири Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” шеърини ўқиётиб, муаллифнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳоратидан ҳайратга тушамиз. Шеър ҳажман мўъжазгина, мансура шаклида ёзилган:

Кўк – дастурхон, оймомо – нон муқаддас. Тезрасида сочилишидир ушоқлар. Топтай олмас изгиса ҳам басма-бас, турли номлар олиб учган учоқлар.

Еб кўёлмас шарт синдириб ҳеч инсон, ҳеч қандай куч теролмас бу ушоқни. Тупуролмас – муқаддас бу дастурхон, эзилолмас ҳеч кимсанинг оёғи.

Улуғ мутафаккир фарзанд одоби ва бурчи ҳақида ёзганида, унинг ҳаётига, туну кунига нур бериб турадиган ота-она эканлигини, уларнинг ойу қуёшдай яқкаю яғоналигини, қошида ҳамипша фарзандлик бурчини аъло даражада адо этиши шарт эканлигини таъкидлайди:

Бошни фидо айла, ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирини ой англа, бирини қуёш.

Аъзам Ўктам кўк айланасини дастурхонга, ойни эса нонга қиёслайди. Шоир тасавурида дунёнинг энг ноёб яратиги ой бўлса, Ҳазрат Навоийда унга тенглашадиган кудрат ва юксаклик бор. Аъзам Ўктам сўз мулки султонининг илоҳий - ҳаёлий ҳайратини ҳаётий таълимга уйғунлаштиради. Осмоннинг, ундаги ой, юлдузлар

(ушоқлар) кўриниши, фазовий ҳаракати ойга муштарак тасвирланган.

Бадий услубга хос яна бир хусусият такрор ишлатилган сўзларнинг бўлишидир. “Шундай ўлка доим бор бўлсин, Шундай ўлка элга ёр бўлсин” (Ҳ.Олимжон), “Тонг яқин, тонг яқин, оппоқ тонг яқин” (Ғ.Ғулом). Сўзларни такрор қўллашдан мақсад ўқувчини ҳаяжонга солиш, унга завқ улашишдир. Такрорларнинг сатрбоши (анафора: Асаблар, Асаблар, асаблар, Сабабсиз сочилган ғазаблар (Э.Воҳидов); сатр ўртаси: Бунда булбул китоб ўқийди, Бунда куртлар ипак тўқийди (Ҳ.Олимжон); каби турлари бўлиб, улар шеърятда кенг ишлатилади.

2. Илмий услуб. Бу услубда монологнинг кўпроқ илмий мақола, илмий маъруза, монография каби турлари учрайди. Улар табиат ва ижтимоий ҳаётдаги барча нарса ҳамда ҳодисалар тўғрисида аниқ, асосланган, изчил маълумот беришда қўлланади. Унда нарса-ҳодиса моҳиятини таърифлаш, таҳлил қилиш, сабабини аниқлаб далиллар билан исботлаш ва асосли натижаларни баён этиш муҳим ҳисобланади. Физика, математика, она тили ва адабиёти, тиббиёт, кимё, информатика, ботаника, тарих каби фан соҳаларидаги қонда, таъриф ва илмий хулосалар шулар жумласидандир. Масалан: “*Агар бўлинувчи ва бўлувчи айни бир натурал сонга қўнайтирилса (ёки бўлинса), бўлинма ўзгармайди*”. “*Ўсимликларнинг ташқи муҳитга ҳар хил шаклда мосланишига ҳаётий шакл дейилади.*”

Махсус атамалар бу услубнинг лексикасини ташкил қилади, унда адабий тил меъёрига қатъий риоя этилгани ҳолда мажхул нисбатидаги феъллар ва мураккаб қурилишли гаплар кенг ишлатилади. Масалан: физика фанига оид *динамика, диффузия ҳодисаси, инерция ҳодиса, электр токи, Ньютон қонуни, атом, ядро, заряд*; она тилига оид *фонетика, лексика, от, сон, олмош, феъл, грамматика, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, лингвистика, метафора, метонимия, синекдоха*; одам анатомиясига оид *бош суяги, тос суяги, мускул, юрак, аорта* каби атамалар мазкур соҳаларнинг лексикасидаги ўзига хосликни ташкил этади.

Илмий услуб билимнинг турли соҳаларига қараб, шунингдек, кимга мўлжалланганлигига нисбатан ўзаро фарқланади. Масалан,

академик билимлар фан соҳаларидаги маълум бир йўналишнинг деярли барча томонини қамраб олади ва ўз кўлами, лексикасининг мураккаблиги билан фақат шу соҳа ходимларига мўлжалланган бўлади. Унда муайян шартли белги, формула, баён қилиш материали кўзга ташланади. Бундай матнни оддий киши тушунишга қийналади.

Илмий услублардаги китоблар илм-фанга оид маълумотлар бериш билан мутахассисларгагина мўлжалланиши ёки бундай илмий маълумотлар кенг оммага қаратилган бўлиши мумкин. Эмоционаллик, образлилик мавжуд бўлган услуб илмий-оммабоп услуб саналади. Илмий услуб шу хусусияти билан оммабоп услубга яқин туради. Телевизор, радио, газета-журналларда бериладиган илмий мақолалар илмий-оммабоп бўлиши талаб қилинади. Илмий-оммабоп услубда махсус атамалар кам ишлатилади (ишлатилганда эса изоҳ берилади), фикрлар кизиқарли ифодаланади. Масалан, дунёга машҳур “Жилловланмаган Африка”, “Экспедиция”, “Кусто командасининг сувости саргузаштлари” каби илмий-оммабоп фильмларда фактлар содда тилда тушунтирилади, баёнда образлиликни таъминловчи бадий тасвир усулларидан фойдаланилади.

3. Публицистик услуб. Хабар монологлари публицистик услубда яратилади. Шунингдек, унинг эссе, қатра каби турлари учрайди. Газета, журнал, телевидение ва тарғибот-ташвиқот ишларида шу услубдаги монологлардан фойдаланилади. Унда ўрни билан бадий услуб, илмий услуб ёки расмий-идоравий услуб ҳам бир матнда кетиши мумкин. Лекин услубнинг асосий номи публицистик услуб бўлиб, ижтимоий фаолиятга боғлиқ деган маънони англатади.

Бу услубдаги монологларда шакланган матнларда образлилик, таъсирчанлик, тасвирий воситалар кўплиги билан бадий услубга яқин. Масалан, мақола, эссе каби жанрлар бадий услубга жуда яқин туради. Айни пайтда ихчамлик, аниқлик, лўндалик ва атамалар кўплиги билан илмий услубга ўхшашдир. Шунингдек, шевага хос сўзлар, арго ва жаргонлари билан сўзлашув услубига мос келиши мумкин. Лекин публицистик услуб ижтимоий-сиёсий доирадаги муносабатлар учун хизмат қилиши, тарғибот ва ташвиқот

ишларида кўлданиши, замонасозлиги, ҳозиржавоблиги каби хусусиятлари билан бошқа услублардан фарқ қилади. Шунинг учун бу услуб тилида риторик мурожаат, риторик сўроқ, ундов каби стилистик усуллардан кенг фойдаланилади. Масалан, ижтимоий ҳаётдаги нуқсон ва камчиликни очиб бериш учун публицистиканинг фелъетон жанри жуда қулайдир. Бошқа услубларда бундай имконият йўқ. Ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабатни ифодалаш учун эса мақола кўл келади. Масалан: *Вақт олий ҳакам деймиз. У воқеа-ҳодисалару, ижтимоий эсараёнлар устидан ҳаммиша ўзининг одил ҳужмини чиқаради. Шу маънода мустақиллигимизнинг ўттиз йили мобайнида босиб ўтилган йўлларимизга бир назар ташласак, тарихан қисқа даврда тараққиётнинг қандай даражасига эришганимиз кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.*

4. Расмий услубда монологнинг тавсиф, таржимаи ҳол каби турлари кўп тақалган. Уларда ҳужжатчилик характери етакчилик қилади. Яъни, тавсифномалар маълум юридик ҳужжат асосида тайёрланади. Тавсифнома келтирилган аксарият маълумотлар маълум ҳужжатга асосланади. Шунингдек, расмий услубдаги монологда фикр аниқ ифода қилинади, бир хил қолиш ва тайёр синтактик бирликлардан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, деярли барча тавсиянома, таржимаи ҳолнинг кириш қисмида аниқ шахсга тегишли шахсий маълумотлар ёзилади.

Фикрнинг содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий услубдаги монологларнинг асосий талабларидир. Масалан, “Мен, 1993 йилда Фарғона шаҳрида туғилганман. 2000 йилда шаҳардаги 10-ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилиндим”.

От ва феълнинг ишлатилиши бошқа услубларга караганда кўпдир. Масалан, “Мен, Аҳмедов Равшан, Фарғона шаҳар, Маърифат маҳалласи, Бобур кўчасида яшайман. Мазкур гапда 8 та от, 1 та(мен) олмош, 1 та феъл қатнашмоқда. Шунингдек, феълнинг олдини олиш, чора кўриш, айбни очиш, ҳукм чиқариш, каби ҳаракат номи; кўрилади, бажарилади, борилади каби мажҳуллик нисбати; шарт, берилсин, бўшатилинсин, тайинлансин сингари буйруқ-истак майли шакллари фаол кўлланилади.

Бу услубда уюшиқ бўлакли содда гаплар кенг қўлланиб, айрим ўринларда бўлақлар сони 8-10 тага етиши мумкин: Темирова Дилноза факультетда ўқиш давомида ўзининг тиришқоклиги, аъло ўқиши ва намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнак бўлди.

Умуман олганда, монологлар нутқ услубларининг асосан бадий услубида ўзининг барча хусусиятини намоён этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ички имкониятларга эгаки, улар алоҳида тадқиқотлар мавзуси бўлган.

Диалог (юн. dialogos, ya`ni di – икки, logos – сўз, нутқ маъноларини англатади.)

1. Икки киши ўртасидаги оғзаки мулоқот, суҳбат.

2. Адабий асарда икки ёки бир неча персонажлар ўртасидаги гаплашув, суҳбат.

3. Икки ёки бир неча киши ўртасидаги узлуксиз суҳбат, гаплашув шаклида ёзилган адабий асар. (“ЎТИЛ” 1- жилд, 604- б.)

Диалогик нутқ ҳам инсоннинг мулоқот шакли ҳисобланади. Инсон нутқи сифатида диалогик нутқ ҳам амалда бўлган муомала этикаси ва тамойилларига бўйсунди. Икки киши ўртасидаги ҳар қандай суҳбатни диалог сифатида эътироф этиш мумкин. Аммо бу нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ана шу икки киши ўртасида юзага келган суҳбат жараёнида очилади. Суҳбатнинг мақсади ва мавзуси, суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати, ёши, жинси, дунёқараш, билими, жамиятда тутган ўрни, мавқеи диалогик нутқнинг мазмунини белгилайди. Шундан келиб чиқиб, ундаги тилдан фойдаланиш хусусиятларини ҳам аниқлайди.

Мисол учун, ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романидан олинган қуйидаги парчаларни олиб кўрайлик:

Гиёҳванд йигитлардан бирининг настки лаби осилган, кўзлари чақчайган, иккинчисининг қарашлари совуқ, ўнг юзида узун тиртиқ бор эди.

- Билагингни кўрсат, - деди Зоҳид тиртиққа.

У “шу ҳам ишми дегандай” эринибгина курткасини ечиб, кўйлагининг энгини шимарди. Лаби осилган йигитнинг ҳам билагиди игна излари бор эди. Уларнинг гиёҳвандлигига Зоҳидда шубҳа қолмади.

- Кукунни қаердан олардиларинг?-деб сўради Зоҳид.
- Братанга айтганмиза, қаёқдан оғанувзани, - деди лаби осилган йигит.

- Менга ҳам айт.

- Лола кўчасида, ўн еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.

- Икковинг бирга борганмисан?

- Бир хил пайтда мен борардим, бир хил пайтда у борарди, бир хил пайтда иккалавуза борардик.

Нутк парчасида тил бирликларидан фойдаланишга эътибор берсак, суҳбат асосан савол-жавоблардан иборат. Яъни, гапларнинг маълум қисмини сўроқ гаплар ташкил этади. Улар тузилишига кўра содда ва тўлиқсиз гаплардан иборат. Тўлиқсиз бўлишига сабаб, ундаги маъно аввалги гапдан ёки умуман суҳбат мазмунидан англашиляпти. Шунинг учун эга ёки бошқа бўлақлар бўлмаса ҳам гап тушунарли бўляпти. Айрим гапларда узилишлар рўй берган. (Лола кўчасида, ўн еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.) Бинобарин, узилишлар ҳам аниқ бир мақсадни кўзда тутади. Гапдаги мазмундан йигитлар Шарифни танимаслиги сезилиб турибди. «Братан, соққа» каби тил бирликлари бу тоифа одамларга хос. Яна бу сўзлар йигитларнинг Тошкент шеvasи вакиллари эканлигига ишорадир.

Демак, ушбу диалогда тўлиқсиз гап (*Билагингни кўрсат*), сўроқ гап (*Кукунни қаердан олардиларинг?*), шевага хос бирликлардан (*Братанга, оғанувзани*), содда гаплардан фойдаланилган. Услубий жиҳатдан сўзлашув услубига хос. Чунки унда тил бирликларидан эркин фойдаланиш ва грамматик талабларга амал қилинмаслик кўринади

Жалил бироз кутиб қолганми, тумтайганроқ кўринишда кириб келди. Асадбек уни ўрнидан туриб кутиб олди.

- *Киравермай, ўтирдингми?* – деди Асадбек.-*Бунақа одатинг йўғидику?*

- *Ўрнатинг бор, ошнам. Биз бекорчи одам бўлсак, - у шундай деб қўлтизига қистириб олган эски газитга ўроғлик нарсани узатди. – Тўйга келолмадим. Яхши ўтказиб олдингми?*

- *Тўйга келмаганингга гина қилиб ўтирувдим, тинчликми ўзи, нимага келмадинг?*

- Сен мени тўйга айтдингми? – Жалил овозини бир парда кўтарди.

- Биринчи бўлиб сенга хабар бердирганман.

- Катта бўлсанг ўзингга, бу биринчидан, бойвачча бўлсанг ҳам ўзингга, бу иккинчидан, хўпми! Лайчаларингни юбориб тўйга айттирдингми? Ўзингнинг оёгинг етмадими?

- Энди ошна, тўйчилик, шошиб қоларкансан.

- Ўзингга ўхшаган бойваччаларни айтишга шошмагандирсан?

- Хўп, тавба қилдим, мен аҳмоқман, - Асадбек ҳам овозини кўтарди, - ўзим бормабман. (Т.Малик, Шайтанат)

Иккинчи парчада суҳбатдошларнинг характери, кайфияти, ўзаро муносабати реаллашади. Аслида айтгани-айтган, дегани-деган, бошқаларга ниҳоятда каттиққўл Асадбекнинг характеридаги бошқа қирралар, яъни болалик дўсти Жалилга ён босиши диалог давомида очилади. Бу диалогда сўз танлаш, гап курилиши, суҳбатдошларнинг дунёқараши юқоридаги нутқдан бир мунча фарк қилади.

Диалогик нутқларни кўздан кечириш яна шундан далолат берадики, улар асосан оғзаки нутқ одатларини ўзида намоён этади. Адабий матнларда эса образ яратиш характерларни намоёиш этишнинг кучли воситаларига айланиши мумкин. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод ва Хисрав, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасидаги Навоий ва Бойқаро диалогларини эслайлик. Уларда турли бадий тасвирий воситалар қаҳрамонлар характерини очишга хизмат қилади.

Диалогик нутқларда қаҳрамонлар ўз мақсад ва ички кечинмаларини тингловчиларга етказиш учун турли имо-ишоралардан ҳам фойдаланади. Бу унинг характери ва кечинмаларининг кучли ёки кучсизлигини ифодалайди.

Масалан, “Маҳаллада дув-дув гап” фильмида Пошша, Лутфи ая ўйнаган рол, “Келинлар кўзғолони”да Сотти образлари имо-ишораларга бойдир. Бунда қаҳрамонлар ўз фикри ва мақсадини суҳбатдошига етказиш учун турли қўл ҳаракатлари, қош-қовоқ ўйини, лаб ҳолати кабилардан фойдаланади. Бу ўз навбатида гапнинг таъсирчанлигини ҳам таъминловчи элементлардандир.

Диалогларда турли мажозий ифодалардан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, бирор кишининг меҳнатқашлигини

ифодалаш учун “чумоли”дек дейилади, ёки нафси ўпкон кишиларга нисбатан “бўри”, айёр кишиларни тулки, дангасаларни капалак, ўгри ёки элга қўшилмайдиган кишиларни бойўғлига мажоллий образлари қўлланилади. Абдулла Қахҳорнинг “Бемор”, “Ўғри”, Саид Аҳмаднинг “Қоплон” ҳикояларида мажозий ифодалар жуда ишончли чикқан.

Бундан ташқари, диалогларда турли маъно кўчишлари ҳам ишлатиладики, уларнинг баъзиларига тўхталмасак бўлмайди. Метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик шулар жумласидандир.

Метафора сўзи юнонча сўз бўлиб, “кўчим” маъносини билдиради. Нисбий ўхшашликка эга бўлган икки нарсадан бирини иккинчисининг номи билан аташ ҳодисасидир. Масалан: ёқа: тўннинг ёқаси – дарёнинг ёқаси, кўйлакнинг этаги – тоғнинг этаги, одамнинг боши – йўлнинг боши.

Метонимия ҳам юнонча сўз бўлиб, қайта номлаш деган маънони англатади. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида бир предмет номи билан иккинчисини аташ. Масалан, Бир коса сув ичдим – бир косани смирдим. Навоийнинг бир газалини ёдладим – Навоийни ёдладим.

Синекдоха ҳам юнонча сўз бўлиб, қўшиб англамоқ, фаҳмламоқ каби маъноларни билдиради. Бутунни қисм орқали, қисмини бутун орқали ифодалаш ҳодисасидир. Масалан, Сабзи тўғраётиб қўлини кесиб олди. Деразадан бир жуфт кўз қарарди. Кузга бориб ўғлимнинг бошини иккита қилдим.

Вазифадошлик муайян нарсанинг вазифасини иккинчи бир нарса бажариши натижасида аввалгисининг номи билан кейингиларини ифодалашдир. Масалан, “сиёҳ” сўзи илгари ёзувда “қора рангли суюқлик”, кейинчалик ёзишда ишлатиладиган бошқа таг маънолар ҳам шу ном билан атала бошланади. *Камоннинг ўқи, милтиқнинг ўқи, замбаракнинг ўқи, ракетанинг ўқи.*

Нутқдаги бу ҳодисалар диалогдаги мавзу ёки ғояни кучайтириш, таъсирини орттириш мақсадида ишлатилади.

Бу гапларнинг мавзумизга алоқадор жойи шундаки, мулоқот жараёнида адресант адресатларнинг соҳаси, кизиқиш ва бошқа индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши лозимлигини таъкидлашдир. Чунки тинглашнинг астойдил, берилиб, жисму жон билан; шунчаки, бепарволик, ҳардамхаёллик, паришонлик билан

тинглаш каби турлари мавжуд бўлиб, адресатларнинг улардан қайси бирига амал қилишлиги маълум маънода адресантларга ҳам боғлиқ бўлади.

Монолог ёки диалог шаклидан қатъи назар, аудитория (сухбатдош) билан руҳий, ҳиссий, ақлий мулоқот ўрнатишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бунинг учун биринчи навбатда мулоқот ўрнатишга халақит килувчи тўсиқларни бартараф этиш лозим. Муҳими – тингловчи(лар) билан мулоқот қилиш истаги.

Нотиклик санъатининг биринчи (асосий) қоида­сига биноан нотик фақат ўзига маъқул, ўзи ҳур­мат қилган кишиларгагина мурожаат этиши керак. Бошқа сўз билан айтганда, сизда ёмон туйғуларни уйғота­диган киши нутқингизнинг объекти бўла олмайди.

Бу жуда қаттиқ қоида бўлса-да, унга риоя этиш шарт. Бунинг сабабини куйидагича ифодалаш мумкин. Юқорида кўрганимиздек, ҳар қандай нутқ маълум мақсадга йўналтирилган бўлади. Энг оддий, тингловчига нисбатан нотик туйган ҳисларга алоқаси бўлмаган мақсадни олайлик. Масалан, ўқитувчи муайян мавзуда маъруза ўқиб, кўтарилган масаланинг муҳимлигини ва унга алоҳида эътибор қилиш зарурлигини уқдирмоқчи. Бу – нейтрал, тингловчи(лар)га муносабат билан боғлиқ бўлмаган мақсад. Аммо реал матн уни сўзлаётган пайтда нотикда мавжуд бўлган бир қатор мақсадларни ўзида жамлайди. Уларнинг айримларини нотик идрок этади, айримлари эса унинг онг остида яширин бўлиб, бевосита ан­гланмаган ҳолда нутқ жараёнида тингловчига аён бўлади.

Нотикнинг барча ички туйғуларни унинг иродаси, хоҳиш-истагидан қатъи назар кўринади ва эшитилади. Нутқ жараёнида уларни яширишнинг иложи йўқ. Зеро, „Қобуснома“да ай­тилганидек, „кишининг ахволи ўз сўзининг остида пинҳондур“.

Истагидан қатъий назар, нотикнинг гапириш оҳангидан, новербал ҳаракатлар (*қўл ва тана ҳаракати, мимика, юз ифодаси, кўз қараши ва ҳ.к.*)дан тингловчи ўзига бўлган муносабатни англайди. Сухандонлик нутқнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фандир. Шу нуқтаи назардан, киши ўзи учун ёқимсиз бўлган одамга мурожаат этмагани маъқул, чунки бундай вазиятда нутқ нотик мақсадини рўёбга чиқариш ўрнига бутунлай тесқари натижа бериши мумкин, ҳатто нотикнинг мақсади тингловчи учун фойдали бўлса ҳам. Чунки хайрли ва фойдали ишга даъват этиб нотик узок

гапириши мумкин, аммо зийрак тингловчи уни тинглаб, фақат бир нарсани тушуниб етади – сўзловчи уни ёмон кўради.

Хайр муяссар гар эмас эл била,

Наф текурмак ҳам ўлур гил била, – дейдилар бу борада ҳазрат Навоий.

Албатта, киши ўзи суймаган одамга мурожаат этишга мажбур бўладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, иш жараёнида ёки маъмурий ҳолатларда одам ўзи ёқтирмаган раҳбарга ёки ходимга мурожаат этмаслигининг иложи йўқ. Аммо имкон қадар бундай ҳолатларни камайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Ёқтирмаган одамга нутқ билан мурожаат этмаслик кераклигининг бошқа, маънавий жиҳати ҳам мавжуд. Яъни, нотик ўз нутқини эзгуликка йўналтирмоғи, тингловчида эзгу туйғуларни уйғотмоғи керак. Буни, аввало, сўз орқали мурожаат қилинган инсонга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш заруратга айлантиради.

“Ўзингга эп кўрмаган нарсани, бировга раво кўрмагин”, – дейди халқимиз. Шундай экан, сўзлаётган киши, ўзгага омонлик келтирмасликни ўйлаши, ҳар гапни андиша билан сўзлаши керак. Аммо ана шу андишага кўп ҳолларда эътибор қилинмайди.

Масалан, айрим одамлар мулоҳаза қилмасдан “яхши ният”да дўсти, ҳурмат қилган кишига баъзи бир хабарни еткази, унинг шахсий ҳаётига аралашади. Бир аёл яқин дугонасига: *“Менинг эрим уйим, оилам деб эрта-ю кеч тинмайди, ярим тунгача ишлайди”,* – дея турмуш ўртоғини мақтайди. Ҳақиқий ҳамдард дугонаси унга хайрихоҳлигини, тақдирига бефарқ эмаслигини намоиш этиб: *“Хой, ўртоқ, кўзингни оч, кун-кеча эрингни фалон аёл билан кўрган эдим”,* – дейди Бундай хайрихоҳликнинг натижаси аён. Ким бундай ёки бунга ўхшаш ҳолатни бошидан кечирмаган ёки эшитмаган? Бу каби ҳолатлар нотикликнинг иккинчи қоида-сига зид. Нохуш оқибатларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олишнинг оддий усули бор – киши бошқа одамга нутқ билан мурожаат этар экан, ўзини тингловчи ўрнига қўйиб, “мен бундай гапни эшитишни хоҳлармидим?” – деган савол устида биров ўйласа бас. Бу борада Кайковус юқорида келтирилганидек, сўзнинг тўрт турини ажратади ва шундай ўғит беради: *“Аммо айтилмайтургон ва билинмай тургон ундоқ сўздурки... дунёнинг салоҳи унга боғлиқдур. Ул сўздин айтгувчига ҳам, эшитгувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатургон, бироқ айтилмайтургон ундоқ сўздур-ким, бир*

мухташам одамнинг айби сенга маълум бўлур. Лекин ақл тариқидин хаёлга келсанг, уни айтмоқ бешармликдур. Чунки айтсанг, ул мухташамнинг қаҳри ё у дўстнинг озори сенда ҳосил бўлур, ёхуд ўз бошингга улуз шўриши ва гавго пайдо қилурсан. Шул вазедан ҳам бул сўз билинатургон, аммо айтилмайтургон сўздур. Бу сўзларнинг яхшироғи ҳам билинатургон ва ҳам айтилмайтургон сўздур”.

Юкорида зикр этилган нотиқликнинг икки қондаси нуткий мулоқотнинг маънавий жиҳати билан боғлиқ ва тингловчи(лар) билан мулоқот ўрнатиш, нотиқ ўз олдига қўйган мақсадга эришишнинг дастлабки муҳим шартларидир. Тингловчилар айтилган сўзларни қабул қилишлари учун нотиқ уларда шахсни кўриши, уларга нисбатан ҳурмати, эзгу ниятини кўрсатиши керак, шундагина уларнинг қалбида мувофик жавоб ҳислар уйғотиш мумкин.

Тингловчи(лар) билан дастлабки алоқани ўрнатиш бутун мулоқот жараёнининг самарадорлигини ва кейинги ҳолатини белгилайди. Шунинг учун нутқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тингловчи(лар) ва нотиқ ўртасида табиий равишда вужудга келадиган ва мулоқот ўрнатишга ҳалақит берувчи тўсиқларни бартараф этишга боғлиқ. Нуткий мулоқот жараёнида тингловчи нутқнинг объекти сифатида намоён бўлади ва **“сўзловчи – тингловчи”** жуфтлигида тингловчи ҳолати устуворликка эга “Тингловчи албатта ё оддий томошабин ёки судья бўлади”, – деган эди бу борада юнон файласуфи Аристотель.

Нотиқ ҳисобга олиши керак бўлган тингловчи(лар) ҳолатининг икки асосий жиҳати мавжуд: рухий-психологик ва физиологик.

Дастлаб нуткий мулоқотнинг рухий-психологик жиҳати билан боғлиқ тўсиқларни кўриб чиқайлик. Психологларнинг таърифи бўйича мулоқот нотиқ ва тингловчи(лар) ўртасидаги умумий рухий ҳолатдир. Сўзловчи ва тингловчи(лар) ўртасида салбий туйғу-тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун, аввало, тингловчи(лар) билан рухий-ҳиссий мулоқот ўрнатишга ҳаракат қилиш керак. Бунда нотиқ тингловчи(лар)га етказмоқчи бўлган фикр (ахборот), яъни нутқ мазмуни бирламчи аҳамият касб этади. Нотиқ муваффақиятининг бош мезони тингловчилар олдида сўзлашмас, балки улар билан гаплашиш, уларнинг тилида сўзлашишдир, чунки одамлар билан фақат уларни кизиқтирган, уларнинг дардига айланган масалалар доирасида гаплашиш мумкин.

Бунинг учун нотик тингловчиларни, нутқ сўзланадиган мухитни олдиндан ўрганиши ва уларга мувофиқ нутқ мазмуниини белгилаши зарур. Инглиз файласуфи Б.Спиноза таъбири билан айтганда, нотик “қулиши, йиғлаши ва нафратланиши эмас, тушунмоғи даркор”. Ана шунда нотик аудитория билан рухий-ҳиссий мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўлади. Бундай мулоқот ўрнатишнинг шакллари кўп. Масалан, нутқ олдиндан аввал рўй берган ва тингловчилар кайфиятига таъсир қилган ҳодисага бир оғиз муносабат билдириш ёки кизиқарли воқеани ҳикоя қилиб, уларнинг кайфиятини кўтариш мумкин ва ҳ.к. Албатта, аудиториянинг тинглашга мойиллигини уйғотиш учун қандай шаклни танлаш конкрет вазиятга боғлиқ. Ҳар ҳолда аудитория учун тушунарли ва унда муайян туйғуларни уйғота оладиган фикрни асослаш осонроқ.

Тингловчилар билан мулоқот ўрнатишда муайян роль ўйнайдиган рухий субъектив фактлардан яна бири – тараддуд, бошқа сўзлар билан айтганда тингловчи(лар)нинг нимани ва кимдан эшитишга ички тайёргарлигидир. Тингловчи(лар) нотик шахсига – унинг лавозими, илмий даражаси, шахсий сифатлари, жамиятда тутган мавқеи ва шу кабиларга қараб унинг нутқи, илгари сурган фикрларини қабул қилишга ёки инкор этишга олдиндан мойил бўладилар. Шу жиҳатдан нутққа биринчи навбатда нотик шахсининг бетакрорлиги, ўзига хослигининг ёрқин ифодаси сифатида ёндашмоқ лозим.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Диалогда қайси тил воситаларидан кўпроқ фойдаланилади?
2. Сўроқ олмошлари кўп бўлган диалогик нутққа мисол келтиринг.
3. Монологик нутқ деб нимага айтилади?
4. Монологик нутқ турларини сананг.
5. Монологик нутқда нутқ маданияти мезонларига амал қилинишини сўзлаб беринг.

Топириқ. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўланинг Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборовага бағишланган “Гулрух” шеърини ифодали ўқинг. У ҳақдаги фикрларингизни билдиринг.

ГУЛРУХ

Раққоса Дилафрўз Жабборовага

*Толега тараф йўқдир,
У келса агар ногоҳ!
Қалбимга қафас кўксим,
Бўл бунга ўзинг огоҳ!*

*Эркин у, қафас билмас,
Беҳуда ҳавас билмас,
Ҳаттоки қиёс билмас,
Бахт отида бир дилхоҳ!*

*У сарв, санобардир,
Биллур каби лобардир.
Тилсимга баробардир,
Кўнглимга азал ҳамроҳ!*

*Йўқ ўхшаши талъатда,
Ҳам жозоба санъатда,
У кашф ўзи, албатта,
Дейсан узилиб бир оҳ...*

*Эй, қадди расо гулрух,
Эй, бахти бақо гулрух,
Эй, махлиқо гулрух,
Кўнглимга кўнгли муштоқ!
Озод ватанинг бахти,
Обод ватанинг бахти,
Оламга кулиб боқди,
Яшнади улуг даргоҳ!*

*Кўп яхши кўнгил сози,
Ним пардада овози,
Ним шиваю ним нози,
Шаҳноз ила бир чоргоҳ!*

*Санъат азали гулда,
У гул ила кўнгилда,
Дерларки, таомилда:
Мен шоиру сен бир шоҳ!*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изохди сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
2. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изохди луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985.

САНЪАТШУНОСЛИҚДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Р е ж а:

1. Санъатшуноснинг нотиклик санъати ҳақида тушунча.
2. Санъатшунос нутқининг маданийлиги.
3. Санъатшунос нутқининг жозибadorлиги.

Таянч сўз ва иборалар: санъатшунос, нотиклик санъати, нутқ, маданийлик, жозибadorлик, тушунча, таъсир.

Фаолиятининг асосий куроли тил бўлган касблар ҳам борки, улардан бири санъатшуносдир. Қайси мавзуда сўзлашидан қатъий назар, санъатшунос тилдан мохирона фойдаланиш ҳадисини олмаган бўлса, унинг билими қанчалар чуқур ва тугал бўлмасин, у чин маънодаги нотик бўла олмайди.

Санъатшунос гўзал, ўзни ҳам, сўзни ҳам қийнамайдиган, равон ва оҳорли ифодаларга бой нутқи билан тингловчиларни маҳлиё этиб, материални баён қилмоғи лозим. Унинг расо ва маданий нутқи тингловчида ҳавас ва ҳайрат уйғотиши, унга намуна бўлиши, айни пайтда бу нутқда ифода қилинган материал тингловчи томонидан осон ўзлаштирилиши керак.

Санъатшунос – педагог нутқининг маданийлиги – унинг билим даражаси, ақл-идрокининг кўлами, фикрлашдаги етуқлиги билан бир қаторда она тилининг бойлигидан фойдалана билишига ҳам боғлиқ. Донишмандлар айтганларидек, тил – инсонларнинг энг муҳим алоқа воситаси. Шу боисдан у ижтимоий ҳодисадир. Нутқ архаик, хорижий, лаҳжага хос сўзлардан холи, соф, ихчам бўлгани, унда сўзлар кам, маъно кўп бўлгани яхши; нутқ ўткир, яъни жарангдор, мантиский ва стилистик урғули, равон, ҳаммага тушунарли, дона-дона қилиб сўзлангани маъкул.

Тил – ҳар бир педагогнинг куроли, фикрнинг бевосита воқеликка чиқишидир. Донолар таъкидлаганларидек, инсон ақл-заковати, тафаккури ва онгининг энг бой ютуқлари, теран билимлар, кенг миқёсли илм-фанлар, оташин ҳис-туйғулар нутқда очик-ойдин, жарангдор ва жозибador ифодаланмаса, кўпчиликка номаълум бўлиб қолаверади. Бинобарин, педагогнинг, нотикнинг вазифаси баён этиладиган фикрларни талаба, аспирант, тингловчилар бевосита қабул қилиб олишига эришишдан иборат. Бу эса нотикнинг ўз фикрини қандай шаклда ифода қилишига боғлиқ.

Санъатшунос – педагог тили тингловчиларнинг ҳис-туйғуларини уйғотадиган, уларни қизиқтирадиган, диққат-эътиборини нутқ мавзусига жалб этадиган бўлиши лозим. Мавзуни тушунарли ва ишонарли қилиб баён этиш санъатшунос- педагог муваффақиятининг гаровидир. Унинг нутқ маданиятини эгаллашида она тилидан кейинги асосий ўринни бадий адабиёт эгаллайди. Мунтазам мутолаа нотикнинг сўз бойлигини оширишига, тасвири ифодаларни, бадий ибораларни кўпроқ эгаллаб олишига, халқ орасида кенг тарқалган адабий тил бойликларини териб, ўзлаштириб олишига катта ёрдам беради. Бадий адабиёт нотикни маиший турмуш, ижтимоий ҳаёт билан ўзи билганидан кўра чуқурроқ таништиради, фикрлаш миқёсини кенгайтиради, маданий савиясини оширади, мантиқий тафаккур салоҳиятини бойитади.

Бадий адабиётни мунтазам ўқиб борадиган халқ олдида тез-тез сўзга чиқиб турувчи педагог, раҳбар ўз нутқида бадий тасвирлардан ўринли фойдаланади, ҳаётдаги айрим воқеаларни, шахсларни бадий адабиёт қаҳрамонлари билан таққослаш имкониятига эга бўлади, натижада унинг нутқи жонли, ҳаётий, таъсирли чиқади.

Санъатшунос – педагогнинг сўз бойлиги нутқининг жозибали ҳамда кўркем бўлишини таъминлайди. Бунинг учун мутахассислиги соҳасидаги барча асосий тушунча, атама ва категорияларни пухта билиши, уларни ўз ўрнида, яъни ортиқча аралаштирмасдан қўллаш олиши керак. Шу билан бирга, у илмий, сиёсий адабиётни, жумладан Юртбошимиз асарларини, бадий адабиётни диққат билан, синчиклаб, муттасил ўқиб бормоғи лозим. Сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, эътибори, нуфузи шунчалик баланд бўлади, тингловчи ва талабаларнинг онгига таъсири кучли бўлади. Асосий қуроли сўз бўлганлиги учун ҳам, у доимо ўз устида ишлаши керак. Бунинг учун бадий адабиётни, санъатга оид изоҳли луғатларни, қомусларни кўп ўқиши, мутолаа қилиши, нотаниш сўзларни ён дафтарига изоҳлаб ёзиб олиши, вақти-вақти билан такрорлаб туриши тавсия этилади.

Маънавият, адабит ва санъатга оид сўз, атама (термин), ҳикматли сўз, мисол, идеоматик (аниқ таржима қилиб бўлмайдиган) ибораларни билиш, уларни моҳирлик билан ўз ўрнида ишлата

олиш, жонли, қизикарли, равон, тушунарли, зериктирмайдиган қилиб сўзлай олиш санъатшунос-педагогдан алоҳида маҳорат талаб қилади. Унимани гапиришигина эмас, балки қандай гапиришни ҳам билиши керак. Моҳир санъатшунос нутқ маданиятини тарғиб этувчи, бунга қизиқувчиларга мураббийлик, устозлик қилувчи киши ҳамдир. Нутқ маданияти назариётчиларидан бири айтганидек, ўз она тилини ўрганиш, ундан моҳирона фойдаланиш – улуғ иш; агар киши тилни аниқ-равшан билиб олмаса, инсоният тафаккурининг энг буюк ютуқлари, энг чуқур билимлар ва ғоят оташин хистуйғулар унга номаълум бўлиб қолаверади, бинобарин, сўз фикрни ифодалаш куралидир.

Санъатшунос – педагог сўзлаётганда ўз-ўзидан мамнун бўлиб, тингловчиларни мудроқ бостирадиган ва кўнглини ёқимли хомхаёлларга чулғайдиган дабдабали сўзларни ишлатиши керак эмас; аксинча, талабалар қалбида фуқаролик туйғусини, жасоратини, миллий санъатдан фахрланиш ҳисларини муттасил жўш урдирадиган, фидокорликка, фаолликка даъват этадиган таъсирчан ибораларни, қалбларни ғафлат уйқусидан уйғотадиган илҳомбахш сўзларни танлаши керак.

Маъруза ўқиётганда ортиқча сўзларни, кириш гапларни, писанданамо ибораларни билдирадиган жумлаларни асло ишлатмасликни тавсия этамиз. Улар сирасига баъзи ношуд, нўнок нотиклар ҳадеб такрорлаб, ишлатаверадиган: *ўртоқлар, биласизми, кўрибсизки, мен сизга айтсам, сирасини айтганда, деди, айтайлик, демак, иннакейин* каби "хашаки", "текинхўр" сўзлар қиради. Яна баъзи педагоглар *аммо-лекин, ва яна буткул, шуни уқтириши керакки, шуни таъкидламоқ лозимки, ниманинг нимаси, ану, ману* каби ўринсиз, бемаъни сўз ва ибораларни ишлатадилар. Педагог буларга асло йўл қўймаслиги лозим; акс ҳолда нутқнинг "суви кўпу тузи оз" бўлади, тингловчиларнинг жиғига тегади, фикрини чалғитади, зериктиради, вақтини олади, нотикнинг обрўсини туширади; баъзи тингловчилар, нутқни тинглаш ўрнига унда ишлатилган "хашаки" сўзларни санаб ўтирадилар. Бу сўзларни ҳадеб такрорлайвериш нутқнинг сифатига жуда салбий таъсир кўрсатади, нутқнинг мазмунини сийкалаштиради, адабий тилни булғайди.

Ҳар бир педагог сўзлаганда фалсафий маданият талабларига доим риоя қилишни тавсия этамиз. Бу маданиятнинг талабига биноан, ёзишда, сўзлашда *тушунча, категория, атама ва термин; қонун, ва принцип; теорема, аксиома, гипотеза* кабиларни фақат ўз ўрнида, алмаштирмасдан ишлатиш шарт.

Нутқ маданиятида, нотикдик санъатида сўз танлаш жуда муҳим. Сўзнинг кудрати, таъсири, акс таъсири, оқибатию самараси ҳақида ҳикматли сўзлар ўзбек адабиётида мўл-кўлдир. Қуйидаги ҳикматлар, оз бўлса-да, шундан далолат беради: *Сўздан кучлироқ қурол йўқ; сўз инсон (бинобарин, нотик) кудратининг қўмондонидир; сўз – ҳаётнинг ўтқир қуроли; сўз нотикнинг занғамас, доим кескир қуролидир. Ўз ўрнида, вақтида астойдил айтилган оддий сўз ҳам аксарият ҳолларда енгилмас кучга айланади; бундай сўз нотикнинг ўзини кизиқтириб, гоҳо кизиштириб, фаоллаштириб юбориши, тингловчиларни нафислиги билан маҳлиё қилиши мумкин.*

Сўзларни синчковлик билан танлаб, улардан моҳирона фойдаланиб ифодаланган ҳар бир фикр, ғоя ёки таълимот таъсир миқёси тугамайдиган кучдир; унинг кучи ниҳоясиз. Сўз – гоҳо хатарли қурол, чунки сўз ярасидан кўра тиг жароҳатини даволаш осон. Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ; жонли, яъни ҳаётий, жарангдор, таъсирли, жозибали сўз мўъжизалар яратишга кодир.

Сўз танлашда шева, лаҳжаларда ишлатиладиган, ўзбек адабий тили лексиконига сиғмайдиган *аравақ* (қулоқдан йиринг оқиши), *сирпанмоқ* (сирпанмоқ), *тебрамоқ* (тебранмоқ), *уйламоқ*, (уйлантирмоқ), *тагойи* (тоға), *эбранмоқ* (сўлимоқ), *шимирмоқ* (симирмоқ), *шипирмоқ* (супирмоқ), *юмурта* (тухум) сингари сўзларни ишлатмасликни тавсия этамиз.

Санъатшунослар, журналистлар, педагоглар ва олий мактаб мутасаддилари учун ибратли ҳикматлардан яна бири шундаки, бирор сўз айтишдан аввал унинг ортидан "келадиган" оқибатини ўйлаш зарур. Яхши ўйланмай, оқибатини олдиндан чамаламай, ихтиёрий ёки беихтиёр айтиб юбориладиган сўз ҳақиқатга хилоф бўлиши, муайян бир кишининг иззат-нафсини ерга уриши, қалбини жароҳатлаши мумкин.

Нотикнинг зўрма-зўраки, сунъий тарзда сўз ишлатиши аксарият ҳолларда нутқни бузади. Энг ўринли сўзлар ўз-ўзидан куйилиб келадиган, олдиндан саралаб, чамалаб қўйилган сўзлардир; уларни нутқ жараёнининг ўзи айтиб тургандек бўлади.

Моҳир нотик тингловчиларнинг нутқ маданиятини шахсий намунаси билан ҳам тарбиялайди. Масалан, у тингловчи, талаба ёки докторантларда ўз фикрини аниқ ифодалаш, ҳар бир сўз ва жумлани ишлатишга масъулият билан ёндашиш; ўзбек тилининг ғоят бой хазинасидаги сўз жавохирларидан усталик билан фойдаланиш малакасини сайқал топтира олади; ибратомуз сўзлари, ёқимли иборалари, намунали ташбеҳларга бой жумлалари, жарангдор талаффузи билан тингловчиларда кўникма, маҳорат ҳосил этади.

Маърузада халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикматли сўзлар, рубоий, тўртлик, кизиқ-кизиқ иборалардан фойдаланиш талаб этилади. Бадиий тасвир, қиёслаш, енгил юмор кабилар маърузани қизиқарли қилади; талабаларни зериктирмайди: мудратиб, пинакка кетказиб қўймайди, ҳордиғини чиқаради.

Нотик ҳамиша сўзларга торлик, мазмунга кенглик зарурлигини унутмасин. У кўп ва теран фикрласа, оз гапиради; чунки оз сўзга кўп мазмун сингдиришга интилади. Баён этиладиган масаланинг мазмуни аввал пухта ўйлаб олинган бўлса, сўзлар беихтиёр қуйилиб келаверади. Шунда нотиклик гўё фикр наққошлиғи бўлади.

Тил бойлиги – тафаккур бойлигининг, тил қашшоқлиги – фикр қашшоқлигининг ифодаси эканлигини куйидаги мулоҳазалар тасдиқлайди: агар педагогнинг нутқи ланж, суст, пойма-пой, нўнок, мужмал, қовушмаган бўлса, демак, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шундайдир. Ҳар бир нотик ўз нутқида аниқлик, равшанлик, жозибadorликка эришмоғи зарур; бу эса воиздан сўзлашда қисқалик, лўндалик, ихчамликни талаб этади. Тилдаги аниқ-равшанлик - тиниқ фикрнинг ташқи ифодаси, чунки шундай фикргина равшан сўзлашни таъминлайди. Сўзлашдаги ноаниқлик, шубҳасиз, фикрдаги ноаниқликнинг белгисидир.

Қайси нотик аниқ-равшан фикр қилса, уни худди шундай баён этади. Тилининг, маънонинг аниқлиги, ўткирлигига интилиш нотиклик санъатини эгаллаш учун курашишдир; бу кураш қанчалик кескин, ўткир, аниқ йўлга солинган бўлса, нутқ шу қадар самарали бўлади. Сўзга жо бўлмайдиган ҳеч бир мазмун йўқ. Педагогнинг нутқидаги сўзлар - фикрларининг ифодасидир, шу боис бу сўзлар ифода этилаётган фикрга мувофиқ бўлмаса, сўз ҳам мужмал,

мавхум бўлади. Моҳир нотикдагина фикр равшанлиги ифода аниқлиги билан ҳамоҳанг бўлади.

Нотик фикридаги хатолар, ноаниқликлар нутқдаги хатоларни, улар эса, ўз навбатида, ишдаги, амалдаги хатоларни келтириб чиқаради, тингловчиларни чағитади. Уста нотик тилининг гўзаллиги, биринчи навбатда, унинг аниқлиги ва мазмундорлигидадир. Оддийгина килиб, равшан баён этиш мумкин бўлмаган ҳеч бир фикр, гоё ёки таълимот йўқ. Бинобарин, аниқлик нутқнинг асосий фазилатидир. Нотикнинг тили, сўзи қанчалик оддий бўлса, шунчалик равшанлик ва аниқлик касб этади; сўз қанчалик ўз ўрнида ишлатилса, нутқни шунчалик кучли, жозибали ва ишончли қилади.

Буюк ақл соҳибларида оз сўз билан кўп маъно бериш хислати мавжуд бўлгани каби, "моҳир нотик, устаси фаранг педагог ҳам "оз сўзла-ю, соз сўзла", деган мақолга амал қилади. Маъқул сўзласанг, ҳеч қачон кўп сўзламайсан, агар узайиб кетса, энг яхши нутқ ҳам тингловчини чарчатади, деган ҳикматларга риоя қилиш энг яхши фазилатлардандир. Бундай нотиклар – сўз жавоҳирининг худди ўзгинаси: салмоғига қараб нур таратади. Улар асл донолик қисқа ифодаланади, деган қоидага бўйсундилар.

Алломалардан бири айтганидек, гап кам жойда унинг салмоғи кўп бўлади. Қисқа, лекин ифодали ибора бир бор эштитиб англонади, тингловчи хотирасида муҳрланиб, унинг шioriга айланади, узундан-узоқ мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди.

Нотик фикрининг чуваланмаслига, аксинча, тингловчилар ҳузурида эркин парвоз қилиши учун гапда қисқалик лозим, чунки фикр ортиқча, "нишхўрд" сўзлар уюмида чалкашади. У қанчалик моҳирона сўзламасин, керагидан ортиқ, яъни мавзуга тегишли бўлмаган гапларни айта бошласа, пировардида нутқ мантиғини йўкотади, тингловчилар мийиғида кула бошлайдилар. Хуллас, нутқдаги аниқлик қисқалик билан уйғунлашганда таъсирчан, хотирада сақланувчан бўлади.

Ҳар бир нотик, хусусан олий ўқув юртининг раҳбари ўз нутқидаги йирик, махсус масалаларни баён этиб бўлгач, уларнинг ҳар бири бўйича, нутқ пировардида эса бутун нутқи бўйича қисқа, аниқ, равшан, иложи бўлса саналган тарзда хулосалар чиқариши шарт. Акс ҳолда, улар мантиқ фанининг тезис, мантикий асос, ҳукм ва сийтез, яъни умумлаштириш, хулоса чиқариш зарурлиги ҳақидаги талабини бузган бўладилар. Агар ваъз, маъруза, суҳбатдан

тегишли хулосалар чиқарилмаса, улар мантикий ниҳоясига етмай қолади, тингловчиларда тугалланган, мукамал фикр ҳосил бўлмайди. Бунинг устига, хулоса чиқармаслик нотикнинг билими чала, ўзи укувсизлигидан ҳам далолат бериши мумкин.

Нотик саволларга жавоб беришда осон йўл танлаб, оддийгина ҳа, йўқ, менга маълум эмас, деб қўя қолиши ношудлик аломатидир. Ҳар бир саволга чуқур ўйлаб, мазмунини аниқ билиб, унинг ортида нима мақсад ётганини, нимага шама қилаётганини назарда тутиб, кониқарли жавоб бериш зарур. Тингловчилардан ҳар хил саволлар тушиши, савол пардаси ортида нотикнинг бирор фикрига эътироз ёки синов бўлиши мумкин. Шундай экан, нотик тушган ёзма ёки оғзаки саволга тўла жавоб бера олиши, ўз нутқида олға сурилган ҳар бир фикр, ғояни қаттиқ ишонч билан ҳимоя қила олиши шарт. Мабодо, нотик бирор саволга шу тобда аниқ-равшан, тўлиқ жавоб бера олмаса, тахминан, "савол жуда ўринли, долзарб масалага бағишланган, мен жоним билан жавоб берар эдим, бироқ бу масалани чуқур ўйлаганим йўқ, уни ўрганиб, тегишли кишилар билан маслаҳатлашиб, кейин жавоб бераман", деб қўя қолгани маъкул. Мужмал, ноаниқ жавоб бергандан кўра, жавоб бера олмаслигини мардларча тан олган яхши. Агар савол маъруза, нутқ мавзуйига кирмаса, буни ҳам очиқ айтиш мақбулдир.

Маърузани жонлантиришда баҳслашув, мулоқот, яъни бошқа бир шахснинг фикрини келтириб. унга зид ёки ундан фаркли фикрни келтириш ҳам яхши самара беради. Бу усул тингловчиларни фаоллаштиради. Хуллас, нутқ маданиятию нотиклик санъатининг ғоят муҳим таркибий қисми, педагогнинг масъулияти ва маҳоратини ифодалайдиган шартлардан бири – нутқдаги ҳар бир масаладан, унинг ниҳоясида эса бутун нутқдан қисқа, лўнда, аниқ хулосалар чиқариш; оғзаки ва ёзма саволларга қисқа, аниқ жавоб бериш; баҳслашишга тўғри келиб қолса, ўз мавқеи, нуқтаи назарини қаттиқ ишонч билан, астойдил ҳимоя қилишдан иборат.

Мохир нотикнинг нутқида мантикий урғунинг ҳам аҳамияти катта. У муайян жумладаги бирор сўз ёки иборани бўрттириб, уктириб ифодалашга хизмат қилади. Ўзбек тилида мантикий урғу одатда кесимдан олдинги сўз ёки иборага тушади. Санъатшуноснинг нутқи ёрқин, жозибали, таъсирли, жарангдор, тасвир (образ)ли бўлиши лозим. Нутқда жонлантирувчи жиҳатлар бўлмаса, у қуруқ, зерикарли бўлади. Нутқнинг мазмуни қанчалик бой, чуқур бўлса, унинг шакли ҳам шунчалик ранг-баранг бўлиши

унга муносиб жило, сайқал берилиши, бадий бўёқлар билан жозибали килиниши, тасвирлар билан бойитилиши даркор. Бунинг учун ҳикматли сўзлардан, мақол, шеърий парчалардан, ўткир иборалар, тасвир, киёс ва ўхшатишлардан кенг кўламда, бироқ меъёрида фойдаланишни тавсия этамиз. Булар нутқнинг безаги, кўрки, сайқалидир. Нотиқ, шу билан бирга, сатира, юмор, истиора, мажозлардан ўз ўрнида, бадий талаффуз билан, шоирона кўтаринки руҳда ишлатса, унинг нутқи тингловчини ўзига мафтун этади, гапи "ширари" бўлади, нутқи киёмига етади, тасанно ва офаринларга сазовор бўлади.

Хулоса шуки, маъруза илмий, ишонарли, мантиқан изчил, мазмунан бой, шаклан ранг-баранг бўлсагина, унга қўйиладиган энг асосий талабга жавоб бера олади. Санъатшунос – педагог нутқига қўйиладиган талаблардан бири шуки, нутқ матни бадий жиҳатдан пухта, тили адабий, сўзлари жарангдор, жумлалари ёқимли, гаплари лўнда, лекин мазмуни чуқур, маъно теран бўлиши керак. Нотиқ ўз талабаларини қизиқтириш, уларга бадий озик бериш учун ўткир ибора, мақол, рубойи, ҳикматли сўз, ифодали тавсифлардан зеб берувчи воситалар сифатида фойдаланиши, сўзлаётган пайтида жумлаларнинг ўзаро мутаносиблигига, яъни нисбатдошлигига катъий риоя қилиши лозим. Кетма-кет уюшиб келадиган жумлалар воситасида баён этиладиган ва мураккаб фикрни ифода этадиган қўшма гапларда бу қоидага риоя қилиш айниқса муҳимдир. Шунда гапларгина эмас, жумлалар ўртасида ҳам манتيқий боғланиш ҳосил бўлади. Бундай боғланишнинг бузилиши фикрни чигаллаштиради, баъзан унинг нутқини батамом барбод этади.

Нотиклик санъатида педагогнинг талаффузи ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Бунга нутқни баён этиш оҳанги, тиним, мантиқий урғу, нутқ суръати, товушни сошлаш каби жиҳатлар киради. Нотиқ сўзлаётганда овознинг гоҳ баланд, гоҳ паст бўлиб товланишига алоҳида эътибор бериши керак. Бусиз жумла қандай оҳангда, урғу, талаффузда айтилишига қараб турлича маънони англатиши мумкин. Санъатшуноснинг нутқи ифодали бўлмоғи лозим. Бунда эса нутқ интонацияси муҳим ўрин тўтади. У оҳанг (мелодика), тиним (пауза), мантиқий урғу, нутқ суръати каби таркибий қисмлардан иборат.

Мелодика нотик овозининг баланд-паст бўлиб товланишидир. Бу товланиш спектрдаги етти хил рангнинг бир-бири билан уйғунлашган ҳолда жилоланиб, нур таратиб туришига ўхшайди.

Шунинг учун нутқнинг ифодали, оҳанрабо, товушнинг ёқимли ва тиник, равон бўлиши кўп жиҳатдан мелодикага боғлиқ. У ҳар бир жумла маъноси ва мазмунини ҳис-туйғу воситасида намоён қилиб беради.

Нотик ўз нутқининг талаффузига, нутқ сўзлаш оҳангига муттасил ва қатъий талабчан бўлмоғи лозим. Биринчидан, унинг овози жарангдор, баланд, тоза, тиник, ёқимли, юмшоқ бўлиши зарур; иккинчидан, томоқни асраш; хасталикнинг, жумладан, шамоллашнинг олдини олиш лозим. Агар овоз бўғиқ, хириллайдиган, сўзлаганда йўталтирадиган бўлса, овоз пардаларини даволамагунча дам беришни, нутқ сўзламасликни тавсия этамиз.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Санъатшунос – педагог нутқининг маданийлигига эришишда, асосан, нималарга эътибор бериш керак?
2. Санъатшунос нутқ сўзлаганда мелодиканинг аҳамияти ҳақида сўзланг.
3. Санъатшунос сўз танлашда шева ва лаҳжалардан қандай фойдаланиши лозим?
4. Маърузада халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида фикрингизни баён қилинг.
5. Моҳир нотикнинг нутқида мантикий урғу қандай рол ўйнайди?

Топшириқ. Ўзбекистон халқ шоири Ҳамид Ғуломнинг “Рақс” шеърини ифодали ўқинг. У ҳақдаги фикрингизни ёзма ва оғзаки шарҳланг.

РАҚС

*Янги йил кечаси... Уни қиёсан
Май тўла қадаҳу кўк арча дединг.
Шу майда акс этар эмиш асосан
Йил бўйи кутган орзу-умидинг.*

*Чиндан ҳам, лиммо-лим қадаҳлар гулгун,
Чиндан ҳам. Кўк арча мисли гулдаста.
Янги йил кечаси – афсонавий тун
Араб эртагидай кечади аста.*

Азизим билмадим балки ҳақдирсан.
Эзгу дақиқада ҳожат эмас баҳс.
Ҳаммамиз мамнунмиз бахтли тақдирдан
Яхшиси кўрайлик – ана ажиб рақс.
Ногоҳ кенг даврага тушар раққоса
Сеҳрли парвози уқпардай енги.
Уни мумкин фақат нурга таққослаш.

Енги тортармиди бўлмаса кўнги.
Марғилон атласи ял-ял товланиб
Бирдан ўғирлади ўю хаёлни.
Шаҳло кўзларининг олови ёниб
Раққоса кўрсатди ҳусну камолин.
Бир нафас кўзимни юсам кўкламлар
Чаманлар туташиб сўнги йўқолди.
Дунёда не қилсин андуҳлар гамлар!
Барининг ўрнини завқ шодлик олди.

Ишон, қадрдоним, рақснинг тили бор,
Ё иқрор ётади, ё этиб инкор
Бармоқлар, билаклар, қўллар сўзлайди
Елкалар, оёқлар, беллар сўзлайди.

Рақсни газалга ҳам ўхшатиш мумкин
Вазни, қофияси, ташибиҳи билан.
Рақс ҳатто дostonдай мукаммал, тўкин
Нақли, ҳикояси, тасвири билан.

Раққоса аслида Шаҳризодадир,
Санъати умрга умр кўшади.
Боқилиш энг ўткир ширин бодадир.
Кайфинг ошадю қонинг жўшади.

Телба бўл қолишинг ҳеч гапмас!
Бирдан
Қўлларинг қовушиб олқилиш – чапакка,
Интилиб учмоқчи бўласан ердан
Раққоса кўрсатган сирли фалакка.

*У эса, фусункор шҳоми билан
Ҳамон ёндиради дилни беомон.
Фақат талпинасан, ҳа, талпинасан,
Кафтингда тургандай қалбингдаги экон.*

*Бу лаззат олдида қадаҳдаги май
Қудуқ сувидан ҳам бемаза экан.
Яна нималарга буни ўхшатай?
Санъат тоза гулу, май чағир тикан.*

*Алқисса, рақс давом этади, олам
Санъат кўзгусида гўзал кўриниб.
Сарвинозим эркин парвоз этган дам
Қадаҳ чил - чил синсин тошга урилиб.*

*Кўнгишлар синмасин!
Кўнгишлар ўссин!
Адоват, жаҳолат, ўлимга маҳкум.
Биллур қандилларнинг эмиб ёғдусин,
Санъат ҳаётимиз этсин тараннум.*

*Имо қиялти гўзал...
Кел, ўртоқ,
Қўлни қўлга бериб рақсга тушайлик.
Меҳмон остонада. Этмайлик муштоқ,
Катта қулоч очиб қучайлик!*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
3. Шарафиддинов О. Домлалар. – Тошкент: Маънавият, 2009.

НОТИҚЛИК САНЪАТИНИ ЭГАЛЛАШ ОМИЛЛАРИ

Режа:

1. Нотиқлик санъатини эгаллашнинг асосий омиллари.
2. Тинглаш – нотиқликнинг энг муҳим шарти.
3. Тинглашнинг вазият, ҳолат, ёш, жинс, касб-кор ва бошқа ижтимоий жиҳатлар билан боғлиқ томонлари.
4. Тинглаш ва нутқ ўстириш.

Таянч сўз ва иборалар: *нотиқлик шарти, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нотиқлик санъати, тинглаш маданияти, инсон психологияси, адресант, адресат, тинглаш вақти.*

Нотиқликнинг энг муҳим шарти. Аждодларимиз қадимдан тўғри, таъсирчан, чиройли гапиришга интилиш ва уларни одатга айлантиришга маърифий - ахлоқий талаб сифатида қараб келганлар. Сўзни қадрлаш, яхши сўзлай олиш, сўзлаганда ўйлаб, тушуниб гапириш, чин сўзлаш, тилни тийиш, суҳбат сирларини сақлаш, эзма ва вайсақи бўлмаслик кабиларга амал қилиш нутқ одобининг асосий талаблари ҳисобланган. Нутқий муомаладаги бу одатлар халқимизнинг ўзига хос анъанаси сифатида яшаб ва такомиллашиб келмоқда. Нутқ маданиятини эгаллаш биринчи галда ҳозирги ўзбек тили ва унинг мавжуд ифода воситаларини пухта ўзлаштириш, адабий тил меъёрларига тўлиқ амал қилиш каби лисоний омилларга; иккинчидан, сўзлашганда муайян ахлоқ-одоб меъёрларига риоя этиш, ўз ва ўзгалар гапига эътиборли бўлиш, ўринли сўзлаш, тинглаш, суҳбатлашиш, мунозара маданиятини билиш каби ижтимоий руҳий омилларга боғлиқдир.

Нутқ маданияти тилдан мақсадга мувофиқ ва таъсирчан тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимлар йиғиндисиди бўлиб, тилда мавжуд бўлган, унинг имкониятларидан келиб чиқадиган хилма -хил ифода воситаларидан фикр учун энг маъқулларини танлай билиш ва шу асосда гўзал нутқ туза олиш маҳорати ҳисобланади. Нутқнинг маданийлиги тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, бойлиги, софлиги каби бир қатор коммуникатив сифатларга асосланади. Бу сифатлар

нутқий алоқани таъминлаш билан бирга тингловчи ёки ўқувчига нутқ орқали кўрсатиладиган таъсирини кучайтиради.

Нутқнинг тўғрилиги. Маданий нутқнинг адабий тил меъёрлари (талаффуз, сўз ясалиши, лексик, морфологик, синтактик, услубий меъёрлар)га катъий мослиги нутқнинг тўғрилиги саналади.

Нутқнинг тўғрилиги қуйидагиларга асосланади:

- тил бирикмаларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш, сўз ва мантиқий урғу, оҳанг, паузага эътибор бериш;

- фикрни тушунарли, мазмунли ифодаловчи сўз, атама ва бирикмаларни тўғри танлаш ва ўз ўрнида қўллаш;

- сўзларни вариантлик, маънодошлик имкониятларидан фойдаланишда тингловчининг мафкураси, дунёқараши, маданий савиясини ҳисобга олиш;

- қўшимчаларни тўғри ишлатиш, морфологик шаклларнинг кўп маънолигини назарда тутиш, уларнинг ортиқчалиги, тақрорийлигига йўл қўймаслик;

- сўзларнинг ўзаро бирикиш қонуниятларига амал қилиш, гапларни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш;

- сўзларни имло қоидаларига кўра тўғри ёзиш ва шу кабилар.

Нутқнинг аниқлиги. Сўзнинг ўзи ифодалаётган нарса-ҳодисани аниқ ифодалаб, тилдаги маъносига тўла мувофиқ тарзда қўлланилиши нутқнинг аниқлиги ҳисобланади. Бунда қуйидагилар эътиборга олинади:

- нарса-воқеаларни аниқ номлаш, тушунча ва уни билдирувчи сўзнинг бир-бирига мослигини таъминлаш;

- маънодош ва кўп маъноли сўзлардан мосини танлаш ҳамда улардан нутқда ўринли фойдаланиш;

- эскирган сўзларнинг қўлланиш ўрни ва қўллашни билиш;

- пароним сўзларнинг маъноларини фарқлаган ҳолда тўғри қўллаш;

- касб-хунарга оид сўзлар ва атамаларни ўз ўрнида аниқ қўллаш;

- сўзларнинг ўз ҳамда кўчма маънолари, маъно қирраларини фарқлаш ва шу кабилар.

Нутқнинг мантиқийлиги. Нутқда сўзлар ва гаплар ўртасидаги маъновий-мазмуний алоқаларнинг ифодалаётган фикрдаги мантиқий моҳият ва унинг ривожланиб боришига мос келиши

нутқнинг мантикийлиги ҳисобланади. Нутқнинг мантикийлиги куйидагиларни тақозо этади:

- мантикий тафаккур қоидаларини билиш;
- бир фикрни иккинчисига боғлай олиш ва бу орқали фикр изчиллигини таъминлаш;
- тушунча ва фикрлар ўртасидаги муносабатларнинг мантикийлигига эришиш;
- ўз фикрини асослай билиш, унинг тўғрилигини далиллар билан исботлаш;
- билдирилаётган фикрлар ўртасида зиддият бўлмаслигига эришиш;
- сўзларнинг маъновий-мазмуний моҳияти, уларнинг гапда ўзаро боғланиш хусусиятлари ва тартибини билиш, жумла ва гапларнинг фикр мазмуни билан мувофиқ бўлишига эришиш;
- мантиқан бир-бирига зид, ўзаро алоқадор бўлмаган тушунчаларни

ифодаловчи сўзларни нутқда қўлламаслик ва шу кабилар.

Нутқнинг софлиги. Нутқнинг софлиги адабий тил меъёрларига ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий қоидаларига бўйсунishi билан белгиланади. Нутқнинг софлигини таъминлаш куйидагиларга боғлиқ:

- нутқда шевага хос сўзлар, ибора, грамматик шакл-қўшимчалар, урғу ва талаффузни қўлламаслик;
- бошқа тилларга хос сўз ва сўз бирикмаларини ўринсиз қўлламаслик;
- жаргон ва арголар, дағал, кўпол ва паразит ибораларни қўлламаслик;
- идоравий ёзишмаларда қўлланадиган, қолиплашган сўз ва иборалардан воз кечиш ва шу кабилар.

Нутқнинг бойлиги. Нутқда тилнинг ранг-баранг унсурлари ва имкониятларидан усталик билан фойдаланиш орқали нутқнинг таъсирчанлиги, тўғрилиги ҳамда кизиқарлилигини таъминлаш нутқ бойлигига боғлиқ. Нутқ бойлигига эришишда куйидагиларга амал қилинади:

- фикр ифодасида бир хилликдан кочиш;

– етарли сўз бойлигига эга бўлиш, сўзларнинг турли маънолари, гап моделлари, оҳанг турларини билиш ва ўринлисини танлай олиш;

– айнан бир хил тушунча ёки фикрни ифодалашда турли-туман сўзлар, гап қурилишлари, оҳангни қўллай билиш;

– тил бирликларини ўринсиз такрорламаслик, бунда лексик, морфологик ва синтактик маънодошликдан ўринли фойдаланиш ва шу кабилар.

МУАММО: Тинглаш мулоқот жараёнининг нима учун энг муҳим босқичи эканлигини психолингвистик нуқтаи назардан аниқлаш.

Мулоқот жараёни, жумладан, тингловчи-адресат фаолиятида тинглаш қандай аҳамият касб этишлиги ҳақида фикр юритишдан аввал, тинглашнинг инсон нутқ фаолиятида тутган

ўрни ва роли ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, нутқ инсонни табиатдаги бошқа жонзотлардан фарқлаб, улуғлаб турадиган ижтимоий ходисадир. Фақат инсонларгагина хос бўлган бу муҳим хусусият эса бевосита тинглаш билан боғлиқдир. XI асрда яшаб ўтган шарқ донишмандларидан бири Кайковуснинг “Қобуснома” асарида таъкидланишича, инсон эшитиш қобилияти мавжудлиги учунгина гапира олади. Шунинг учун у ўзгалар сўзини диққат билан тинглашга чакиради: *“Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмакдин қочмагилким, киши сўз эшитмак билан суҳангўйлик ҳосил қилур. Аввало, буни шундоқ далиллаш мумкин: агар бир ўғлон онадан туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб сунт бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуг бўлгонда лол (соқов) бўлур. Кўрмасмусанким, барча лоллар қар бўлурлар...”*¹

Ҳа, МХ тизимида новербал воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсон “мен” ида пайдо бўладиган фикр ва тасаввурларнинг барчаси онг-шууримиз орқали ўтади. Зеро, эшитиш қобилияти туфайли инсонда тил, нутқ пайдо бўлади - қулоқдан кирган товуш, сўз, ибора ва гаплар онгда қайта шаклланиб, ўзига хос усулда товуш

¹Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986, 47-6.

нутқи орқали намоён бўлади. Демак, тинглашни билмаган одам сўзлашни ҳам билмайди.

Кўринадики, тинглаш инсон фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга. Эмбрионлик ва чақалоқлик даврида тинглаш фаолиятнинг юз фоизини ташкил этади, деб оладиган бўлсак, бу микдор атроф-муҳит ва ижтимоий муаммолар таъсирида аста-секин камайиб боради.

Шунинг учун бўлса керак “Болаликда эшитганинг тошга, қариганда эшитганинг кумга битилади” дейдилар.

Ральф Николзомнинг фикрига қараганда, кўпроқ ақлий меҳнат билан банд бўладиган кишилар ўз вақтини мулоқотнинг турли аспектларига қуйидагича тақсимлар экан: 40- тинглаш; 35 – сўзлаш; 16 – ўқиш; 9 - ёзиш;

Бу маълумотлардан аён бўладики, тинглаш кўпчилик ўйлаганидек пассив эмас, балки, актив фаолиятдир. Бирок адресантнинг сўзларини шунчаки эшитиб ўтирган ҳар қандай адресатни тинглашни билади ёки яхши тингловчи деб бўлмайди. Зеро, тинглашни билиш мулоқот актларининг энг қийин аспектларидан биридир. Сўзловчи (адресант) сўзларини диққат билан тинглаш унга кўрсатилган юксак ҳурмат белгиси бўлиб, унумли тинглашни билиш (УТБ) кучли ҳаяжонланишни пасайтиради, зеро, нутқ - икки суҳбатдош ўртасидаги ўйин бўлгани ҳолда, чалкашликка қарши қўйилган чора ҳамдир. Ҳар икки томон имкон қадар ҳаракат қилмас экан, улар ўртасидаги шахс-лараро мулоқот амалда беҳуда уриниш бўлиб қолаверади. Шунинг учун унумли тинглашни билиш суҳбатдошларга кучли ҳаяжонланиш даражасини туширишга ва мавжуд муаммони оқилона муҳокама этишга ёрдам беради.

Мулоқот жараёнида адресант адресатларнинг соҳаси, қизиқиш ва бошқа индивидал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Чунки тинглашнинг астойдил, берилиб, жисму жон билан; шунчаки, бепарволик, ҳардамхаёллик, паришонлик билан тинглаш каби турлари мавжуд бўлиб, адресатларнинг улардан қайси бирига амал қилишлиги маълум маънода адресатларга ҳам боғлиқ бўлади. Яъни, адресатларнинг жинси, ёши ва бошқа ижтимоий белгиларини ҳисобга олиб гапирадиган обрў-эътиборли, мулоҳазали адресатларнинг сўзлари астойдил, берилиб, жисму жон билан

тингланса, адресатларнинг юкорида санаб ўтилган жиҳатлари билан ҳисоблашмай сўзлайдиган адресантларнинг нутки диққат билан тингланмайди. Натижада адресантлар ўз-ўзидан икки тоифага - биринчи тур (эътиборли) ва иккинчи тур (эътиборсиз) адресантларга ажралиб қоладилар.

2. Тинглашнинг вазият, ҳолат билан боғлиқ томонлари

МУАММО: Табиий ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда инсоннинг тинглаш – қабул қилиш жараёни хар хил кечиши мумкинлигини аниқлаш.

Тинглаш нуктаи назар, жинс, ёш, социал белгилардан ташқари, вақт, вазият, ҳолат, кайфият ва бошқа ижтимоий факторлар билан ҳам боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараёндир. Яъни, адресатнинг

тинглашга бўлган эҳтиёж ва қобилияти санаб ўтилган факторлар билан бевосита боғлиқдир. Жумладан:

1. Тинглашнинг вақт билан алоқадорлиги. Аксарият соғлом адресат эрта тонгда хушхабар, ёқимли овоз эшитишни истади. Шунинг учун адресантлар томонидан салгина ёқимсиз хабар айтилгудек бўлса ҳам, адресатлар: “эрталабда шу гапни гапирасанми?!” дея эътироз билдирадилар. Айрим адресантлар томонидан бевақт айтилган гаплар бемаҳалда қичқирган хўрознинг овозига ўхшатилиши ҳам шундан келиб чиққан.

2. Тинглашнинг вазият билан алоқадорлиги. Инсон психологияси шундай нарсаки, у кўпчилик олдада мактов эшитишни ёқтиргани ҳолда, танбех, панд-насиҳат эшитишни мутлақо истамайди. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида бу ҳақда шундай дейилади: “...Сендан талаб қилмаса, кишига насиҳат қилмагил, панд бермагил, хусусан, сени тингламагон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмагайлар. Кўп кишиларнинг орасида бир кишига панд-насиҳат қилмагил”.

3. Тинглашнинг адресат ҳолати билан алоқадорлиги. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ҳолат” ва “кайфият” сўзлари биридан деярли фарқланмайди. Машҳур “Ўткан кунлар” романида ҳолат ва кайфият билан боғлиқ шундай эпизод бор:

“Дуторни созлаш учун реза қуйлардангина олиб турган машшоқ Отабек кутмаган жойда “Наво”дан бошлаб юборган эди.Куйнинг

бошланиши биланоқ унинг вужуди зирр этиб кеткандек бўлиб кейинги пиёласини бўшатди ва ихтиёрсиз равишда дуторнинг мунглик товушига берилди. Дутор товиши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек, бўлиб эшитилар эди. Йўқ, бу ҳасратни ул ўз тилидан сўзламас эди – Отабек тилидан сўзлар эди... Отабекнинг кўз ўнгидан ўткан кунлари бирма-бир ўтиб бошладилар-да, ниҳоят “анув” хотиралари, “анув” ҳангомалари ҳам кўриниш бериб ўтдилар... Йўқ, ўтмадилар... унинг кўз ўнгида келиб тўхтадилар-да, шу кўйи турабердилар... Дутор бу кўринишини унинг кўз ўнгига келтириб тўхтатқач, бу фожеяга ўзи ҳам чидаб туролмагандек йиғлий бошлади...”¹⁷.

Дуторнинг ҳасрат тўла унларида инсон қисматининг ҳайқириқлари мужассам эди. Бу ҳайқириқ хаёлдаги энг беғубор оламлар эшигини тақиллатар, очмоқ учун беҳуда уринарди. Умридан, кўнглидан ҳаловат кетган, муҳаббати, ишончи таназзул остонасида турган Отабекнинг ички азоби ва исёнини гўё фақат дутор англаётганди. Қисматнинг ўйинлари олдида бош эгишга



мажбур бўлган кўнглининг аламли, ҳасратли иқрори эди бу. У фожеий қисматнинг оҳидай ўртанади. Ҳатто китобхон ҳам гўзал изтироб дарёсига ғарқ бўлади.

“ Дутор қуруққина йиғламас эди, балки бутун қошотни зирр этдириб ва хаста юракларни дирр силкитиб йиғлар эди... Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўймоли билан кўзини яшириб йиғламоққа киришди... Ул кўз ёшларини

тўхтатмоқчи бўлар эди – ҳамма ихтиёр дуторнинг ҳазин “Наво”сида, тоқатсиз йиғисиди эди... Дуторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чиққан “Наво” куйи ўз ноласига тушингучи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди. Ўз дардига тушинган бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиглаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини нутиб

¹⁷ Қодирий А. Ўткан кунлар. Роман ва унинг тақдири. “Зилол булоқ” нашриёти. Тошкент, 2019. Б.-230-231.

йиглар, кучини йигиштириб йиглар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиглар эди... „18

Ҳижрон олови қаъридаги туғёнлар фаввора мисол отилар, борар манзилини тополмай дуторга кўшилиб дод соларди. Бу нидомиди, аламмиди, ноламиди, ёки сўзсиз видомиди. Бу дарднинг юкини фақат дутор кўтаришга қодир эди...

Шу ўринда бир ривоятни келтирмоқчимиз. Айтишларича, дуторни Афлотун яратган эмиш. У дастлаб дуторнинг дастасини, қалласини ва қатга қорнини ясаган. Аммо, ундан ҳеч қандай оҳанг чиқмаган. Афлотун бунинг боисини била олмай кўп қийналган. Бир куни унинг олдидан бир йигит хиргойи қилиб ўтади. Бу ёқимли овозга Афлотун маҳлиё бўлиб қолади.

Бир неча соатдан кейин ҳалиги йигит яна хиргойи қилиб орқасига қайтади. Лекин бу гал унинг овози бўғиқ, ёқимсиз эди. Афлотун йигитни тўхтатиб, бунинг боисини сўрайди. Шунда йўловчи: “Эй, тақсир, эрталаб кўшиқ айтиб ўтганимда қорним оч эди. Энди эса овқатланганим боис, нафасимни юк босди овозим хунуклашиб, ҳатто ўзимга ҳам ёқмаяпти”, деб жавоб беради. Афлотун бундан хулоса чиқариб, дуторнинг қорнидан ортикча “овқат”ни чиқариб ташлайди. Сўнг дуторни қайта кўлга олади. Соз беқиёс даражада гўзал, юракни тўлқинлантирувчи сас чиқаради.

4. Тинглашнинг адресат кайфияти билан алоқадорлиги.

Маълумки, табиат ва жамиятда рўй берадиган турли воқеа-ҳодисалар инсон кайфияти билан боғлиқ ҳолда унга ҳар хил таъсир кўрсатади. Бу нарса тинглаш жараёнига ҳам бевосита тегишлидир. Яъни, бир хил товушни икки хил кайфиятда турган одам икки хил эшитади. Инсон психологиясининг қизик бу табиати таниқли шоир Абзам Ўктамнинг “Кайфият” номли шеърида фалсафий ифодаланган. Собиқ шўро замонида шеър қаҳрамонига радио карнайлар шаллақилиқ қилаётгандай, газеталар фақат ёлғонни ёзаётгандай туюлади:

¹⁸ Ўша манба. Б.-231.

*Тинглайсан – нақадар шаллақи карнай,
Очасан – рўзнома тўладир ёлгон.
Шубҳаю гумонлар келар пайдар-пай,
Шармандалик қилар ойнаи жаҳон.
Улар сўзга чеан – ёлгон арзондир,
Пуч гап оғир қилар енгил ҳавони.
Наҳот билмас, наҳот илунча нодондир,
Асли кимга айтиш керак санони.*

Адресат кайфиятининг бузилишига адресантнинг ўзи сабаб бўлса, илгари ёқимли эшитилган товуш ҳам ёқимсиз туюлиши мумкин. Тилда халқ маданиятининг илк шакллари ҳам, бугунги ҳолати ҳам бирдай мавжуд. Шунга кўра, тил маданият ифодаси сифатида архаиклашган, нисбийлашган, барқарор маданий магизли бирликларнинг муҳташам хазинасидир.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Нутқнинг маданийлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқнинг тўғрилиги ҳақида гапиринг.
3. Нутқнинг аниқлиги ҳақидаги тушунчани изоҳланг.

Топширик. Таниқли шоир ва таржимон Минҳожиддин Мирзонинг “Тановор” шеърини ўқинг. У ҳақидаги фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

Тановор

*Мозийдан бир садо келар кўп замон,
У бир булоқ суви, сеҳрли уммон.
У бордир миллат ҳам, ватан ҳам омон,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Жисмимда очилур тарих китоби,
Олис аجدодларнинг ўтлиг хитоби,
Муסיқа оламин ажиб офтоби,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Юрак титроқ тордай нидолар қилар,
Оҳанг кўнгилларга видолар қилар,
Неча бағирларни адолар қилар,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Ҳар ўзбек юрагин гамию, оҳи,
Торни ҳам титратиб йиғлатар гоҳи,
Мукарраммахоним мангу ҳамроҳи,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Ўйнасанг, юрак ҳам ўйнар танангда,
Олис аждодларинг куйлар қонингда,
Элим, шундай улуг неъмат жонингда,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Миллат кўшиғи бу, кўнгил кўшиғи,
Бедард юракларга санчилур тиғи,
Кулиб ўйнасанг-да, бўғзингда йиғи,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Дилларга бундан зўр ҳамроҳ бўлмагай,
Дунё бор эканки бу гул сўлмагай,
Бундай санъати бор миллат ўлмагай,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Маделин Беркли-Ален. Забытое искусство слушать. – Санкт-Петербург: ПИТЕР, 1997.
2. Қодирий А. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. –Тошкент, 1992.
3. Кайковус. Қобуснома. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
4. Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

НОТИҚЛИК САНЪАТИДА МАТН БИЛАН ИШЛАШ. ЎҚИШ ВА УҚИШ САНЪАТИ

Режа:

1. Матн ва унинг турлари.
2. Нотиклик санъатида мутолаа маданиятининг ўрни.
3. Уқиш санъати ҳақида.

Таянч сўз ва иборалар: матн, ўқиш, уқиш, санъат, атама, белги, маҳорат.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғути”да “матн” атамаси қуйидагича изоҳланади: *Матн* - (арабча) елка, нуткнинг ёзувдаги ифодаси – (текст); Ёзувда ёки босма ҳолда шакллантирилган муаллифлик асари ёки ҳужжат. “Матн” сўзи (атамаси) тилшуносликда жуда кенг маънода қўлланади. Шунинг учун “матн” тушунчаси аниқлашда унга хос ҳамма белги-хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади:

1. Матн – бу, энг аввало, нутқ шакли. У оғзаки ёзма ҳолда ифода этилиши мумкин.

2. Матн – нарса, воқеа, ҳодисалар ҳақидаги маълумот, хабарлар йиғиндиси.

3. Матн – мазмуний ва шаклий тугалликка эга бўлган йирик синтактик қурилма.

4. Матн – бирор муаллифнинг нутқи.

5. Матн - нутқ муаллифининг воқеликка бўлган турли муносабати.

6. Матн - таҳлил қилиш учун тавсия этилган қўлёзма, нашр қилинган асар ёки уларнинг фрагментлари.

7. Матн - мазмунан кетма-кетлик характериға эга бўлган бир неча нисбий мустақил содда ёки қўшма гаплар йиғиндиси

Кўринадики, матн тушунчаси жуда кенг маънони камраб олади. Тилшуносликда “матн” атамаси, асосан, бир- биридан фарқланувчи икки синтактик бирликни ифодалаш учун хизмат қилади: бир маънода “матн” атамаси остида икки ёки бир неча нисбий мустақил гаплардан ташкил топган, тугалланган фикр англатувчи нутқ кўриниши тушунилса, иккинчи бир маънода бутун поэтик ёки прозаик асар, газета ёки журнал мақоласи, илмий маъруза, реферат ёки монография каби ёзма нутқ кўринишлари, баъзан бир бутун асарнинг боблари, бўлимлари, қисмлари ва уларни ташкил этувчи

абзацлар маъноси англашилади. Демак, матн - лингвистикасининг, кўпинча, фарқланмаган ҳолда “матн” деб номланувчи икки объектини фарқлаш керак бўлади:

1. “Матн” кенг маънода бир бутун асар-макротатн деган сўз.

2. Матн-тор маънода суперсинтактик бутунлик. (сверх-фразовое единство)-микротатн демакдир.

Матннинг бу икки кўриниши баъзан ҳажм жиҳатидан тенг келиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, кичик ҳажмдаги қисқа ҳикоя ёки шеър, газета мақолалари (об-ҳаво маълумоти, эълон каби) битта микротатн -суперсинтактик бутунликдан иборат бўлиши мумкин. Матн бўлиши учун компонентлар орасида семантик ва грамматик боғланиш бўлиши шарт.

Матн таркибига кирувчи нисбий мустақил гаплар компонентлар мазмунан умумий бир мавзунини ифодалаш учун хизмат қилади. Шу мавзу матн компонентлари ёрдамида ҳар томонлама ёритилади. Ана шу умумий мавзу матннинг мазмуний ядроси ҳисобланади. Бир мазмуний ядронинг яна бошқа бир мазмуний ядро билан боғланиши - алоқага киришишидан макротатнлар ҳосил қилинади. Натижада, асарнинг бир қисми ёки тўда бир асар яратилади. Бу асар - макротатн бир неча мазмуний ядролар, уларни реаллаштирувчи йирик синтактик бутунликлар, абзацлардан ташкил топади.

Инсон алоҳида олинган сўзлар билан эмас, гаплар ва матн ёрдами- да фикр алмашади. Шунинг учун ҳам коммуникатив вазифа бажариш даражаси жиҳатдан матн биринчи ўринда туради. Матн тил бирликлари йиғиндисининг ҳаракатдаги кўринишидир.

Матннинг энг кичик бирлиги гапдир. Матн назарияси гапнинг актуал бўлиниши муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Матнда ҳам гапга хос актуал бўлиниш кузатилади.

Демак, матн семантик-синтактик-стилистик бутунлик бўлиб, ўзига хос мураккаб структурага эга. Матн таркибига кирувчи компонентлар -бирликлар қуйидагилар:

- а) гап - содда ёки қўшма гаплар, уларнинг мураккаблашган кўринишлари;
- б) суперсинтактик бутунликлар;
- с) период — “зийнатли нутқ” (Аристотель) .

Ижтимоий-маданий ўзгаришлар доирасида аҳоли турли табақалари орасида мутолаа маданиятини таркиб топтиришнинг янги шакл ва услубларини юзага чиқарди. Ана шу шакллар орасида энг эътиборли жиҳат, шубҳасиз аҳолида нашр' маҳсулотлари

мутолааси ўрнига аудиовизуал манбалардан маълумот олишга интилишнинг кучайишидир. Шунингдек, мутолаа жараёнларида юз бераётган бугунги кундаги ўзгаришлар, бизнинг назаримизда куйидагилардан иборат:

– аҳолида маълумот олишга ва адабиётларга талабнинг кескин ошиши;

– замон талабига оператив жавоб беришга йуналтирилган "фойдали" билим ва адабиётлар ёки вақтли нашр маҳсулотлари мутолааси билан шуғулланувчилар сонининг ўсиши;

– китоблардан кўра, газета-журналлар мутолаасини афзал кўрувчилар сонининг ошиши;

– оммавий маданият таъсири натижасида мутолаадаги бадий-эстетик, ахлоқий меъёрлар мазмунидаги ўзгаришлар (детектив, сентиментал адабиётларга қизиқишнинг ортиши);

— мутолаага ижтимоий-маънавий, эстетик эҳтиёжлар, умумий камолот мўлжаллари асосида эмас, балки, бўш вақтни тўлдиришга қаратилган пассив машғуллик, яъни эрмак воситаси сифатидаги муносабатнинг ўсиши;

– ёш авлодда, айниқса мактаб ва мактабгача ёшдагиларда мутолаа маданиятини шакллантириш ишларида интеллектуал-маърифий, эстетик фахрланишлар даражасининг ортиши;

– таълимнинг турли йуналишлари ва ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича лотин грамматикасидаги адабиётларнинг камлиги- сабабли аҳоли турли табақаларида мутолаа маданиятини таркиб топтириш жараёнларидаги мураккаблиklar.

Мазкур жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, замонавий жамиятда мутолаа маданиятининг аҳволи ҳамда фукароларимизда мутолаа маданиятини таркиб топтириш усулларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Бунга эришиш учун эса, аввало мутолаа маданияти ҳодисасини, унинг жамиятда амал қилиши, ижтимоий тузилмада туган ўрни, шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини чуқурроқ таҳлил қилиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳодисани таҳлил қилишда уни тизимларга бўлиб ўрганиш самарали усул ҳисобланади. Илмий адабиётларда муайян масалани "мавзуий", "муаммовий", "яхлит" ва "тизимий" кўринишларда тадқиқ этиш тажриба қилиб келиниши маълум. Тизимий ёндашув воқеликнинг "тизим ясовчи" энг муҳим таркибий жиҳатларини тадқиқ этиш орқали муаммонинг ечим йўллари аниқлаб бериллади.

Тизимли таҳлилнинг асосий мақсади — мураккаб ҳодиса ва воқеаларни абстракт услубларда талқин этиш, жараёнга хос бўлган энг муҳим белгиларни аниқлаш ва уларнинг тизимдаги ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб беришдир. Тизимлар, шу жумладан ижтимоий тузилмалар ҳақида фикр юритар экан, академик Б. Г.Афанасьев шундай ёзади: "ўзаро алоқа натижасида янги интегратив сифатлар ҳосил қилувчи объектлар мажмуи бир-бирига хос бўлмаган қисмлар, компонентлардан иборат бўлади"¹.

Мутолаа маданиятини бир бутун тизим сифатида тасаввур этиш, бу тизимнинг асосий компонентларини аниқлаш, уларни ўзаро ва ташқи муҳит билан алоқа қилиш механизмини аниқлаш, уни ўзидан катта тизимдаги ўрнини, энг оддий таркибий элементининг мазмуни, фаолияти, тизим тақозо қилувчи алоқаларни очиб беришни талаб этади.

Тизим ташкил қилувчи бирор - бир элемент этишмаса, бутунлик ҳосил бўлмайди. Жамланма компонентлар, қисмлар эса қутилмаган бошқа тизимларни юзага келтириши мумкин². Шунга амал қилган ҳолда, мутолаа маданиятининг қуйидаги таркибий қисмларига, яъни: мутолаа технологияси, мутолаанинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ҳамда мутолаа субъектларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мутолаа технологиясини мутолаа жараёнининг бевосита амалга ошишини таъминловчи объектив омиллар, зарурий воситалар, шарт- шароитлар ташкил этади. Буларга жамиятнинг умумий маданият даражаси ҳамда аҳолининг мутолаага ижобий ёки салбий муносабатлари даражаси, давлатнинг мутолаа маданиятини шакллантиришга доир олиб бораётган сиёсати, жамиятнинг мазкур ҳодисага ёндашуви, турли жамоат ташкилотларининг муносабати кўрсатишича, китоб ўқишга қизиқувчиларнинг 72,0 фоизида мутолаага қизиқиш оила муҳитида шаклланган, 17,0 фоизи эса, мактабгача оилада ўқишни ўрганган. Ёшларнинг 42,0 фоизи ўқиган китобларини оила аъзолари билан муҳокама қилишларини билдирди. Бу эса синфдошлар ва тенгдошлардан кейинги (56,0%) ўринни эгаллайди. Шунингдек, мазкур жараёнларга оила кутубхоналари ҳам таъсир кўрсатади. Зеро, шаҳар ёшларининг 91 фоизи ҳамда қишлоқ ёшларининг 50 фоизи оилавий кутубхонаси мавжудлигини билдирган. Бу эса жамиятда мутолаа маданиятини шакллантириш институтлари тизимида оиланинг ўрни ёш авлодда мутолаага қизиқишни шакллантиришдан иборат эканлигини

кўрсатади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, бизнинг назаримизда, республикамизда амалга оширилаётган оилаларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш дастурлари орқали оилада мутолаа маданиятини таркиб топтиришни рағбатлантириб бориш лозим.

Мутолаа маданиятини шакллантиришда оиланинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. Ёш авлодда мутолаага қизиқишни уйғотиш;
2. Оила аъзоларига ёшга мос адабиёт танлашни ўргатиш;
3. Оила кутубхонасини ташкил этиш ва мазкур кутубхонадаги китобларнинг бой ва турли-туман бўлишини таъминлаб бориш;
4. Ёш авлодда китобдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш;
5. Болаларда мутолаа вақтларини тўғри ташкил қилиш тажрибасини шакллантириш.

Мутолаа маданиятини шакллантириш муассасалари тизимида муҳим аҳамият касб этадиганларидан яна бири, шубҳасиз кутубхоналардир. Ўқув муассасаларининг кутубхоналари асосан ўқув адабиётлари билан таъминлаш билан шуғулланса, оммавий кутубхоналар аҳолини умумий мутолаа манбалари билан таъминлашлари лозим. Шу ўринда айтиш лозимки, ўқув муассасаларининг кутубхоналари ҳам, китобхоналарни кўшимча адабиётлар, айниқса бадиий адабиётлар билан таъминлашлари лозим. Бироқ, бугунги кунда ўқув муассасаларининг кутубхоналарининг мазкур соҳадаги фаолиятлари қониқарли эмас.

Кутубхоналарнинг жамиятда мутолаа маданиятини шакллантириш муассасалари тизимидаги муҳим вазифаси шундан иборатки, давлатнинг расмий сиёсати айнан мазкур муассасалар орқали амалга оширилади.

Мутолаа мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўзига хос таркибий қисмларга эга. Ана шундай муҳим таркиб ясовчи қисмлардан бири— мутолаа психологиясидир. Олдинги бўлимларда кўриб ўтганимиздек, мутолаа маданияти таркиб топишида аввало мутолаа субъектининг таъсири кучлидир.

Мазкур жараённинг мураккаб ички тузилмалари хусусида махсус тадқиқот олиб борган Н.А.Рубакин бу ҳақда шундай фикр билдиради: "Мустақил таълим билан шуғулланаётган ҳар бир китобхон, ҳар бир инсон, ўзига хос индивидуалликка, яъни факат

ўзигагина хос бўлган шахсий, ижтимоий ва тарихий ҳаёт шароитлари таъсирида доимо ўзгариб турувчи шахсий хусусиятларга, қизиқишларга, ва ниҳоят, кайфиятга эга бўлади. Мазкур хусусиятларнинг барчаси ҳар бир инсонда ўзига хос тарзда амалга ошувчи мустақил таълимнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилиши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади”¹.

Мутолаа мотивлари айтилиши вақтда китобхоннинг, ўз тасавуридаги содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар, меъёрлар, савия даражалари ҳамда сифатларга кай даражада мувофиқ келишига асосланган ички кечинмаларидир. Муайян адабиётни ўқиётган китобхон тасавурида, китобни танлаш мотивлари образлар шаклига (тўзиган китоб ҳақида маълумот ва тасаввурга эга бўлишга интилиш, яъни китобнинг тўзиганлиги, бу китобнинг жуда кўп китобхонларни қизиқтирганлигидан гувоҳ), фикрларга (бошқа китоблар билан таққосланиш жиҳатидан ушбу китобнинг қизиқтириш даражасининг юқорилиги ҳақида мулоҳаза юритиш), қизиқтиришга (бутун диққат-эътиборни ўзига жалб этадиган сюжетга эга бўлиши), истак-хоҳишга (масалан, А. Қаҳҳорнинг барча асарларини ўқиб чиқиш) боғлиқ.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. “Матн” сўзини шарҳланг ва унинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
2. Нотикликда китоб мутолаасининг ўрнини тушунтиринг.
3. Уқиш санъатининг ўзига хос белгилари нималардан иборат?

Топширик. Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқованинг “Кўлингизда китоб бўлсин” шеърини ўқинг. Фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

*Сулув қизлар, эгингизда
Майли, итак, кимхоб бўлсин.
Ҳаё бўлсин кўнглингизда,
Кўлингизда китоб бўлсин.*

*Борар манзилингиз бахтдир,
Гоҳи гирдоб, гоҳ ҳикматдир.
Қўрмоқ учун ёруғ тақдир,
Кўлингизда китоб бўлсин!*

*Сандигингиз тўлсин сепга,
Тўнлар бўлсин Отабекка,
Кумуш қизим, ишққа бека,
Қўлингизда китоб бўлсин!*

*Сизга доим ҳуту ҳамал,
Имон бўлсин дастурамал,
Фузулийдан ўқинг газал,
Қўлингизда китоб бўлсин!*

*Қуринг саодатли турмуш,
Ўғлингиз бўлсин Алиомиш,
Бўлмай десангиз фаромуш,
Қўлингизда китоб бўлсин!*

*Яратган хуш кўрсин сизни,
Фаришта туш кўрсин сизни,
Эмизётиб болангизни,
Қўлингизда китоб бўлсин!*

*Сиздан қолсин чаман, гулбоғ,
Кўнгилларга ёқиб чироқ,
Дунёларга бериб сабоқ,
Қўлингизда китоб бўлсин!*

Қўшимча адабиётлар:

1. Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. – Фарғона, 2016.
2. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. – Тошкент, 2004.
3. Э. Сиддиқова. Сўз устидаги дунё. Т. 2014.

НОТИҚЛИК САНЪАТИДА ЭТИКЕТНИНГ АҲАМИЯТИ

Режа

1. Этикет тушунчаси ва моҳияти.
2. Нотиклик санъатида этикетнинг ўрни.

Таянч сўз ва иборалар: маданият, этикет, шахс, маънавият, суҳбат одоби.

Э Т И К Е Т (франц. etiquette — маълум жойда ўрнатилган тартиб-қоида) — инсон ва жамият ташки маданиятининг асосий қисми бўлиб, унинг қатъий русум тусини олган талаблари асрлар давомида, гўзаллик, интизом, ақл ва идрокнинг муштараклиги асосида шаклланган эстетик меъёрлар мажмуидир. Ушбу ибора “этика” атамасига яқинроқ бўлиб, “одоб-ахлоқ”, “одат”, “маросим” каби тушунчаларни англатади. Уларнинг мажмуи умумжамоа томонидан қабул қилинган одатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, маросимлар ўтказиш тартиби ҳақидаги қоидаларни ўзида мужассам этган фан орқали ўрганилади.

“Этикет” сўзи карточка - “этикетка” сўзидан келиб чиқиб, у Қирол Людовик XIV даврида, нуфузли маросимлар ва олиймақом тантаналарда иштирок этувчиларга тақдим этилган.

Этикет атамасининг ўзи Ғарбдан келган бўлиб, ўрта асрларда Оврупода нафақат маданият белгиси, балки, оддий халқдан оқсуяк – зодагонларни ажратиб турувчи восита сифатида хизмат қилган.

Кейинчалик бир қатор ғарб мутафаккирлари, жумладан, олмон файласуфлари ва руҳий таҳлилчилар томонидан сертакаллуфлик, фақатгина жамият олдидаги обрўси учун қилинадиган бу каби юзаки одоб ёки қатъийлаштирилган ахлоқ мезонларидан воз кечишни таклиф этганлар. Зеро, ўта сертакаллуфлик, фақатгина жамият олдидаги обрўси учун қилинадиган юзаки одоблар иккиюзламачилик сифатида ҳам мулозаматни меъёрдан чиқарган ва

уни қабул қилган инсонга ҳам руҳий жиҳатдан аксил таъсир кўрсатади.

Бу борада буюк алломаларимиздан ҳисобланмиш Имом Ғаззолий ўзининг «Кимёи саодат» асарида: «Хабарда келибдур, «Ҳар ким ёмон кишилар билан вазмин бўлса, у иш садақадур». Абу Дардо розийаллоҳу анҳу айтибдурлар: « Аксарият одамлар бор, ўз обрўйини ёмонларнинг тилидан сақлайдилар. Мен ҳам аларнинг юзига кулиб қарайман. Аммо менинг дилим ул кишига лаънат айтадур». Одамларнинг ёмонидан кўркиб, унинг айтганини қилгандан кўра, унинг қалбига тил топиб ўз таъсиригизни ўтказиш билан яхши йўлга бошлаган маъқул. Зеро, ўта даражада «тўғрилиқ» ҳам қўполликка сабаб бўлиши мумкин.

“Этикет” - инсонлараро мулоқот шакллариининг умум томонидан қабул қилинган ўзига хос кўриниши бўлиб, у муомаланинг санъат даражасидаги кўринишидир.

“Этикет” – инсонлараро мулоқот шакллариининг умум томонидан қабул қилинган ўзига хос кўриниши бўлиб, у муомаланинг санъат даражасидаги кўринишидир.

Ғарб этикети – муомалада “ўзини тутиш” ва “чиройли ҳатти-ҳаракат”ни намоён қилиш орқали кўзга ташланади.

Ғарбда кўпроқ ўзини тутиш деганда – этикет сифатида – ҳатти-ҳаракатлар назарда тутилади. Аммо Шарқда қалбдаги «этикет» бирламчи вазифани ўтайди. Бу дегани Шарқда этикет бўлмаган, деган маънони бермайди. Шарқ халқлари этикети – муомалада “гўзал ахлоқ” орқали намоён бўлади. Азал-азалдан одоб масаласи бирламчи вазифа сифатида муҳим ҳисобланган. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, одоб ва кишилар ўртасидаги мулозамат, муомала борасида алоҳида тўхталиб ўтганлар. Ҳатто катта асарлар ҳам битганлар.

Қадимги Мисрда халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва имзолаш ўзига хос тантанали ва муайян қоидаларга асосланган ҳолда ташкил этилган. Бунинг натижасида бошқа давлатлар билан алоқаларни йўлга қўядиган махсус одамлар — “элчилар” шаклланди.

Қадимги Юнонистонда элчилар ўзлари билан “Гермес тамғаси” деган махсус тамға олиб юришган. Тамғанинг устки қисмида лавр япроғига маҳкам ёпиштирилган куш пати (эпчиллик, абжирлик ва айёрлик), иккита танғилган боғич (ҳаракатчанлик ва ғайритабиийлик) бўлган.

Элчиларга “диплом” деб аталувчи иккала томонига муайян кўрсатмалар ва қоидалар ёзилган “ёрлик” — тавсияномалар берилган. Уларга муомалага доир айрим зарурий қоидалар ёзиб қўйилган. Этикетга мулоқот маросимининг ўзига хос кўриниши сифатида муносабат билдирила бошланди.

У айрим адабиётларда одоб-ахлоқ, мулозамат ва муомала маданияти сифатида талқин қилинади. Этикет такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб-ахлоқ қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муносабат ҳодисаси ҳамдир. Айни пайтда этикет инсоннинг маданий даражасини белгиловчи, уни ахлоқий меъёрлар сари етакловчи, комилликка интилишга рағбатлантирувчи муҳим тарбиявий жиҳатларни ҳам қамраб олади.

Этикетнинг камрови кенг, у маълум маънода халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳоказо. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экранни орқали кўриб турамыз.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрликларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат — халқаро миқёсда ўрнатилган қоидалар ҳукмрон. Уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичик бир мисол: дастурхонда тановул қилиш пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади, уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, катталаштирилган муомала

одоби дейиш ҳам мумкин» - деб кўрсатиб ўтади файласуф-шоир Абдулла Шер ўзининг «Ахлоқшунослик» китобида¹⁹.

Этикет кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади. Ҳар бир инсон муайян ҳолларда ўзини қандай тутиши кераклигини, қабул қилинган одоб – ахлоқ нормаларига мувофиқ ёки бу қоидаларга хилоф хатти – ҳаракат қилиш кераклигини маълум даражада мустақил ҳал қилади ва ўз ҳаракатларига ўзи баҳо беради. Агар ўзи хоҳлаган хатти – ҳаракатни танлаш эркинлиги бўлмаганида эди, у ҳолда одоб – ахлоқ ҳақида гапиришга ҳам ҳожат қолмас эди. Инсон ўз атрофидаги одамлар таъсирида камолотга эришади. Зотан, инсон жамиятда яшаб туриб, жамиятдан четда тура олмайди.

Этикет меъёрлари ўта шартлидир. Бу меъёрларни нима қилиш мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳақидаги шартномага қиёс қилиш зарур. Ҳар бир маданиятли киши этикетнинг асосий шартларини билиши лозим. Этикетнинг асосини ташкил қиладиган хислатлар: яхши хулқ, жамоат жойларида ўзини тута олиш, ташқи кўриниш, муомала маданияти. Инсоннинг нафақат ташқи, балки ички маданиятини ҳам белгилловчи омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан этикет беқиёс аҳамиятга эга. Кундалик ҳаётда, жамоат жойларида, ишда, ўқишда, кўчада, меҳмондорчиликда, турли расмий тадбирларда ўзини муносиб тута билиш ва атрофдагиларда ёқимли таассурот уйғотишни ўргатади. Унга амал қилган кишининг мавқеини кўтаради ва барқарор ушлаб туришга ёрдам беради. Умуман, этикет яхши турмуш тарзини таъминлайди, чунки ўзаро мулоқот ўрнатмай туриб, ҳеч қандай жараён ижобий амалга ошмайди.

Замонавий таълим-тарбия ахлоқ қоидаларига маълум бир талаб ва тартибларни қўйганки, буларни ўзлаштириш ҳар бир маданиятли киши учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Инсонпарварлик, эркинлик, ўзаро ҳамжихатлик, хайрихоҳлик шулар жумласидандир. Ахлоқнинг

¹⁹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000й. 164-165 б.

бундай меъёр ва талаблари инсоният ҳаётининг барча қатламларига тезкорлик билан сингиб бормоқда. Гар шундай экан, талаба-ёшлар ҳам ўз фаолияти давомида ўқиб-ўрганиши, ҳаёти давомида буларни тўла ўзлаштирган бўлиши ва амал қилиши шарт.

“Этикет” – жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор шакли бўлиб, у кишиларга эҳтиром кўрсатиш, улар олдида ўзини тутиш қоидаларининг мажмуасидир.

1.2. Этикет – замонавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида.

Фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини инсонларнинг маданий-маънавий савияси белгилайди. Шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларда фойдаланиши, ўз ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши муҳим аҳамият касб этади. Қисқаси, у инсон камолотининг белгиси ҳисобланади. Зеро, ахлоқий маданият ахлоқий миллий қадриятларнинг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан муносабатларида намоён бўлади.

Этикет қоидаларига кўра, чиройли табассум муваффақият гарови ҳисобланади.

«Аксарият одамлар бор, ўз обрўйини ёмонларнинг тилидан сақлайдилар. Мен ҳам аларнинг юзига қулиб қарайман. Аммо менинг дилим ул кишига лаънат айтадур».

Этикетнинг ўзига хос хоссалари жуда ҳам кўп. Улардан энг асосийлари этикет қоидаларининг универсаллиги ва ўзгарувчанлиги ҳисобланади.

Этикет қоидаларининг универсаллиги деганда унинг баъзи кўринишларининг сарой, дипломатик, ҳарбий ва умумфуқаролик муносабатларда, тенгқурлар, турли ёш ва тоифадаги одамлар ўртасида ҳамда ҳар хил жойларда бир хиллиги тушунилади. Масалан, уларга саломлашиш, стол атрофида ўтириш, таом истеъмол қилиш ва шунга ўхшаш бошқа этикет қоидалари киради. Ҳар бир маданиятли киши ўзи яшаётган жамиятдаги этикет қоидаларига риоя қилиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, этикет қоидаларига риоя қилиш кишининг ички маънавий маданиятига, ахлоқий ва интеллектуал савиясига боғлиқ. Маданиятли, одобли ва ахлоқий тарбияли ҳар бир киши жамиятда ўзини тутиш, ҳатти-ҳаракат қилиш қоидаларига доимо риоя қилади. Фуқароларининг маданиятига қараб жамиятнинг умумий маданият даражаси баҳоланади. Лекин фуқароларнинг билим ва маданият даражасининг ҳамда яшаш шароитларининг ўзгариши билан этикет қоидалари ҳам ўзгариб боради. Авваллари керакли деб ҳисобланган баъзи бир этикет қоидалари ҳозирги замонда эса аҳамиятсиз, ўша пайтда кераксиз деб ҳисобланган баъзи бир этикет қоидалари эса ҳозирги замонда ҳамма учун урф-одат қоидаларига айланиб бормоқда. Буни айниқса дипломатик ва умумфуқаролик муносабатларда яққол кузатиш мумкин. Масалан, хитойликлар, дўстини учратганда ўзининг кўлини ўзи қисган, ёки бўлмаса, Африкада яшайдиган зулуслар бир-бирлари билан саломлашишда «Мен сени кўраялман» деб айтади. Бундай мисолларни жуда ҳам кўп келтириш мумкин.

Бинобарин, жамиятнинг ривожланиши билан баъзи бир этикет қоидалари такомиллашиб ҳам боради. Масалан, Ғарбий Европанинг феодализм давридаги рицарлари (ҳарбий табақали кишилар) темир совутда, этиқда ва темир қўлқонда ҳамда ойнали темир бош кийимида юришган. Улар танишларини кўрганда ёки меҳмондорчиликка борганда «кўр, менинг бошим очиқ, ҳимоясиз» деган маънода шлемини ечиб кўрсатишган. Бу этикет қоидаси такомиллашиб, шляпасини ёки бошқа бош кийимини кўтариб саломлашиш урф-одатига айланган. Ҳозирги вақтда қадимий

грекларнинг «хурсанд бўл» деб саломлашиши «соғ бўл» деб саломлашишга айланган. Охириги йилларда ёшлар ўртасида янги этикет қоидалари ҳам вужудга келмоқда. Масалан, америкалик ёшлар бир-бирларининг елкасига қоқиб саломлашадилар.

Этикет қоидаларига риоя қилиш муносабат жойларига, вақтига ва вазиятларга боғлиқ бўлади. Масалан, расмий учрашувларда унинг қатнашчилари албатта, қора костюм, туфли, оқ кўйлақда, галстукли бўлишлари шарт бўлса, расмий бўлмаган учрашувларда эса галстуксиз ва костюмсиз ҳам қатнашиш мумкин.

ЭТИКЕТ ҚОИДАЛАРИ

Одамлар жамиятда бир-бирлари билан алоқасиз, алоҳида яшай олмайди. Улар ҳар куни бир-бирлари билан муомалада бўлади. Лекин муомала қилиш даражаси одамнинг ички маданиятига боғлиқ. Ички маданият эса ўз навбатида одамнинг ахлоқий тарбиясини белгилайди. Одам атрофдаги кишилар, ҳамкасблари ва оила аъзолари билан муомала қилишда этикет қоидаларига риоя қилиши шарт. Одамларнинг муомала тарихи мобайнида шаклланган ва мантикий асосланган муомала қоидалари қуйидагилардан иборат:

- хушмуомалалик;
- одобилик ва меҳрибонлик;
- назокатлилик (мулойимлик);
- камтарлик;
- сабр- тоқатлилик

Хушмуомалалик – маданиятлилик белгиси, маданиятли кишининг бошқалар билан муомала қилишининг одатга айланган усули, барча жамият аъзоларига, ҳамкасбларига, оила аъзоларига ва ўзига кўсатадиган ҳурмат белгисидир. Ҳамда бошқаларга ва ўзига ҳурмат билан қарашнинг, улар манфаатларини ҳисобга олишнинг ва ҳурматга сазоворлигини тасдиқлашнинг элементар қоидаси ҳисобланади.

Хушмуомалалик муносабатга аълоқадор кишиларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада муносабатда бўлган томонларнинг бир-бирларига бўлган ҳурмати ошади. Бу эса муносабат объекти бўлган масалаларнинг ижобий ҳал бўлишига

олиб келади. Демак, хушмуомалаликнинг жамиятдаги аҳамияти жуда катта. Шу сабабдан ҳам бўлса керак, ўрта аср испан мутафаккири Сервантес, «хушмуомалаликдек биронга нарса ҳам шундай арзон турмайди ва шундай қиммат баҳоланмайди», деган эди. Хушмуомалаликнинг ҳақиқий ва сохта кўринишлари мавжуд. Ҳақиқий хушмуомалаликда одамнинг муомала ҳаракати унинг ички маданияти ва ҳис-туйғулари билан уйғунлашади. Акс ҳолда унинг хушмуомалалиги сохта бўлиши мумкин. Сохта хушмуомалалик асосан суҳбатдошни ёқтирмаганлиги, ички маданияти ва ҳис-туйғуларининг қилаётган муомала ҳаракатига мос келмаслиги ҳамда этикет қоидаларига риоя қилиш мажбурлиги сабабли содир бўлиши мумкин. Маданиятли одам кўчада ҳам, жамоат жойларида ҳам, корхоналарда ҳам, оила аъзолари ва ўртоқлари билан ҳам бир хил ҳақиқий хушмуомалада бўлади. Маданиятли одамнинг хушмуомалалиги унинг мулоқот вақтидаги кайфиятига таъсир қилмайди. Яна шуни эътиборга олиш керакки, хушмуомалаликнинг ўзига хос чегараси бор, ундан чиқмаслик керак. Акс ҳолда, хушмуомалалик хушоматгўйликка ва лаганбардорликка айланиб кетиши мумкин.

Кўрсатилганлардан ташқари хушмуомалалилик бир неча шаклда бўлиши мумкин, масалан, очик чеҳра билан муомала қилиш, ҳурмат-эҳтиром (катта ёшдаги ва лавозимдагиларга нисбатан) кўрсатиш, мулоҳим оғир-босиқлик.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда хушмуомалаликнинг энг муҳим элементларидан бири ҳамкасб ва танишларнинг исмларини эслаб қолиш ва исми-шарифларини тилга олиб ҳурмат кўрсатиш ҳисобланади.

Одоблилик ва меҳрибонлик. Ҳаётда одам баъзан этикет қоидаларига тўғри келмайдиган вазият ва муносабатларга дуч келади. Одамнинг тўғри ҳаракат ва қарор қабул қилиб, ҳар қандай вазиятдан обрў билан чиқиши одоблилик ва меҳрибонлик қоидаларига (талабларига) риоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Одоблилик ва меҳрибонлик вазият ҳолатини ўз вақтида сезишга имкон беради.

Ҳар қандай вазиятда ҳам бошқалар билан тўғри муомала қилиш, гаплашиш оҳангини тўғри танлаш, вазият кескинлигининг олдини олувчи сўзларни ўз вақтида топиб ишлатиш муҳим қобилиятдир. Одобли одам бошқаларнинг камчиликларини

сезмасликка ҳаракат қилади, кишиларнинг сўзини бўлмайд, агар кескин объектив сабаб бўлмаса, бошқаларнинг гапига аралашмайди, кераксиз ва бехосдан луқма ташламайди, бошқаларнинг фикрларини диққат-этибор билан охиригача тинглайди, мулоқотдаги ва атрофдаги бошқа кишиларнинг, ҳамкасбларининг, оила аъзоларининг ички дунёсига, фикр-мулоҳазаларига, дини ва этиқодига ҳурмат билан қарайди, уларни тушунишга ҳаракат қилади. Одоблилик ва меҳрибонлик ҳам одамшавандаликнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Талабларга кўра ҳатто энг яқин дўстлар ҳамда оила аъзолари ҳам бир-бирлари билан иззат – ҳурмат билан муомала қилишлари шарт. Суҳбатдошини бехосдан ранжитганда ёки кайфиятига таъсир қиладиган сўзларни айтиб юборганда қилган хатоси учун кечирим сўраш ҳам маданият белгисидир.

Одобли киши доимий равишда одамларнинг ёштини, жинсини, мансабини, мулоқот жойини, бегоналарнинг бор-йўқлигини ҳисобга олган ҳолда ширинсуханлик билан муомала қилади. Шунинг учун одоблилик ва меҳрибонлик одамларнинг олижаноблик хоссаларидан бири ҳисобланади.

Агар одоблилик ва меҳрибонлик қоидаларининг чегарасидан чиқилса, уларга итоат қилинмаса, суҳбатдошини ноҳақ хафа қилиши, ранжитиши, баъзан эса ноҳақ дилига озор етказиш каби ҳодисалар рўй бериши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, одоблилик, хушмуомалалик билан бирга бўлажак мутахассиснинг ажралмас касбий фазилатларидан бири бўлиши керак.

Назокатлилик ва мулоиймлилик деб, одамнинг вазият ҳолатининг нозиклигини сеза олиш ва ўз вақтида унга ўз муносабатини одоблилик ва хушмуомалалик билан билдириш қобилиятига айтилади. Этикетнинг бу қоидаси одоблилик ва хушмуомалалик қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Унинг боғлиқлиги шундан иборатки, одоблилик қоидаси кераксиз ҳолларда дўстлар, оила аъзолари, касбдошлар ва бегона кишиларнинг гапига кўшилмасликни талаб қилса, назокатлилик эса нозик вазиятларда одоблилик билан нозик аҳволга тушган суҳбатдошларнинг ёки улардан бирини ундан чиқаришни талаб қилади. Бировларни нозик, мушкул аҳволдан чиқариш учун, албатта мулоийм ва хушмуомалали бўлиш лозим, қўпол сўзларни ишлатиш мумкин эмас, бундай ҳолларда вазиятни ундан ҳам нозиклаштириш мумкин.

Нозик суҳбатга назокатлилик ва хушмуомалалик билан кўшилиш мулоқотнинг тўғри давом этиши учун имконият яратади. Масалан, икки киши ўртасида бўлаётган қизгин суҳбатда улардан бири қўққисдан, яъни ўйламасдан, иккинчи суҳбатдошнинг шахсиятига тегадиган сўзни ёки гапни гапирганда икки суҳбатдош ўртасида нозик вазият келиб чиқади. Агар бундай ҳолда учинчи киши одоблилик ва мулойимлик билан «бу ундай эмас, бундай демокчи эди» деб тушунтириш берса ва суҳбатдошлар оғир вазиятдан чиққан, масала ечилган бўлар эди.

Камтарлик. Одамнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида камтарлиги ахлоқий, яъни одоб-ахлоқ талабларидан бири бўлиб, этикетнинг энг асосий қондаси ҳисобланади. Камтарлик – шахс томонидан жамият ва атрофдаги одамлар олдидаги ўз бурчини англашнинг ибратли шаклидир.

Камтар одамда қуйидаги хислатлар мавжуд бўлади:

-бошқаларга нисбатан ҳеч қачон ортиқча имтиёзга эга бўлишни талаб қилмайди;

-ўзининг хоҳиши билан жамият талабларига тўлиқ бўйсунди;

- шахсий эҳтиёжларини жамиятдаги халқларнинг моддий шароитига мослаштиради;

-барча одамларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлади;

-одамларнинг майда-чуйда камчиликларига кам эътибор беради;

-ўзининг халқ олдидаги хизматига, ҳатти-ҳаракатларига ва камчиликларига танқидий қарайди.

Камтар одам ҳеч қачон бошқаларга нисбатан ўзини яхшироқ, ақллироқ деб ҳисобламайди ва бошқалардан билими, мансаби бўйича устунлигини кўрсатмайди, ўзи учун алоҳида имтиёз, яъни бошқаларга нисбатан яхши шароит, махсус қулайликларни яратишни талаб қилмайди.

Сабр-тоқатлилик. Одам ҳаёти давомида ҳар хил тоифадаги кишилар билан муомалага киришиши мумкин, масалан, мулкдорлар, бизнесменлар, тадбиркорлар, мансабдор кишилар ва сиёсатчилар билан. Бундан ташқари ҳар хил миллат вакиллари, бошқа диндагилар билан ҳам мулоқот қилишлари, бирга фаолият кўрсатишлари ва ҳатто бирга яшашлари ҳам мумкин. Худди

шунингдек, маданиятсиз ва ўта тажанг, ўзини тутаолмайдиган одамлар билан мулоқотда бўлиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Албатта, ҳар бир жамият аъзосининг муайян ижтимоий гуруҳига, мансабига, динига, маданият даражасига яраша фикри, дунёқарши, онг-билим даражаси бор. Улар билан мулоқотда бўлишда уларнинг қизиқишларига, дунёқарашларига, диний эътиқодларига, урф-одатларига ва одоб-ахлоқ қоидаларга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларига шошилмасдан, одоблилик ва хушмуомалалик билан қараш қобилиятига сабр-тоқат дейилади. Сабр-тоқат ҳалқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири, унинг ислом динида ва бошқа динларда алоҳида ўрни бор.

Сабр-тоқат қоидаси этикетнинг энг қадимий талабларидан бири ҳисобланади ва унинг тарихи жамиятнинг синфларга ажралиши, табақаланишлар ва динларнинг келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, турли дин вакилларининг жамиятда бирга низосиз яшашини таъминлаш гарови бўлиб келган.

Маданиятли мутахассис ва раҳбар ходимлар, қаерда, қачон ва қандай шароитларда мулоқотга киришишларига қарамасдан, юқорида кўриб чиқилган этикет қоидалари талабларига риоя қилишлари шарт. Шундагина одамлар орасида, жамиятда иззат-ҳурматга сазовор бўладилар.

Замонавий этикет - шахсда ички ва ташқи маданият уйғунлигини таъминлаб, ундан юксак ахлоқий хатти-ҳаракатни талаб қилади. Инсоннинг ташқи ахлоқий-маданий хислатларини камраб олган этикет унинг ички маънавий-руҳий даражасига асосланади. Этикет қоидаларига амал қилган инсон интизоми ва тартиблилиги билан ажралиб туриши шарт. Бундай фазилатларга эга бўлган инсон бошқаларга кўполлик қилмайди, ноўрин, ноҳўя сўзлар билан ўзга кишилар кўнглини оғритмайди. Этикет энг аввало, муомала ва урф-одатлар орқали шаклланади. Иш юзасидан бўладиган ахлоқий муносабатлар доирасида этикетнинг кўп киррали (универсал) эканини таъкидлаш жоиздир. Этикет биринчи навбатда, инсон шахсияти, индивидуаллигини ҳурмат қилишга ундайди.

Замонавий этикет меъёрлари кишилар ўртасидаги мулоқотда мураккаблик ва жимжимадорликдан воз кечиб оддий, самимий, табиий ҳамда акд-идроққа асосланган муносабат ўрнатиш, бир-

бирини тушуниш ва ҳурмат қилишга хизмат қилади. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимизда, инсоний муносабатларимизда тарихан шаклланган, авлоддан авлодга ворисийлик асосида ўтадиган этикет қоида ва меъёрлари тўлиқ акс этади. Шунингдек, барча амал қилиши лозим бўлган этикет қоида ва талабларидан ташқари касбий этикет меъёрлари ҳам алоҳида ўрин тутди. У барча ходимлар томонидан касбий функцияларни ахлоқий нормалар асосида бажаришга қаратилган муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилади.

ЭТИКЕТ ВА ЯНА ЭТИКЕТ ҲАҚИДА

Кийиниш этикети	Либос ҳақида китоб
Муомала этикети	Латиф сўзлар китоби
Савдо ва тижорат этикети	Савдо-сотикдаги шартлар хусусида
Совға олиш ва совға бериш этикети	Ҳадя қилмоқнинг фазилати, ҳадя қилмоққа ундамоқ ҳақида китоб

Мавзу юзасидан саволлар.

1. “Этикет” сўзининг маъносини тушунтиринг.
2. Этикет қоидалари ҳақида гапиринг.
3. Саҳна этикети деганда нимани тушунасиз?

Топширик. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти ва “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Асқад Мухторнинг “Сўзлар” шеърини ўқинг. Шеър ҳақидаги фикрингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

СЎЗЛАР

*Баъзан сўзлар “Бежоман” деб дод солади,
Гоҳо, худди ёв устига от солади.*

*Гоҳо, лоқайд бўладилар ҳар нарсага,
На гафлатга соладилар, на ларзага.
Эсиз ҳусним, дея ўксиб турадилар,
Ё азада зўё қаҳ-қаҳ урадилар.*

*Ўз ўрнида бировга жон, бировга ўқ,
Айтиб бўлгач, қайтиб бўлмас, фойдаси йўқ.*

*Сувда биров кўрсангки, жон талашади,
“Бер қўлингни” десанг қандай ярашади!*

*Орамизда бор сўз билан ўйновчилар,
Қадрин билмай, шалдироқ деб ўйловчилар.*

*Булбуллар бор овозлари ширин, лобар,
Сайрашлари дўст-душманга баб-баробар.*

*Сўз қолдирар яхши отни, ёмон отни,
Сўз – оёққа тургизади тумонатни.*

*Сўзни қайлиқ сайлагандек севиб сайла,
То қўл урса, муҳаррирга рашк айла.*

*Гомер каби мангуликка танла уни,
Мангу ёнар, топсанг агар қаловини.*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

- 1.Маделин Беркли-Ален. Забытое искусство слушать. – Санкт-Петербург: ПИТЕР, 1997.
- 2.Н.Бекмирзаев. Нотик. Нутқ. Хулқ. Т.2019.
- 3.А.Мухтор. Танланган асарлар. Т.2020й.

МУОМАЛА ВА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ

Режа

1. Нотиклик санъати ва мулоқот маданияти.
2. Муомала одоби тамойиллари.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, малака, муомала, саломлашиш, суҳбатлашиш.

Ижтимоий муносабатлар – бу кишилар ўртасидаги кундалик, турмуш, ишлаб чиқариш жараёнида шаклланидиган жараёнки, бунда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш—муомала одоби муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра муомала одоби ижтимоий характерга эга бўлиб, моҳиятан шахс ахлоқий маданияти шаклланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Муомала одоби кишининг хушмуомалалик, ростгўйлик, камтарлик, ҳалоллик каби ахлоқий меъёрларга қай даражада риоя қилиши, уларнинг талабларини турмуш тарзида қўллаш билишида намоён бўлади. Халқимиз орасида кенг тарқалган ҳикмату — нақлларда муомала одобининг ана шу жиҳатлари ўз ифодасини топган. Масалан; “Яхши сўз - жон озиғи, ёмон сўз - бош қозиги”, “Яхши топиб гапиреди, ёмон-қошиб”, “Тиғ яраси битади, сўз яраси битмайди”, “Дўст ачитиб гапиреди, душман-қулдириб” ва бошқалар.

Бундай ҳикматларнинг ҳар бирида мужассамлашган фикрлар минг йиллар давомида кишиларнинг ҳаётий тажрибасида юзага келган ҳақиқатдирки, бунга кўпинча тарбия амалиётида эътибор берилмайди. Ваҳоланки, кишининг ахлоқий-маънавий хислатлари энг аввало, муомала маданияти одобида намоён бўлади. Бу ўринда биргина мисол келтириш билан чекланишимиз мумкин. Дейлик, бир киши берган ваъдаси бўйича ўз таниши билан келишилган учрашувга атайлаб бормади. Бир қарашда оддий бир ҳол бўлиб кўринган ваъдага вафо қилмаслик аслида ростгўйликнинг, ахлоқий меъёрнинг бузилишидирки, бунда киши ўзига нисбатан ишончини йўқотади.

Муомала одоби бошқа кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг

ёркин, энг сермазмун ва энг ифодали кўриниши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглаш билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфёъллик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу – инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг қарашада, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган хиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан; «Оббо шоввоз-эй, сал шошилибсан-да, ҳа, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан; «Яна ишни расво қилибсан-ку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси – шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Саломлашиш маданияти. Саломлашиш одамлар ўртасидаги муносабатдир. “Ассалому алайкум” деб сўрашиш, халқимизнинг энг қадимги ва энг яхши анъаналаридан бири бўлиб, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Кишиларнинг бир-бирларига бўлган илиқ муносабатларининг ифодаси сифатида ишлатилмоқда. “Ассалому-алайкум” арабча сўз бўлиб, “Сизга тинчлик ва осойишталик бўлсин” деган маънони беради.

Саломлашиш юзма-юз учрашганда ёки ғойибона табриклаш сўзи ва шу сўз билан ёки имо-ишора орқали ифодаланган табриқдир. Салом ҳам фарз, алиқ ҳам фарз. Ҳар бир саломлашишдан сўнг иккала томон учун ҳам баробар бўлган илиқлик ва ўзаро ҳурмат пайдо бўлади. Саломлашиш туфайли кишилар ўртасида гина-қудрат, ҳатто адоват кўтарилади. Унинг ҳам шартлари бор. Ёши каттага, аёлларга олдин салом берилади. Фарзандлар ота-оналарига, келин-куёвлар қайнота ва

қайноналарига, улов минган ва машинадагилар ерда юрган, турганларга салом беришлари лозим.

Саломлашганда бир-бирларининг юзига қараб, хиёл эгилиб, очик чехра билан турилади. Бошқа томонга қараб, дағаллик билан саломлашиш одобсизликдир. Салом дейиш ёки салом ўрнига бошқа бир ишора қилиш ўта хурматсизликдир.

Тўғри, кўпчилик ўнг кўлни юрак устига қўйиб, хурмат билан саломлашадилар. Кўл бериб сўрашиш эса жуда қадимий жанговар одатларга бориб тақалади. Ҳарбийлар орасида сулҳ тузганда бир-бирларига қўл берганлар бу – мана, кўриб қўй, қўлимда қурол йўқ, дўстлик таклиф этаман, деган маънони билдирган. Эндиликда бу жуда кўп халқларда одат тусига кирди ва ҳозирда ҳам ўз маъносини йўқотгани йўқ. Биров салом берганда, алик олиб, тўла “Ва алайкум-ассалом” деб овоз чиқариб, дадил жавоб бериш мақсадга мувофиқ. Саломга бош қимирлатиб қўя қолиш ҳам одоб-ахлоқ қондасига зиддир.

Модомики, одобнинг ибтидоси салом бериш экан, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, навозиш ва назокат, хушфешллик ва ширин сўзлик одоб ва маданиятнинг асосини белгилайди.

Саломлашганда ёки хайрлашганда айтиладиган “Ассалому – алайкум”, “Саломат бўлинг” деган сўзларда, инсонларнинг бир-бирига хурмат эҳтироми, хайрихоҳлик изҳори билан бирга чуқур мазмун ва мулоҳаза бор. Кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган, гўёки одат тусига кириб қолган “Марҳамат қилинг”, “Барака топинг”, “Раҳмат”, “Беҳад миннатдорман”, “Узримиз бор”, “Авф этасиз”, “Кечиринг” ва шу каби иборалар борки, уларнинг барчаси инсонларга бўлган мулозаматни билдиради. Шунга эътибор бериш керакки, инсонга қўйиладиган талаб билан унга кўрсатилаётган илтифот бир-бири билан бевосита боғланиб кетганлигидан улар орасига чегара қўйиб бўлмайди. Ҳар бир киши кундалик турмушда бошқалар билан мулоқотда бўлади. Шак-шубҳасиз, бу мулоқотларда маданий савия катта ахамиятга эга. Тарбия кўрган ҳар бир киши инсон шахсини бениҳоя хурмат қилади, унга доимо мурувватли, манзиратли, мулойим ва кўнглинчан бўлади. Донолар айтганидек, хушмуомалаликдан – улуғлик, қаноатдан – роҳат, ихлосдан – муҳаббат пайдо бўлади.

Телефонда сўзлашиш одоби. Кўнғироқ қилишдан олдин гапирадиган гапингизнинг режалаштиринг. Мулоқот вақтида, қисқа, аниқ, пухта сўзлашиш ва огоҳлик (хушёрлик)ни сақлаш

тавсия этилади. Телефон тармоқларининг мукамалликдан холи эмаслигини, сизнинг сўзлашувингизни бошқаларнинг эшитиши мумкин эканлиги ёдингизда бўлсин.

- Телефон гўшагини кўтарганда саломлашиш ва ўзини таништириш;

- Телефондан фойдаланишда маълумотларни қайд этиш учун дафтар ва ручка бўлиши зарур;

- Телефонда сўралган ахборотни (зарур топилса) қисқа ва аниқ шаклда баён этиш;

- Берилган маълумотларни аниқ қилиб қайд этиш;

- Муомала маданиятига қатъий амал қилиш;

- Беҳудага кўнғироқ қилиб, бошқаларнинг вақтини олиб, безовта этмаслик;

- Ўқув машғулоти пайти, коридор ва залларда, йиғилишларида уяли телефон апаратыни ўчириб қўйиш зарур.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насихат ва одоб ўргатишсиз бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бунда ота-оналарнинг, маҳалла-кўйнинг таъсири катта. Ундан тўғри фойдалана билиш керак. Зеро, ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Имо-ишоралар. Улар ҳам одамларнинг кўчада, жамоат ва иш жойларида, уйда ва дўстлари билан муомалага тушишда катта аҳамиятга эга. Имо-ишораларни одамлар ҳис-туйғуларининг, фикр ва кайфиятларининг «овозсиз тили» деб аташади. Имо-ишоралар чиройли ва кўпол бўлиши ва мойиллик ёки хушкўрмасликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, мулоқотда меъёридан кўп ошқин имо-ишоралардан фойдаланиш одамнинг ҳавликмалигидан, ўзини тута олмаслигидан, яъни тажанглигидан, фикрсизлигидан дарак беради, холос. Худди шунингдек, мулоқот даврида гавданинг ҳолатига эътибор бермаслик, унинг ғайриихтиёрий ҳаракатда бўлиши, қашиниш, очик эснаш, мулоқот жойида туфлаш, нос ёки сигарет чекиш ҳам умумий маданиятнинг пастлигидан дарак беради ва атрофдаги кишиларга ҳурматсизлик деб қаралади. Шунинг учун ҳам маданиятли одам муомала қилишда мулоқотнинг мазкур муҳим жиҳатларидан дан жуда ҳам катта эҳтиётлик билан фойдаланади.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нотиклик санъатида мулоқот маданиятининг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапиринг.
2. Муомала одоби деганда нималарни тушунасиз?
3. Шарқона ва замонавий муомала маданиятини киёсланг.
Ҳаётий мисоллар ёрдамида изоҳланг.

Топширик. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг “Бетховен” шеърини ўқинг. Шеър ҳақидаги фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

БЕТХОВЕН

*Ҳозир сўнг зарб ила узилажасак тор,
Наҳот, ҳар не абас, ҳаммаси битар.
Ўзинг қўлла мени, эй буюк даҳо,
Қандай саодатдир бу сўнгги садо?!*

*Шивирлар, ҳайқирар бепоён денгиз,
Мен уни сипқормоқ истайман танҳо.
Фақат сен кўзингни бағишла, Зиё,
Фақат сен Жасорат, қўлингни бер тез.*

*Балки бу Осмон – Орзу садоси,
Денгиз – ҳаёлларни садосидир бу,
Ҳақиқат қошида қасамдир эзгу.*

*Суюкли инсонга балки видоси,
Ҳозир сўнг зарб ила узилажасак тор –
Сўнгги зарб ҳаётни яшамак даркор.*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Апрессян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1972.
2. Аҳмедова Ҳ.Т. Нотиклик санъати манбалари ва ўқувчилар нутқини ривожлантириш омиллари. – Тошкент: BAYOZ, 2015.
3. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
4. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
5. Р.Парфи. Сайланма. Тошкент, 2016.

НУТҚ ҚОБИЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

Режа.

1. Нутқ самарадорлигини таъминловчи омиллар.
2. Вербал ва новербал нутқ. Интонация ҳақида.

Таянч сўз ва иборалар: нутқий маданият, новербал, мунозара, интонация, адабий сўзлашув, вербал, баҳс.

Биринчидан, нотик томонидан маъруза мавзуси тўғри танланиши лозим.

Иккинчидан, танланган мавзу аудитория савияси, даражаси ва соҳасига мос бўлиши зарур.

Учинчидан, нотик танлаган мавзунини пухта ўзлаштириб, маъруза матни устида жиддий ишлаб, нима ҳақида гапирётганлигини чуқур англаб етган бўлиши шарт.

Тўртинчидан, нотик аввало ўз нутқинини пухта режалаштириб олиши керак.

Бешинчидан, учрашувга бораётган худуд, ташкилот, муассаса ҳақида, яъни унинг географик ўрни, тарихи, иқтисоди, ишлаб чиқараётган маҳсулот, маданияти, машҳур кишилар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур.

Олтинчидан, маъруза тили содда ва раван, оммабоп бўлиши керак. Маърузани бошидан охиригача бир нафасда ўқиб бериш одамларни зериктириб, унинг таъсирчанлигини пасайтиради. Орада маърузадан бош кўтариб, аудиторияга бевосита мурожаат қилиш, баъзи ўринларда савол қўйиш ҳам керак бўлади. Шундай давра, йиғилиш, тадбирлар бўладиги, бу ерда умуман қоғозга қараб гапирмаслик лозим. Лекин, ҳар қандай шароитда маъруза матни ёки унинг тезислари қўл остимизда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, нутқ узук-юлуқ бўлмаслиги, изчил ва жумлалар бир-бири билан занжирмонанд боғланган бўлиши шарт. Айниқса, нутқ ичида паузалар кўпайиб кетмаслиги керак.

Нотик ҳамиша аудиториядаги муҳит ва умумий кайфиятни ҳис этиб туриши лозим. Нутқининг давомида одамлар уни қандай эшитаяпти ва қабул қилаяпти — буни аниқ-тиниқ сезиб туриши керак. Аудиториянинг умумий кайфиятига ёки руҳий ҳолатига қараб маъруза вақтини оптималлаштириш лозим.

Маърузани одамлар учун қизиқарли бўлиши мавзуга эмас, маърузачининг нотиклик маҳорати, билим-савиясига боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Ҳар қандай зерикарли мавзуни қизиқарли, таъсирчан қилиш мумкин ва ўз навбатида энг кизиқарли мавзу нотикнинг нўноклиги туфайли зерикарли машғулотга айланиши мумкин.

НУТҚИЙ МАДАНИЯТ. Киши суҳбат чоғи маҳмадоначилик, ҳовлиқмалик қилмаслиги лозим. Шунингдек, сўкиниш, масхаралаш, ҳуда-беҳуда кулиш каби иллатлардан холи бўлиши шарт. Айниқса, бошликлар билан гаплашаётган пайт ерга қараш, шошилиб дудукланиш дуруст эмас. Суҳбатдошининг кўзига тик қараб, аниқ-тиниқ гапириш кишининг ўзига ишончи баланд, тарбияси, маданияти рисоладагидек эканини билдиради.

Омма олдида сўзга чикканда нутқ маданиятига алоҳида эътибор бериш зарур. Нутқ маданияти нотик, маърузачи, педагог, суҳандон, сиёсатчи, давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи, олимларнинг, яъни якка шахслар нутқлари орқали намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Тил софлигига эътибор бериш, яъни нутқ сўзлаганда хорижий сўзларни қўшмасдан гапириш нутқ маданиятининг асосий белгиларидан биридир. Нутқ маданияти маъруза қилиш, сўзга чиқиш, ўзаро мулоқот, савол- жавоб, давра суҳбатларида ўзбек адабий тили бойлигидан самарали фойдаланиш, халқ оғзаки ижоди, ҳикматли сўзлар, мақоллар, ота-боболар ўғитларидан ўз ўрнида, меъёрида фойдаланиш, нутқнинг аниқ-равшан, теран мазмунли, кенг камровли бўлишига эътибор бериш, тингловчилар билан баҳс-мунозарани вазминлик ва одоб доирасида олиб бориш хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Нутқ маданияти 2 хил кўринишга эга: **новербал ва вербал.**

НОВЕРБАЛ НУТҚ –

имо-ишора, мимика, пантомимика, эхологик,
сигнификация, дактилогик
(бармоқ нутқи) кўринишларига эга.

ВЕРБАЛ НУТҚ – оғзаки, ёзма, монологик, диалогик, полилогик, ташқи, ички, экспрессив, импрессив, ланколоик (ийғик), эпик (ёпик), аффектив турларга бўлинади.

Бундан ташқари нутқ 2 турга ажратилади; оғзаки ва ёзма нутқ.

ОҒЗАКИ НУТҚНИНГ ҚЎЛЛАНИШ УСУЛИ:

○ **Олдий сўзлашув нутқи.** Бу кундалик ҳаётимизда ўзаро муомала жараёнида ишлатиладиган нутқ.

○ **Адабий сўзлашув нутқи.** Бу муайян шахслар доирасида тилнинг меъёрий мезонларини қўллаш орқали рўёбга чиқади.

Ёзма нутқ – бу тилнинг (орфографик, фонетик, морфологик, синтаксистик, орфоэпик, лингвистик, флексив ва бошқалар) қонуниятларига асосланган ҳолда мазмун-моҳиятини узлуксиз, тадрижий равишда ахборотга айлантирувчи нутқдир.

НУТҚНИ ЯҚУНЛАШ

Биринчидан, барча айтган фикрларингизни ниҳоятда қисқа яна бир бор эслаб ўтиши ва умумлаштирилган хулосалар чиқариши ҳамда айрим таклифларни илгари суриши;

Иккинчидан, одамларни амалий ишларга даъват этиши;

Учинчидан, тингловчиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг кўнглига таскин бўладиган ёқимли фикрлар гапириши;

Тўртинчидан, давра ва мавзуга мос бирор-бир шеър ёки ҳикмат билан сўзни яқунлаш лозим.

Суҳбатлашиш маданияти. Суҳбатлашиш жараёнида суҳбатдошларнинг ўзаро ҳолати ҳам маданият белгисидир. Бунда тик турган холда қўлларни бир-бирига чалиштириб туриш, оёқларни чалиштириш, ер чизиш, бошни эгиб туриш, қўлларни чўнгакка солиб туриш, суҳбат жараёнида бошқа нарсаларни ўйлаб туриш каби ҳолатлар суҳбатдошига нисбатан ҳурматсизлик саналади. Йўл ўртасида суҳбатлашиб туриш ёхуд кўчанинг нариги тарафида кўринган таниш билан бақир-чақир қилиб гаплашиш ҳам ўта одобсизлик ҳисобланади.

Суҳбат чоғида:

- қўл силтаб гапириш;
- елка қисиш;
- инкор маъносида бош чайқаш;
- нуткни турли имолар билан безаш, лаб буриш, қош чимириш;
- бармоқ билан бирор нарсани чертиш, узук, маржон ёки сумка боғичини ўйнаш, бармоққа соч толасини ўраш;
- суҳбатдошга тегиниш, елкасига ёки тиззасига қўл кўйиш, елкасига қоқиш, енги ёки пиджаги тугмасини ушлаш;
- суҳбатдошга орқа ўгириш;
- эснаш, тез-тез соатига қараш;
- гапни баланд қаҳ-қаҳа билан тугатиш;
- суҳбатдошига луқма ташлаб, сўзини бўлиш;
- уятсиз сўзларни кўшиб гапириш;
- беҳаё қилиқларни қилиш;
- суҳбатдошига гап бермаслик;
- мактаниш;
- суҳбатдошини беҳурмат қилиш каби одатлар маданиятсизлик саналади.

Аксинча, суҳбатдошига нисбатан хушмуомала бўлиш, уни қизиқтирган муаммоларни ҳал этишга қаратилган мавзуда суҳбатлашиш, шунингдек, суҳбатдошини кўпроқ эшитиш мақсадга мувофиқдир.

Баҳслашиш. Бир касб ва жамоанинг аъзоси бўлишига қарамадан одамларнинг билим савиялари, хатти-ҳаракатлари ва умуммаданий даражалари ҳамда фикрлашлари ҳар хил бўлади. Шу сабабли ҳам жамоа аъзолари ўртасида, айниқса жамоа олдида турган вазифаларни ҳал қилишда мунозарали вазиятлар тез-тез содир бўлиб туради. Бундай вазиятларда мутахассис ва мутахассис-раҳбарларнинг асосий вазифаси мунозарани тўғри бошқариш ва унинг одоб қоидалари доирасида ўтишини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари мунозарали вазиятлар жамоа аъзоларининг йиғилишларини ўтказишда, ташриф буюрувчиларни қабул қилишда, ходимлар ва мутахассис-раҳбар ходимлар ўртасида чиқиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам мунозаранинг тўғри ҳал бўлишида мутахассис раҳбар-ходимларнинг роли жуда ҳам катта.

Умуман мунозарасиз, яъни баҳслашмасдан, биронта ҳам муаммо тўғри ҳал бўлмайди. Низоли вазиятлардан чиқишнинг асосини мунозара ташкил қилади. Халқона ибораларга қараганда фақат мунозара натижасида ҳақиқат туғилади ва муаммо тўғри ечилади.

Мунозарани этикет қоидалари талаблари доирасида олиб боришнинг асосий белгиларидан бири қарама-қарши фикрли томонларни охиригача, сўзини бўлмасдан эшитиш ва улар фикрларининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етишга ҳаракат қилишдан иборат. Этикет қоидалари бўйича олиб борилган баҳслашишлар жамоа аъзоларининг ва ходимлар ҳамда мутахассис – раҳбарлар ўртасида дўстона муносабатнинг ўрнатилишига имкон беради.

Баҳслашиш иштирокчилари, шу жумладан мутахассислар ва раҳбар ходимлар, қуйидаги этикет қоидаларига амал қилишлари лозим:

- қарама – қарши фикрлар соҳибларига нисбатан ҳурмат билан қараш ва улар билан хушмуомалалик қилиш;

- қарама – қарши фикрларни бузмасдан ва тажанглик қилмасдан ҳамда шошилмасдан эшитиб, моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қилиш;

- баҳс иштирокчиларининг шахсига тегмаслик ва ҳақорат қилмаслик;

- майда – чуйда гапларга ёпишиб олмаслик, муносабатларни аниқлашга ўтмаслик;

- мунозараларда карама – қарши фикрларнинг бир – бирларига тўғри келиш жойларини аниқлаш ва улардан келажақда мунозараларни бошқаришда фойдаланиш;

- ўз фикрининг тўғрилиги ҳақида “оёқ тираб” турмаслик;

- нафақат бошқаларнинг, ўзининг фикри ва ҳатти – ҳаракатларига ҳам танқидий ёндашиш.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, баҳслашиш даврида мунозарачилар бирон аниқ фикрга келаолмасликлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда баҳслашиш лидери (оддий ходим, мутахассис ёки раҳбар–ходим) мунозарани «фикрларимиз устида яна бир маслаҳатлашишимиз керак», «бу савол тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўриш учун вақт зарур» ёки «бу ерда изҳор қилинган фикрлар ҳаммани, шу жумладан мени ҳам, тўлиқ кониктирмади» деган сўзлар билан тамом қилиши керак. Умуман айтганда, баҳс хушмуомалалик рамкасидан чиқмаслиги ва жанжалга айланмаслиги лозим, чунки қаерда тушунмовчилик чикса, ўша ердан барака кочади деган гап бор.

НУТҚ ТАЪБИРИНИ
КУЧАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Ҳикматли сўзларни ўринли қўллаш


Имо-ишора ва гавда ҳаракатларидан тўғри фойдаланиш

Интонация – оҳангни ўзгартириш

Халқ тилидаги илмоқли сўзлардан фойдаланиш

Бир маъноли сўзларни ўринли ишлатиш

Нотиқнинг нутқ самарасини таъминловчи омиллар	Нотиқнинг нутқ самарасига путур етказувчи омиллар
Тингловчи аудиторияни хурмат қилиш	Аудиторияга бефарк бўлиш
Тингловчиларни ақлли деб билиш (Чунки жамоа онги доим якка онгдан юқоридир)	Ўзини ўта билимдон деб билиш
Тинглашни ўрганиш	Тинглашга тоқатсизлик
Маданиятли бўлиш	Маданиятнинг етишмаслиги
Сўз бойлиги (синонимлардан унумли фойдаланиш)	Сўз бойлигининг йўқлиги, жаргонизмларни, варваризмларни кўплаб ишлатиш
Саводли бўлиш (орфоэпик, синтактик хатоларга йўл қўймаслик)	Талаффузда, жумла тузишда ноаниқликлар
Манتيқий сўзлаш (тизимлилик) : Нутқ сўзлашда «Муваффақият модули»дан фойдаланиш (1. Нима? 2. Нима учун? 3. Қандай қилиб? 4. Хулоса)	Узук-юлук гаплар
Меъёрда имо-ишора, мимика, пантомимика	Жонсиз ёки ўта хис-туйғули сўзлаш
Нутққа жиддий тайёргарлик	Нутқни режалаштирмаслик
Жой психологиясини ўрганиш	Номаълум жой билан танишмаслик
Тингловчи аудитория психологиясини ўрганиш: А) ёш психологияси Б) жинс психологияси В) касб психологияси ва хоказолар.	Аудитория психологиясидан эмас, ўз истакларидан келиб чиқиб сўзлаш
Тўғри тон, тембр, тезлик таишлаш	Мувозанатсиз сўзлаш
Янгича (инновацион) усуллардан фойдаланиш	Анъанавий фикрлаш
Нутқнинг бетакрорлиги (шахсий хаётий тажриба билан суғорилганлиги)	Одатий, китобий сўзлаш



НОВЕРБАЛ НУТҚҚА МИСОЛЛАР

Кўрсаткич бармоқ-
тахдид ва буйруқ



Кафтнинг пастга
қараши - тинчлантириш ва
хотиржамлик аломати



Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нутқ самарадорлигини белгиловчи воситалар ҳақида гапиринг.
2. Интонация нима? Мисоллар билан тушунтиринг.
3. Нутқдаги вербал ва невербал ҳодисаларни изоҳланг.

Топширик. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Актёр” шеърини ўқинг. Шеър ҳақидаги фикрларингизни ёзма ва оғзаки ифодаланг.

АКТЁР

*Бир кун томошага тушиб лаҳзада,
Турфа актёрларни кўриб қайтибсан.
Лекин сен уларни фақат саҳнада
Мавжуд деб ўйласанг бекор айтибсан.*

*Чин актёр санъат деб, багрини тизлаб,
Амаллаб кунини кўриб юради.
Шундай инсонлар бор, бир кўзи йиғлаб,
Битта кўзи эса кулиб туради.*

*Шундай инсонлар бор, вой отам, дея,
Бир зумда ўзгарар турқи, сиёғи.
Лекин ўша маҳал, ўша сония,
Онасин кўксиди турар оёғи.*

*Шундай инсонлар бор, гўё юртпарвар,
Юртини улузлар гўё ҳар сўзи.
Лекин разм солиб қарасанг агар,
Амал поясида иккала кўзи.*

*Шундай инсонлар бор, халқим дер ҳар чоқ,
Сўзлайди ҳамиша олиб халқ ёнин.
Бир кўли кўксиди, бир кўли бироқ,
Тозалаб боради халқнинг ҳамёнин.
Санъатга умрини ким этмиш фидо,
Шарафи юксалсин, оламни тутсин.
Ҳаётни ўйин деб билганнинг аммо,
Толеи кулмасин, бири кам ўтсин.*

Фойдаланиш учун адабиётлар:

- 1.Маҳмудов Н. Ўқитувчининг нутқ маданияти.Т. 2017.
- 2.Бекмирзаев Н. Нотик, нутқ, хулқ. Т.2019.
- 3.Аҳмедова Ҳ.Т. Нотиклик санъати манбалари ва ўқувчилар нутқини ривожлантириш омиллари. – Тошкент: BAYOZ, 2015.
- 4.А.Орипов. Сайланма. Тошкент, 2020.

НОТИҚЛИК САНЪАТИ ФАНИДАН ТЕСТЛАР

1. “Нотиқлик санъати” фани нимани ўрганади?

Тўғри жавобни топинг.

- А) ўринли, таъсирчан нутқ тузиш қоидаларини, тил меъёри, нутқ сифатлари, нутқий услублар, талаффузга доир муаммоларни ўрганади;
- Б) тўғри нутқ тузишни, грамматик қоидаларни, исмлар маъносини ўрганади;
- В) чиройли нутқ тузиш йўллариини ўрганади;
- Г) нутқ тузиш қонунлари, нутқ услублари, бадиий асар тили, талаффузга доир муаммолар юзасидан баҳс юритади

2. “Нотиқлик санъати” фанининг текшириш объекти?

- А) нутқнинг тил қурилиши, услублари, нутқий асар кўринишларини ўрганади;
- Б) нутқнинг тил қурилиши, адабий тил меъёрлари ва нутқнинг коммуникатив алоқа учун зарурлиги;
- В) адабий меъёрдаги иккиланишларни бартараф этади;
- Г) ўзбек миллий адабий тили фаолиятини, ривожланишини текширади;

3. “Нотиқлик санъати” фанининг асосий вазифаси?

- А) шева ва адабий тил меъёрларини ўзаро қиёслайди;
- Б) адабий тил меъёридаги иккиланишларни бартараф этади;
- В) нутқнинг тил қурилиши, адабий тил меъёрларини кузатади;
- Г) адабий тил меъёрлари, унинг тарихийлиги, тараққий этиб бориши, ундаги баъзи унсурларнинг эскириши, янги меъёрларнинг пайдо бўлишини кузатади;

4. “Нотиқлик санъати” фанининг асоси нима?

- А) ўзбек адабий тили;
- Б) адабий тилга асос бўлган шевалар;
- В) алломаларнинг дурдона фикрлари;
- Г) халқ оғзаки ижоди, дostonлар;

5. Нутқ маданияти назарияси қаерда яратилди?

- А) Юнонистонда;
- Б) Греция ва Римда;
- В) Римда;
- Г) Ҳиндистонда;

6. “Нотиқлик санъати” фани қандай фанлар билан боғланган?

- А) тилшунослик, услубшунослик, лексикология, семасиология;
- Б) тилшунослик ва адабиётшунослик;
- В) адабиёт, мантик, руҳшунослик, эстетика, педагогика;
- Г) математика, ботаника;

7. Нутққа берилган тўғри таърифни топинг

- А) тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда мавжудликка айланган фикр;
- Б) нутқ аъзолари фаолиятдан пайдо бўладиган ҳар қандай товуш;
- В) нутқ фаолиятининг маҳсулотидан, маълум шаклга киришидан иборат;
- Г) нутқ сўз шакллари, эркин бирикмалар, сўз тартиби ва гаплардан тапқил бўлади;

8. “Тил маданияти” деганда нима тушунилади?

- А) тилнинг сўз бойлиги, синтаксисининг тараққиёти ва бойиш даражаси, сўз маъноларининг ўткирлиги, нутқий оҳангнинг ранг-баранглиги тушунилади;
- Б) тил маданияти, тил воситаларининг бойлиги ва ранг-баранглигидан иборат бўлиб, шу тилдан фойдаланувчиларнинг онгида яшайди;
- В) адабий ва публицистик тилда ёзиш ва сўзлаш;
- Г) расмий тилда ўз ўрнида, идора ва мажлисларда сўзлаш;

9. Нутқ маданияти нима?

- А) алоқавий фазилатлар йиғиндиси ва тизимидир;
- Б) шахс камолоти, адабий ва бадий тил материалларини пухта ўзлаштирганлиги;
- В) шахснинг тил имкониятларидан шароитга мос ҳолда моҳирона фойдалана олиши;
- Г) шахснинг тил имкониятларини канчалик ўзлаштирганлиги;

10. Инсоннинг нутқий фаолияти омили неча кўринишдан иборат?

- А) 5 кўринишдан;
- Б) 2 кўринишдан;
- В) 3 кўринишдан;
- Г) 7 кўринишдан;

11. Оғзаки нутқнинг хусусиятларига нималар кирмайди?

- А) таҳрир имкониятидан маҳрум;
- Б) сўз бирикмалари ва гапларнинг моделлари тезкорлик билан танланади;
- В) нутқ тезкорлик билан амалга ошади;
- Г) сўзловчининг фаол нутқий ҳаракати, оҳанг, урғу, турли хил имо-ишоралар фикрининг тингловчига етиб боришида аҳамият касб этади;

12. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади?

- А) фикр учун энг мос имкониятлар танланади;
- Б) муаллиф бемалол фикрлаш имкониятига эга;
- В) фикр таъсирчан, жозибали тарзда баён этилади;
- Г) таҳрир қилиш имконияти мавжуд;

13. Монологга берилган тўғри таърифни топинг?

- А) синтактик жиҳатдан мураккаб тузилган нутқ;
- Б) сўзловчининг ўзига ёки тингловчиларга қаратилган нутқидир;
- В) икки кишининг самимий суҳбати;
- Г) икки ва ундан ортиқ кишиларнинг суҳбати;

14. Диалог қандай ташкил топади?

- А) қўшма гаплардан ташкил топади;
- Б) содда гаплардан ташкил топади;
- В) икки киши суҳбатидан ҳосил бўлади;
- Г) сўрок, буйруқ ва дарак гаплардан ташкил топади;

15. Полилог қандай тузилади?

- А) иккидан ортиқ иштирокчиларнинг нутқидан тузилади;
- Б) икки кишининг нутқидан тузилади;
- В) бир кишининг нутқидан тузилган суҳбат полилогдир;
- Г) худди диалог каби тузилади;

16. “Нутқ услублари” деб нимага айтилади?

- А) тил бойликларини танлаб ишлатишга кўра нутқ кўринишларининг хилма-хиллигига айтилади;
- Б) ўзига хос система бўлиб, бир-биридан фарқ қилади;
- В) сўзларни туркумларга ажратиб ўрганиш ва қўллаш;
- Г) алоқанинг мақсадга мувофиқ амалга ошириш йўлида сўзловчининг тил бойликларидан танлаб фойдалана олиши туфайли нутқнинг шаклланган кўринишидир;

17. Нутқ услублари нечага бўлинади?

- А) 7 тага;
- Б) 5 тага;
- В) 6 тага;
- Г) 4 тага;

18. Сўзлашув услубига нима хос бўлмайди?

- А) ўз лексикаси, фонетикаси, морфологиси ва синтаксиси билан халқнинг оддий сўзлашув тилини акс эттириш;
- Б) бир таркибли, сўз-гап шаклларида фойдаланиш сўзлашув услубига хос бўлади;
- В) фикрни адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда ифодали, саводли баён қилиш;
- Г) оддийлик, соддалик, бетаккаллуфлик;

19. Расмий услуб қандай хусусиятларни мужассамлаштирамайди?

- А) жозибали, таъсирчан, кўчма маъноли сўзларни;
- Б) эълонлар, қарорлар, қонунлар услубини;
- В) имловий, ишоравий қоидаларга амал қилишни;
- Г) тил меъёрлари хусусиятларини;

20. Илмий услуб бошқа услублардан қандай фарқланади?

- А) тўлиқсиз гаплар, бир таркибли сўзлар, сўз-гаплар деярли учрамайди;
- Б) фаннинг турли соҳаларига оид сўз ва атамаларни ишлатиш;
- В) фикр мантикий ва ашёвий далиллар билан мустаҳкамланиб боради;
- Г) табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида аниқ, қандайдир формулалар;

21. Қуйидаги байт муаллифини ва “шарир” сўзининг луғавий маъносини топинг: Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат, То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

- А) Жомий, яхшилик;
- Б) Навоий, ёмонлик;
- В) Лутфий, эзгулик;
- Г) Бобур, ёвузлик;

22. “Умумий меъёр”га берилган тўғри, ...
тўлиқ жавобни тошинг.

- А) ўзбеклар нутқини қардош тиллардан ажратиб турувчи меъёрлар;
- Б) тарихан шаклланган маълум кўникмалар йиғиндиси;
- В) тил жамоаси афзал деб ҳисоблаган кўникмалар йиғиндиси;
- Г) меъёр қардош тилларга нисбатан белгиланади;

23. Адабий меъёр ...

- А) ҳамма бирдек фойдаланадиган тил имкониятлари;
- Б) маълум бир тил жамоасида мустаҳкам қўлланиб келаётган лисоний ҳодисалар, имло қоидалари йиғиндиси;
- В) бир ҳудудда яшовчи аҳоли учун беистисно тушунарли бўлган қоидалар тўплами;
- Г) тилнинг яшаш шакли;

24. “Нутқ маданияти” қандай соҳа?

- А) тарихий соҳа;
- Б) муҳим сиёсий соҳа;
- В) лингвистик соҳа;
- Г) биологик соҳа;

25. Нутқ маданияти ҳақидаги таълимотнинг марказий масаласи қайси?

- А) Нутқнинг тўғрилиги;
- Б) Нутқнинг аниқлиги;
- В) Нутқнинг софлиги;
- Г) Нутқнинг мантқиқийлиги;

26. “Ҳадемай бир-икки совлигим қўзилайди. Оғиз ичгали бемалол ташриф буюришингиз мумкин». Гапдаги адабий тил меъёрларининг бузилишига сабаб бўлган сўз қайси?

- А) Қўзилайди;
- Б) Совлигим;
- В) Ичгали;
- Г) Ҳадемай;

27. “Ич этини емоқ” иборасига маънодош ибора берилган қаторни топинг.

- А) Эзилмоқ ;
- Б) Ўз ёғига ўзи ковурилмоқ;
- В) Кайфияти ёмон;
- Г) Авзойи бузук;

28. Умумий мазмуни бир бўлган ҳар икки гапнинг ифода шакллари қандай?

1. Баҳор келди, 2. Баҳор яхшилик билан ясаниб келди.

- А) 1-бадий нутқ, 2-оддий нутқ
- Б) 1-оддий нутқ, 2-оддий нутқ
- В) 1- оддий нутқ, 2-бадий нутқ
- Г) тўғри жавоб йўқ .

29. Қандай нутқда сўз маъноларининг кўчиши кўп кузатилади?

- А) бадий ;
- Б) оддий;
- В) А. Б жавоблар тўғри;
- Г) тўғри жавоб йўқ;

30. Мантиқийлик деганда нимани тушунасиш?

- А) тил воситаларини мантиқ ва тўғри тафаккур қонуниятларида мос тарзда мазмуний бирикиши;
- Б) тил воситаларини мантиқ ва тўғри тафаккур қонуниятларига мос тарзда бирикмаслиги;
- В) А. Б жавоблар тўғри;
- Г) тўғри жавоб йўқ ;

МАТНЛАР ВА ШЕЪРЛАР

Ғафур Ғулом,
Ўзбекистон халқ шоири

САНЪАТИМ

(Ўзбек санъатининг нишонли ўғил-қизларига)

Эй асрлар асираси, зулмат қурбони,
Тарихларнинг гарданида ёқут, маржони.
Исёнларнинг сут эмизган онаси, қони,
Кишилиқнинг тенг ярми, шериги, жони,
Одамликнинг бир бўлаги, мазмуни, жони,
Юрагимнинг “Гулсара”си бўлган санъатим!

Ичкарининг соқовланган тили сўйларкан,
Қайғу – алам эртақларин мунг-ла қуйларкан,
Жон димоғи зулмнинг заҳар гулин бўйларкан.
Ҳасрат кўзи чимматларда қонга тўларкан,
Чўриларнинг, қанизларнинг йўлин ўйларкан,
Жигаримнинг бир пораси бўлган санъатим!

Ичкарининг даричаси – порлоқ кўзисан,
Шўх қизларнинг мусиқавий қувноқ сўзисан,
Озод ўзбек – хотинлигин қулган юзисан,
Минг Зебининг, минг Қумрининг худди ўзисан,
Ҳалимаси ҳам Сораси бўлган санъатим.

Туроб Тўла

МЕН ВА РАҚҚОСА

Менга куйлашни ўргатмиш, сенга ўйнашни бу дунё,
Насиб этмиш сенга ўйнаш билан куйлашни бу дунё.

Насиб этмиш сенга афсун ила рақс илмининг сиррин,
Менга афсун аро тилсим билан сўйлашни бу дунё.

Фусункор санъатинг рангин, ҳаётбахш, жилвагар ғоят,
Шукур, ўргатмади бизга ғалат ўйлашни бу дунё.

Муяссар айламиш бизга, муҳаббат мулкиким, бенукс,
Сенга бир ғамза бирла ўтар, ўрташни бу дунё!

Сенга бокқанда ҳайратда ёниб бахту садоқатдин,
Менга бўзлашни ўргатмиш, сенга қувнашни бу дунё.

Сенга ҳайрон этишни ўргатибмиш кўхна дунёни,
Менга куйлаб сени, унга тавоф айлашни бу дунё!

Вафо расмики, билким, сен, Туробинг сўзи рост ҳаргиз,
Менга сайрашни ўргатмиш, сенга ўйнашни бу дунё.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили макоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутки//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>
2. Rhetoric Society Quarterly. Vol, 24. № 1/2. 1994.
3. А.Навоий. Хамса .- Т.Ф.Фулум нашриёти, 1988.
4. Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
5. Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т., 1975.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
7. Аждодлар ўғити. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
8. Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1972.
9. Аҳмедова Ҳ.Т. Нотиклик санъати манбалари ва ўқувчилар нутқини ривожлантириш омиллари. – Тошкент: ВАҲОЗ, 2015.
10. Беруний. Танланган асарлар. III том – Т., 1982.
11. Бобур З.М. Бобурнома. Т.1989.
12. Воҳидов Э. Танланган асарлар. Тошкент, 2016.
13. Воҳидов Э.Сўз латофати.Т.2015.
14. Звегинцев В. А. История языкознания XIX - XX веков очерках и извлечениях. Часть II-Москва, 1965.
15. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
16. Кайковус. Қобуснома. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
17. Карнеги Д. Как вырабатывать уверенность в себе и влияет на людей, выступая публично.- Ташкент: Шарк, 1992.
18. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. Индекс луғат. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961,1967.
19. Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. –Тошкент, 1992.
20. Ликсон Ч. Конфликт: семь шагов к миру. - Санкт - Петербург: Питер, 1997.
21. Мадэлин Беркли - Ален. Забытое искусство слушать. - Санкт-Петербург: Питер, 1997.

22. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишёр Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
23. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
24. Минҳожиддин Мирзо. Гуллаш пайти келди, боғларим... Т.2015.
25. Мухтор А. Танланган асарлар. Тошкент, 2020.
26. авоий А. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
27. Орипов А. Танланган асарлар. Тошкент, 2020.
28. Парфи Р. Танланган асарлар. Тошкент, 2016.
29. Пиз А. Язык телодвижений. - Санкт - Петербург, Изд. дом Гутенберг, 1997.
30. Саидхонов М. Дискурсив фаолият марказида шахс омили. // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 2015.
31. Содиқова Т. Қуёшларим, ойларим... Т.2012.
32. Тўла Т. Танланган асарлар. Т.
33. У ким, бу нима? Кичик ёшдаги мактаб болалари учун энциклопедия. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1988.
34. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
35. Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.
36. Шарафиддинов О. Домлалар. – Тошкент: Маънавият, 2009.
37. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. Тошкент, 2019.

ХУЛКАР ХАМРОЕВА

НОТИҚЛИК САНЪАТИ

(Ўқув-услубий кўлланма)

Формат 60x100 1/16

Тығыздығы 80 гр./м². Қағаздың ақтығы 95%.

Қағазы офсеттік. РИЗО басылымы.

Көлемі 180 бет. Басылған беттердің шарттары 11,25.



«Эпиграф» баспасында басылымға дайындалды және басып шығарылды
РК, Алматы, Төле би, 292
тел.: 8 727 364 84 07
e-mail: epigraf12@mail.ru